


566

ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 2/2011





120

Михаил Булгаков

Иисонынға әттиқоди үшінк қысметини белгилайди.

ПҮРПЛІ БҰХОҚ БҮНӘДКОР

Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳар камроқдур. ...Вилоятини “Мовароуннахр” дерлар. Ҳеч ёгий (душман) қаҳр ва ғалаба била мунга даст топмагон учун “Балдайи маҳфуз” (“Қўриқланган ўлка”) дерлар.

...Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуг подшоҳ Самарқандни пойтахт қилғон эмастур.

...Темурбекнинг ва Үлугбек Мирзонинг имороти ва боготи Самарқанд маҳаллотида кўптур. Самарқанд арқида Темурбек бир улуг кўшк солибтур, тўрт ошёниқ, Кўксаройға мавсум ва машҳур ва бисёр олий имораттур. ...Ажаб хосиятиқ имораттур. Темурбек авлодидин ҳар ким бош кўтариб, таҳтқа ўлтурса ҳам, мунда ўлтурур...

* * *

...Улугбек Мирзонинг иморатларидин Самарқанд қалъасининг ичидага мадраса ва хонақоҳдур. Хонақоҳнинг гунбази бисёр улуг гунбаздур, “Оламда онча улуг гунбаз йўқ”, деб нишон берурлар.

* * *

...Алишербек назири йўқ киши эди. ...Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. ...Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффак бўлмиш бўлғай.

* * *

...Нечукким, “Зафарнома”да Темурбекнинг “Масжиди сангин” (“Тош масжид”) иморатини қилурда Мулло Шараф (Али Яздий) мундок муболага била битибдурким, Озарбойжон ва Форс ва Ҳиндустон ва яна ўзга мамолик сангтарошларидин ҳар кунда икки юз киши масжида иш қилурлар эди. Бир Ограда ушбу Огранинг сангтарошларидин менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз сексон киши иш қилурлар эди. Яна Ограда ва Секрида ва Биёнада ва Дијипурда ва Гувалёрда ва Кўлда минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди.

“Бобурнома”дан олинди.



ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАҲНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир
Эркин Аъзам

Таҳтириш:
Дамин ЖУМАКУЛ
(масъул котиб)
Муҳиддин РАХИМ
(бўлим мудири)
ШОҲСАНАМ
(бўлим мудири)
Ольга ЖОЛДАСОВА
(бўлим мудири)
Наргиз УСМОНОВА
(саҳифаловчи)
Гулнара ФАТТОХОВА
(мусаххиз)
Машраб НУРИНБОЕВ
(фотомуҳбир)

Жамоат кензаси:
Дилорон АЛИМОВА
Абгулла АБЗАМ
Хуршид ДАВРОН
Нуриддин ЗАЙНИЕВ
Бажодир ЗОКИР
Нажмиддин КОМИЛ
Султонмурад ОЛИМ
Шукрат РИЗО
Хайрицдин СУЛТОН
Нурислом ТЎХЛИЕВ
Абдураҳим ЭРКАЕВ
Муртазо КАРШИБОЙ
Фарҳод ҲАМРОЕВ
Иброрхим ҲАККУЛ


Муассис — Республика Маънавият ва маърифат кензаси.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигига 0219-радам билан рўйхатга олибсан. Матнларда фойдаланилган мисол, юъчирма ва маълумотлар аниқлик учун муаллифлар жавобгариди.

Журналдан юънриб босилганда манба кўйд этигинаш шарт.

Шеърий асарлар журналинг ўз ташаббуси билан чоп этилади.

Манзилимиз: 100047, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 6-й



Журнал андёзин таҳдириятнинг компьютер бўлимида тайёрланади.

“Шарқ” науқриёт-матбав ақиёнотлорлик компанияси босмахонаси, 100028, Тошкент шаҳри, Буюк Турон қўчаси, 41-й.

2011 йил 23 марта куни босмахонага топширилди. Кроз бечини 70x100 ғ., 6 босим тобоб, 1541-буорутмав. Нашр адади — 3347 нусха.

ISSN 2010-649

tafakkur@inbox.uz

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

“Учинчи сектор” ва “бешинчи ҳокимият”. Минтақавий сиёсат жамғармаси директори Улугбек МУҲАММАДИЕВ билан сұхбат 4

ЖАМИЯТНИНГ МАҶСАДИ

Султонмурад ОЛИМ. Акп билан меҳнат омон бўлса..... 10



Муҳовада
Николай Рерихин
“Баҳор” асари

ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Матлуба МУСАЕВА. Парламент тизими: ёндашувлар, қарашлар, тажрибалар 16

ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ. Мендан мени сўранг! 24

ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Эшқобил ШУКУР. Бир куни, бир тонгда қушга айлансан 30

ТАКДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

Георгий ПРЯХИН. Отам ким, онам ким... Романдан боб 36

SAHIFALARIDA

саҳифаларида


О'З РК

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Азиза МАМАТОВА. Лахза ва абадият.....54

АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Лев ТОЛСТОЙ. Адабий танқид қандай бўлмоги керак?.....56



И. Крамской чизган портрет

РОСТЛИК – ХАЛОСЛИК

Муҳаммад АЗИМОВ. Жабрдийда обидалар...62

ЕТТИ ИҶЛИМ МУЖДАСИ

Пўлат ЗОҲИДОВ, Дамин ЖУМАКУЛ. Семира-мида – Шомурамат изидан.....64



ТАФАККУР ТАБАССУМИ

Анойи саволларга киройи жавоблар.....70

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Виктор АЛИМАСОВ. Китоб умр моҳиятини ўйлашга ундиайди.....74



ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Сардор ЁҚУБОВ. XXI аср: гуманитар тамоилиллар.....80

Рустам САФАРОВ. Таҳдидлардан асрорчи куч.....82

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ, Жамшидбек НАМОЗОВ. Интернет ва атом.....83

Гуландом УМАРОВА. Бунёдкор кун.....85

Азиза СУЛТОНОВА. Қадрияллар диалектикаси.....86

Бахром ЖУМАЕВ. Тарих, шахс ва тарисий онг.....87

Улугбек МАМАТОВ. Юнусхожи портрети.....88

Соибжон ҲОШИМОВ. Ушалмаган орзулар.....89

Музробjon АБДУЛЛАЕВ. Шўро давридаги "кулок" послеклари.....91

Римма ЗАМИЛОВА. Қаҳрамонликнинг ижтимоий-фалсафий талқини.....93

Наргиза МАДАМИНОВА. Эзгулик ва ибрат китоби.....94

Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни.....95



"UCHINCHI SEKTOR" VA "BESHINCHI HOKIMIYAT"

*Минтақавий сиёсат жамғармаси директори,
сиёсий фанлар номзоди Улугбек МУҲАММАДИЕВ
билин суҳбат*

– Улугбек Насридинович, 2010 йил республикамиз сиёсий ҳаёти мұхым воқеаларга бой бўлди. Тошкент шаҳрида Осиё тараққиёт банки бошқарувчилари кенгашининг йиллик мажлиси, ШХТнинг саммити бўлиб ўтди. Июнь ойида Құргизистон жанубида рўй берган қонли воқеалар оқибатида юз минглаб қочқунларнинг келиши, уларга бошпана бериш борасидаги саъй-ҳаракатлар жаҳон жамоатчилигининг таҳсинига сазовор бўлди...

– 2010 йилга назар ташлар эканмиз, ушбу давр жаҳон молиявий-иқтисодий инкоризини бартараф этиш йўлидаги чора-тадбир ва ютуқлар билан бир қаторда минтақавий ва глобал хавфсизликка таҳдид солувчи жуғрофий-сиёсий, мафкуравий ва этник ниқоблар остида кечган турли қарама-қаршиликлар, зиддият ва мокароларга ҳам бой бўлганини таъкидлаш жоиз.

Кўп кутбли дунё, ҳалқаро хавфсизликка доимий равишда бўлаётган таҳдидлар шароитида Ўзбекистон ҳалқаро сиёсат, иқтисодиёт ва хавфсизлик борасида илгари сурган ташаббуслар минтақавий ва глобал стратегик мувозанат ҳамда тинчлик-осойишталик сақлаб қолинишида мұхим аҳамият касб этди, десак муболага бўлмайди.

2010 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Осиё тараққиёт банки (ОТБ) бошқарувчилар кенгашининг 43-йигилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг, қолаверса, барқарор иқтисодий ривожланишининг эътирофи бўлди. Ушбу банк

Ўзбекистонни ишончли ҳамкор деб билгани учун миллий иқтисодиётимизга 1,23 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган сармоя киритди. Бундан ташқари, банк раҳбарияти Ўзбекистон қуриб, 2009 йили фойдаланишга топширган "Сурхон – Пули Ҳумри – Кобул" 220-электр узатиш линиясини миңтақавий алоқаларни йўлга қўйишнинг юксак на-мунаси деб атади. Ўзбекистоннинг жуғрофий жойлашуви, ривожланган транспорт инфратузилмаси, бошқа коммуникация тармоқлари миңтақа мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришининг муҳим омилидир. Шу боис автотрассалар ва темирйўл тармоғи модернизацияси учун сармояларни жалб қилиш ҳам ОТБ-нинг, ҳам Ўзбекистоннинг, миңтақа мамлакатларининг стратегик мақсадларига хизмат қиласди.



Қирғизистондаги ноҳуш воқеаларга келсак, айнан Президентимиз Ислом Каримовнинг юксак сиёсий идроки ва иродаси туфайлигини миңтақа мамлакатларини алсанга ичидаги қолдириши, бутун Евросиёда бекарорлик туғдириши мумкин бўлган глобал мажаронинг олди олинди. Дунёнинг барча етакчи сиёсий арбоблари Ўзбекистон раҳбариятининг мураккаб шароитда халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва давлатлараро муносабатлар қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда қабул қилган оқилона сиёсий қарорини юксак баҳолади ҳамда қўшни мамлакатнинг республикамиз ҳудудида бошпана топган юз минглаб фуқароларига кўрсатилган ғамхўрликни гуманизмнинг юксак намунаси деб атади.

Албатта, Ўзбекистоннинг эътирофга сазовор бўлаётган саъй-ҳарақатлари шу билан чекланиб қолмайди. Бунга нуфузли халқаро илмий-тадқиқот институтлари ва эксперт доиралари Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, миңтақавий хавфсизлик ва осойишталиктин таъминлаш, терроризм, наркоагресия ва диний экстремизм каби таҳдидларга қарши кураш йўлида мамлакатимиз раҳбарияти олиб бораётган сиёsat ҳам киради.

Сир эмаски, Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва стратегик мувозанатни сақлаш, унинг манфаатлар тўқнашуви ва зиддиятлар маконига айланниши олдини олишда турли миңтақавий ва халқаро ташкилотлар имкониятидан фойдаланишга интилоқда.

Шу маънода, Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги доирасида ушбу миңтақавий ташкилот ва БМТ ўртасида 2010 йилнинг 5 апрель куни "Ўзаро ҳамкорлик тўғрисида"ги битимнинг айнан Тошкент шаҳрида имзоланганига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Мамлакатимиз ташаббуси билан имзоланган ушбу ҳужжат ШҲТнинг халқаро нуфузи янада ортаётгани, унинг глобал мажаролар, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, барқарор иқтисодий тараққиёт ва атроф мухит муҳофазаси муаммоларини ҳал этишда алоҳида аҳамият касб этиб бораётганидан далолат беради.

Сиёсий, иқтисодий ва хавфсизлик масалаларида Ўзбекистон раҳбарияти илгари сураётган ташабbusлар ва амалга оширилган ишлар республикализмнинг миңтақа ва жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини янада орттириши шубҳасиз. Сингапур молия вазирининг ўринбосари Лим Хю Хуа 2010 йили Осиё тараққиёт банки бошқарувчилари кенгаши йиллик мажлисининг МДҲ

худудида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўтказилганини ҳалқаро молия институтларининг мамлакатимизга ишончи тобора ортиб бораётгани белгиси деб атади.

Бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси билан боғлиқ ҳеч қандай муаммо Ўзбекистон иширикисиз ҳал бўлмаслигини ҳамма билади. Шу маънода, 2011 йил 24 январь куни Президент Ислом Каримов Европа Иттифоқи (ЕИ) комиссияси президенти Ж.Баррозо таклифиға биноан минтақавий хавфсизлик ва икки томонла маҳкорлик масалаларини мухокама этиш учун Брюсселга ташриф буюргани ҳамда ЕИ ва НАТО раҳбарияти билан музокаралар ўтказгани диққатга сазовор. Европанинг нуфузли эксперт доиралари Ўзбекистон билан ЕИ муносабатларида сифат жиҳатдан янги ҳамкорлик босқичи бошланганига алоҳида ургу берди.

– Эришилган бундай муваффақиятлар ўзбек эксперталарининг етарли баҳосини олдими? Назаримда, бизнине журналистлар ва эксперталар у ёки бу воқеага баҳо бераётгандан тайсаллаб, юқоридагилар нима дөр экан, деб турив қолаётганга ўхшайди. Оқибатда эса ўз фикрини билдиришдан ҳайуқиб, газета-журнал ёки вебсайтларимизда факат расмий хабарларнигина кўчирив босишидан нарига ўта олмаяпти. Сизнингча, бундай мўртплигимизнинг сабаби нима?

– Эксперт ёки журналистларимиз эришилаётган муваффақиятларга етарли баҳо бера олмаяпти десак, масалага бир томонлама ёндашган бўламиз. Ўзбекистонлик журналист ёки эксперталар бугунги кунда хорижий эксперталар билан бемалол беллаша олади ва ўрни келганда устунлик ҳам қиласди. Фақат, фаолиятимиз бир тизимга солинганми, деган савол берилса, жавоб қайтаришга ўйланиб қоламиз. Биз кўпинча юқоридан туртки берилсанги маълум мавзу хусусида фикр билдиришга ошиқамиз. Оқибатда, бу тадбир "кампаниябозлик"ка айланади-қолади.

Шу ўринда масаланинг бошқа бир жиҳатига ҳам эътибор қаратиш лозим. Юқосак тараққий этган мамлакатлар тажрибаси давлат бошқарувида ҳам, бизнес юритишида ҳам эксперталар фикрига кўпроқ эътибор қаратиши ва таяниши зарур эканини кўрсатмоқда.

Такрор бўлса ҳам айтаман, юртимизда барча соҳаларда дунёning манаман деган эксперталари билан беллаша оладиган иқтидорли эксперталар бор.Faқатгина уларни бундай жараёнларга кўпроқ жалб қилиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

– Ўтган йилнинг ноябрь ойида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик испоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" деб номланган Президент маъруzasida сиёсий испоҳотлар, жумладан, парламент сайловида ғалаба қозонган сиёсий партияниң бош вазир лавозимига номзод кўрсатиши, бош вазирга ишончсизлик билдириб овоз бериши тартибларини жорий қилиш ташаббуслари илгари сурилди, бу дунёning кўпгина мамлакатлари эксперталари эътирофига сазовор бўлди. Тўғри, бизда ҳам сиёсий партиялар вакиллари, журналистлар, олимлар бу ҳақда ўз фикрларини билдиримоқда. Лекин замонавий сиёсий тизимнинг алоҳида субъекти бўлган таҳлил марказларида хизмат қилаётган эксперталар-чи?

- Дарҳақиқат, юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисига тақдим этилган Концепциясини мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилишнинг навбатдаги босқичида амалга оширилиши керак бўлган вазифаларни белгилаб бериши жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга тарихий воқеа бўлди деб айтиш мумкин.

Концепцияда демоқратик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-хуқуқ тизими, аҳборот соҳасини испоҳ қилиш, аҳборот ва сўз эркинлиги, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демоқратик бозор испоҳотларини ва иқтисодиётни янада либераллаштириш каби муҳим йўналишлар белгиланиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмлари аниқ ва равshan кўрсатиб берилган. Президентимиз қўшма мажлисдаги маърузасида парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш борасидаги фикр-мулоҳазаларини баён этиб, давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда юқорида белгилаб берилган йўналишлар бўйича бальзи қонунчилик ташабbusларини ҳам илгари сурди.

Мазкур Концепцияда жамият ҳаётининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш борасида илғор ғоялар ўртага ташланди. Унинг самарали амалга оширилиши Ўзбекистонни тараққиётнинг янги босқичига кўтаришда муҳим омил бўлади.

Президентимиз маърузаси сиёсий партиялар зиммасига бугунги ва эртанги кун талабларини кўзда тутган ҳолда янги вазифаларни юклаш билан бирга, уларнинг масъулиятини ошириш, ўзаро соглом рақобат мухитини кучайтириш, ҳокимият учун курашишнинг демоқратик йўлларидан самарали фойдаланиш борасида янада фаол иш олиб бориш талабини кўяди: "Айни вақтда шуни унутмаслигимиз керакки, мазкур испоҳотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқdir".

Бундан ташқари, Президент маърузасида Конституциянинг айrim моддала-рига тузатишлар киритиш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: Президент – давлат бошлиги, қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги ваколатларни мутаносиб равишда тақсимлаш зарурати қайд этилди.

Хуллас, Концепцияда белгилаб берилган устувор йўналишлар мамлакатимизни босқичма-босқич, тадрижий ривожлантириш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этиади. Уни ҳаётга татбиқ этиш Ўзбекистонда демоқратик испоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш йўлида янги уфқлар очиб беради.

- Маърузада айни чоқда Ўзбекистонда 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) фаолият юритаётгани қайд этилиб, уларнинг бугунги ҳаётимиздаги роли таъкидлаб ўтилди. Сиз эртанги кун ННТнинг жамиятдаги

ўрни қандай бўлади, деб ўйлайсиз? Умуман, бир жамиятдаги ННТ фаолияти бошқа жамиятдаги ННТ фаолиятидан фарқ қилиши мумкинми?

– Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари рогини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича кўйилган мақсадни рӯёбга чиқариша ҳал қилувчи омил бўляпти.

Алоҳида эътиборга лойик бўлган бир мавзу бор. Бу ҳам бўлса, ННТ фаолиятини янада ривожлантириш ва жонлантиришда уларнинг масъулиятини ошириш масаласидир. Ўзбекистондаги ННТлар фаолият кўлами, иш услуби ва бошқа хусусиятлари билан хорижий мамлакатлар ННТларидан маънода фарқ қиласди. Бу, асосан, улар ўз мақсад ва вазифаларини аниқ бажаришида, амалдаги қонунчилик доирасида иш юритишида намоён бўлиб, бошқа жамият ёки мамлакатлардаги деструктив мақсадларга эга бўлган ННТларга бутунлай ўхшамайди. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган ННТ ҳар бир дастурини аниқ бажариши баробарида, жамият ва давлат ҳаёти учун фойдали масалаларни ҳал этиши, аниқ ижтимоий дастурларни ҳаётта жорий қилаётгани билан алоҳида эътиборга лойик. Лекин улар ишидаги баъзи камчиликлар ва муаммоларни, сусткашлигини бартараф этиш, яратилган ташкилий-хукукий шароитларни янада такомиллаштириш ҳам бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

– Шу ўринда Сизга ННТнинг яна бир тури – таҳлил марказлари хусусида савол бермоқчи эдим. Сир эмас, бугунги кунда бундай марказларга талаб ошиб бормоқда. Негаки, минтақадаги жараёнлар (хаевфисзлик, барқарорлик, интеграция, экология соҳасидаги ва ҳоказо) муайян таҳлиллар баробарида муҳим сиёсий қарорлар қабул қилишда асқатадиган эксперт прогнозларини ҳам тақозо этади...

– Олдинги саволга жавоб берәтиб, бу ҳақдаги фикримни, қисман бўлса-да, айтиб ўтдим. Яна таъкидлаб ўтиш жоизки, эксперталар ҳамжамиятини шакллантириш ва уларнинг ишларини жонлантириш учун баҳс майдонини яратиш, улар сафини янги-янги мутахассислар билан бойитиб бориш масалалари алоҳида эътиборга молик. Назаримда, илмий йўналиш билан бир қаторда минтақа ва глобал аҳамиятга эга бўлган ҳар бир йўналиш учун зарур экспертларни тарбиялаш, уларнинг билим ва кўниммаларини тўхтовсиз ошириб бориш зарур. Мисол учун, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий университети каби илм даргоҳлари билан бир қаторда, мамлакатимиз худудларида ҳам алоҳида экспертларни тайёрлаш ва уларни амалиётга жалб қилиш борасида бошланган ишларни янада ривожлантириш лозим. Шунингдек, экспертларни қайта тайёрлаш ва доимий малакасини ошириш, шунингдек, зарурий ахборотларга ўз вақтида эга бўлишлари учун шароитлар яратиш масаласи ҳам муҳим вазифалар қаторидан ўрин олиши лозим.

– Фарб мамлакатлари, хусусан, АҚШдаги таҳлил марказлари нуҳоятда фаол. Улар сиёсий жараёнларга ҳам таъсир ўтказа бошлади. Айни ҳолат “think

tank" ("ақп өмреке") баробарида "think advocacy" ("таъсир өмреке") вужудга келишига сабаб бўлди. Өмрекий Осиё минтақасида ҳам шундай таъсир өмреклари мавжудми?

- Сиз айтётган таҳлил марказлари аслида нодавлат илмий-тадқиқот ташкилотлари бўлиб, ўзига хос тадқиқот, таълим дастурларини амалга оширади. Ушбу дастурлар таҳлил ва таълим ишлари билан бирга қарор қабул қиливчи сиёсанчилар ва турли масалалар бўйича жамоатчилик фикрини шакллантирувчи кишиларга таъсир ўтказишни мақсад қилиб олади.

Дарҳақиқат, таҳлил марказлари ўзининг пухта илмий таҳлилга асосланган тавсиялари билан турли даражадаги сиёсанчилар, раҳбарларга у ёки бу масалада тўғри қарорлар қабул қилишида ёрдам кўрсатмоқда. Ҳатто баъзи марказлар ишлаб чиқкан тавсияларни ҳукуматлар ташки сиёсан доктринаси сифатида қабул қилимоқда. Бунга америкалик таниклик сиёсатшунос С.Хантингтоннинг "Тамаддулар тўқнашуви" китобини ёки АҚШнинг Жонс Хопкинс университети қошидаги Өмрекий Осиё ва Кавказ университети директори Фредерик Старнинг "Буюк Өмрекий Осиё" концепциясини, "Мерос" жамғармаси ишлаб чиқкан йигирма томлик ҳаракат дастурини мисол қилиб келтириш мумкин. Р.Рейган маъмурияти уни ўз стратегиясига асос қилиб олган эди.

Бинобарин, таҳлил марказлари замонавий сиёсий жараёнларнинг фаол иштироқчисига айланиб қолди. Бугунги кунда Farb таҳлил марказлари нафақат сиёсий масалаларда, балки транспорт, мудофаа, табиий ресурслар, ижтимоий таъминот сингари масалаларда ҳам тавсиялар бериб туради.

XX асрнинг 70-80-йилларига келиб эса ақп өмрекларининг янги авлоди – "таъсир өмреклари" вужудга келди. Улар тадқиқот ўтказиш баробарида сиёсий жараёнларга ҳам таъсир ўтказишни, фуқаролик жамияти манфаатларини ҳимоя қилишини кўзлаб фаолият юритади. Уларнинг таъсир кучи шу даражадаки, бирор бир сиёсанччи иштебога чиққандан сўнг ўша таҳлил ёки таъсир өмрекига ўтиб ишлаши ёки ўша марказлар ходимлари раҳбарлик лавозимларига кўтарилиши мумкин.

Бу ҳол Ўзбекистонга ҳам кириб келмоқда. Ҳозирги кунда ҳокимият органларига ННТ ходимлари орасидан раҳбар ва мутахассисларни жалб этиш амалиёти кенгаймоқда. Масалан, 2009 йилда бўлиб ўтган сайловда кўпгина ННТ вакиллари парламентга, маҳаллий кенгашларга депутат бўлиб сайланди.

Албатта, таҳлил марказларининг вазифаси нафақат Farbu Шарқда, ҳатто бир-бирига кўшини бўлган мамлакатларда ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Шунга қарамай, дунёнинг ҳар бир мамлакатида, жумладан, бизнинг минтақа мамлакатларида ҳам улар хизматидан фойдаланилади, фақат бу ҳол оммавий ахборот воситалари эътиборидан четроқда кечгани учун кўп тилга олинмайди.

Вашингтон шаҳридан Халкаро иқтисодиёт институти директори ўринбосари Жон Todd Стоарт таҳлил марказлари олдига интеллектуал комиллик билан амалий комилликни омутхана қилиш талабини қўяр экан, уларни "бешинчи ҳокимият" деб атаган эди. Уларнинг мавжуд сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга таъсири кундан-кунга ортиб бораётганини ҳисобга олсанак, бу гап ҳеч бир муболағасиз айтилганига амин бўламиз.

Ризвоной НИЗОМОВА
сұхбатлашды.

Султонмурод ОЛИМ

AQL BILAN MEHNAT OMON BO'LSA...

Тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг, миллатимизнинг қон-қонига, суяк-суюгига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат десак муболага бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

Кичик бизнес нима? Тадбиркорлик-чи? Хусусий тадбиркорлик деганда нимани тушунамиз? Тадбиркорлик бизга чептдан кириб келдими ёки азалдан халқимизнинг қонида бормиди? Бундай инсоний фазилат ёки амалий фаолиятнинг Ватан мустақиллиги билан алоқаси айнан нималарда кўринади? 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб аташдан, шу асосда Давлат дастури тайёрланаб, унинг ҳаётга татбиқ этилишидан кўзланган асосий мақсад нима?

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”да бу каби саволлар ҳар биримизни ўйлантириши табиий.

Араб тилида “дабара” деган феъл бор. Бу сўз бирон бир ишни амалга оширмоқ маъносини англатади. Шу ишни адо этган кишига эса “дабир” дейилади. Ишни қойилмақом қилиб бажаришга “даббара” сўзи кўлланса, унинг ижрочиси бўлган уддабурон шахс “мудабир” деб юритилади.

Бу сўзларни батафсил таҳлил қилишимиз боиси шуки, улар ўрни келганда, ўзбек тилида ҳам арабчадагидек ишлатилаверади.

Ҳозирги тилимида “дабара” феълидан ясалган сўзлар орасида “тадбир” калимаси нисбатан фаол. Аслида мушкулроқ вазиятдан чиқиш учун қилинган иш “тадбир” дейилади. Лекин бу сўз асосан русча “мероприятие”га маънодош анжуман, байрам, мажлис, учра-

шув, тўй, маърака, юбилей каби расмийрок бир издиҳомни ифодалайди.

Шу сўздан "-кор" кўшимчаси ёрдамида "тадбиркор" деган от ясаймизки, бу энди та- моман бошқа маънода келади.

"Тадбиркор"нинг бир маъносигина даромад топиш учун расман рўйхатдан ўтган ҳолда, давлат қонунлари асосида ишбилар- монлик фаолиятини юритувчи (русча "пред-приниматель") деганини англатади, холос.

Ўз навбатида, бу сўзга "-лик" кўшимчасини кўшиш орқали "тадбиркорлик" деган яна бир от ясаймиз. Шу тариқа "тадбиркор" муайян соҳа вакилини, "тадбиркорлик" эса айни соҳанинг ўзини билдиради.

Тилимизда "тадбиркор" тушунчасига яқин келдаги "ишбилармон", "эпчил", "чапдаст", "абжир", "омилкор", "уддабурон" каби ифодалар ҳам фаол ишлатилади. Ҳар бир миллат тили шу ҳалқ ҳаётининг кўзгуси экани назарда тутилса, тадбиркорлик ўзбек ҳалқи қонида азалдан мавжудлиги аён бўлади. Шу боис ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Асосий қонунимиз – Конституция қабул қилинганинг 18 йиллигига багишинган тантанали иғилишшадаги нутқида "Айтиш керакки, юртимиз тарихида тадбиркорлик қадим замонлардан бўён алоҳида ўрин тутиб келади. Ота-боболаримизнинг ўз ери, ўз мулки, ўз касбу ҳунарига эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ишбилармон инсонларни қадрлаш борасидаги анъаналари ҳақида кўп гапириш мумкин", дёя таъкидлади.

Хозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган қадимги ҳаликлар – скиф ва массагетларнинг тадбиркорлиги ҳақида биргина юнон манбаларида қанчадан-қанча маълумот бор! Улар биринчилардан бўлиб ёввойи отларни кўлга ўргатганинг ўзиёқ бунга яқол далил эмасми? Бизнинг заминимизда тадбиркорлик, айниқса, милоддан аввалги II асрда Буюк ипак йўли вужудга келиши билан авж олди. Бироқ Farb билан Шарқ ўртасида денгиз йўли очилгач, юртимиздан утадиган Буюк ипак йўли ўз ахамиятини йўқотди. Шунинг оқибатида Ватанимиз XVI асрлардан умумтарақиётдан бирмунча четда қола бошлади. Охири чор Русияси ва шўролар салтанати мустамлакасига алландик.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни иж-

тиимиой-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган устувор йўналишларга багишинган мажлисидағи матьузасида "Ҳаммамиз яхши биламизки, бизга собиқ совет тизимидан бир томонлама ривожланган, фақат хомашё етиштиришга йўналтирилган, пахта яккаҳокимлиги ҳалолатли даражада авжига чиқсан, ишлаб чиқариш ва социал инфраструктуруни кўрсаткичи энг паст бўлган иқтисодий мерос бўлиб қолган эди", дёя эътироф этди.

Бинобарин, мустақиллик даврида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади – айнан шу ижтимоий-иқтисодий қолоқлиқдан кутублиб, Ўзбекистонни юксак тараққий этган давлатлар сафига кўшишдан иборат.

Хозир дунёда 252 мамлакат бўлса, ундан 20 тасигина ривожланган давлат хисобланади. Ана шу 20 тадан 7 таси (АҚШ, Канада, ГФР, Буюк Британия, Франция, Италия, Япония) юксак тараққиётга эришган. Бу ҳисоб мамлакатдаги умумбойликларнинг киши бошига тақсимоти бўйича аниқланади. Рўй-рост айтиш зарурки, юқоридаги еттиталик ёки йигирматаликлар рўйхатига кириш осон эмас. Дунё бозори ягона, ундан ҳар ким жағдайига яраша, яъни умумхирмондаги хиссасига қараб улуш олади. Қайси давлатда ишлаб чиқариш миқдори, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари паст даражада бўлса, замон билан ҳамқадам янги технология жорий этилмаса, маҳсулот етиширища саноат улуси кам бўлса, экспортга нисбатан импорт хиссаси кўпроқ ўрин тутса, шу мамлакат қолоқлик ботқогига ботиб, ҳалқи оғир, унумсиз меҳнатга маҳкум бўлиб бораверади. Оддий ҳақиқат шуки, кимлардир айнан йиллар, асрлар мобайнида юксак мавқени эгаллаб олгани боис кам меҳнат сарфлаб, кўп моддий даромад топади, кимлардир кечани кечча, кундузни кундуз демай елиб-югуриб ҳам тириклик қозонини зўрга қайнатиб юраверади. Бозор – шафқатсиз. Унинг ёзилмаган бир "темир" қонуни шуки, пулдор – пулсизни, илмли – билимсизни, тадбиркор – тадбирсиз кишини бозордан сикиб чиқаради.

Шу сабаб ҳам бутун жамият, ҳар бир фуқаро тадбиркор бўлишга интилиши шарт.

Тадбиркорлик – ҳам кенг, ҳам дақиқ тушунча.

Кенглиги шуки, биз расман рўйхатдан ўтиб, корхона ёки ташкилот очиб ишлаётганларнигина тадбиркор санаасиз, хато қиласиз. Модомики, бозор иқтисодийтини жорий этаётган ва ривожланган давлатлар сафидан ўрин олмоқни ният қилган эканмиз, ҳамма ўз соҳаси, фаолияти, турмуш тарзида тадбиркор бўлиши лозим. Зеро оддий фаррошдан тортиб академиккача тадбирсизи ҳам, тадбиркори ҳам бор.

Дақиқлиги шуки, содда қилиб тушунтириладиган бўлса, бир ишни бажариш учун ким кўп вақт ва маблаг сарфласа, у тадбирсиз; ким кам вақт ва маблаг сарфлаб, ана шундай натижага эришса, у – тадбиркор.

Теваракка разм солинг-а, ҳар қадамда тадбиркорликка эътиёж бор. Ҳаётнинг ўзи шуни талаб қилиб турибди.

Бухоронинг Ромитан туманида етти нақшбандий пирнинг бири – Хожа Али Ромитаний билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳ бор. Ёзниг чилласида шу муқаддас маконда юртимизнинг ҳамма ерида кўлласа бўладиган камтаригина бир тадбиркорликка гувоҳ бўлдим. Хожа Али Ромитаний қадамжосига кираверишда ўнг кўлда хурмо кўчати экилган экан. Ниҳол бошига осма укол қилишда кўлланадиган ускуна осилган. Дори ўрнига "ко-ка-кола" идишига сув тўлдириб кўйилган. "Бу усулда кўчат томчилаб суюрилади. Шундай қилмасак, кўкариб кетиши қийин кечяпти. Чунки бизда ёз жуда иссиқ. Саратонда куриб қоляпти. Охири шу йўлни топдик. Кундузлар иккинчи тезлика кўяман, кечалари эса биринчи тезлик ҳам кифоя", дейди масжид имом-хатиби Амрулла ака.

Ўзбекистонда тадбиркорликни қайта-бошдан йўлга қўйишга тўғри келди. Ахир, шўро даврида ота-онамиз ҳеч биримизни тадбиркор бўлишга ундан тарбияламаган, негаки, бойлар синф сифатида тутагилган, хусусий мулкка эгалик қилиб, сарватманд бўлиш тақиленган эди-да.

Мархум устозимиз профессор Файбулла ас-Салом истиқбол ийиларида мамлакатимизда бошланниб кетган тадбиркорлик ҳарақатларидан кувониб, "Агар шўро замони хусусий мулк ва тадбиркорликка қарши қақшатиҷ кураш бошламаганида, ким биланди дейсиз, бугунга келиб каминанинг авло-

дидан қай биридир Хатирчида йирик совун заводи курган бўлармиди, чунки аждодларимиз совунгар ўтган", деган эди.

Каминанинг ҳам она тарафдан уруғлари ана шундай тадбиркор бўлган. Улар ишлаб чиқариш ва савдо-тижорат билан шуғулланган. Чўлдаги чорвадордан мол сотиб олиб, қассобга сотган. Қассобдан тери олиб, чармгарга сотган. Чармгардан чарм харид килиб, маҳсидўзга пуллаган. Маҳсидўздан маҳси олиб, истеъмолчига сотган. Хуллас, хомашёни ҳам ўзи сотган, тайёр маҳсулотни ҳам. Шу тариқа тижорат ривожига ҳисса кўшган. Бундан ташқари, Бухородан тайёр маҳсулот юклаб, Қизил Ўрдага элтиб пуллаган. Қайтишда Қизил Ўрдадан Россия ва Хитой товарларини Бухоро бозорларига олиб келган. "Қизил Ўрдада ҳам тайёр ҳовалиларимиз қолиб кетди, большавойдан қочиб, ҳаммасини ташлаб келганимиз", деб эслар эди кекса қариндошларимиз.

Бухородан Қизил Ўрдага, Қизил Ўрдадан Бухорога фақат моддий товарларигина бориб-келиб турмаган, албатта. Савдо баҳонасида тажриба, технология, илм-фан, маданият, тамаддун ҳам бу ёқдан у ёққа, у ёқдан бу ёқка кўчган.

...Ана шу бобомиз шўро давлатидан бир умр норози кетди. Ерингда 26 нафар қарол ишлатгансан деб, бор мол-мulkи мусодара этилгани етмагандек, ўзи Гуржистонга сургун қилиб юборилган. "Ер ота-бобомдан мерос бўлиб келган қонуний мулк эди, 26 нафар қаролни ўша давр тартиб-қоидалари бўйича ишлатганман. Улар мендан ризо, мен тифайли тириклини ўтказаётганига хурсанд эди. Кўпининг бошини силаганман, уйлижойи қилганман, тўйларига қарашганман. Мол-мulkими бутунлай олди – майли, халқ йўлида фойдаланамиз, деди – фойдалансан. Лекин қаролларимдан бир оғиз сўрамадики, мен уларга нима жабр ўтказибман? Улар норозилик қилганида ҳам, эътирозим йўқ эди. Сўрамай-нетмай сургун қилди, беватанлик ба-лосига гирифтор айлади..." дер эди раҳматли.

ХХ асрнинг 20-ийиларида кўл-кўп бойларимиз большевиклардан қочиб, Афғонистонга ўтган. Аксарияти ҳеч вақосиз, фақат жонинигина кутқариб кетган. Лекин уларда ўтқир ақл ва катта тажриба, бир сўз билан айтилса, тадбиркорлик бор эди. Қарашса,

қўшни мамлакатда кўй-эчки кўп-у, халқи терини ошлаб, чарм ишлаб чиқариш ва қиши совугида иссиққина маҳси кийиб юришин билмас экан. Афғонистонда чарм ишлаб чиқариб, маҳси тикишни ўзимиздан борган ҳамюртларимиз жорий этган, дейишади. Ҳа, тадбиркор ҳамма ерда тадбиркорлигини қилаверади.

Мустақиллик даврида халқ қайтадан тадбиркорликка киришди, ишни йўқ жойдан бошлади десак ҳам бўлади. Шунга қарамай, бизда тадбиркорлик кенг кулоч ёиди. Бинобарин, "Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта мухим ва саломкли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди" (Ислом Каримов. Эслатилган маъруза). Мазкур соҳадаги юксалишини қўйидаги рақамлар кўрсатиб турибди: 2000 йили мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йил якунларига кўра, бу кўрсаткич 53 фоизга етиб қолди.

1997 йилдан бери мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти совини учун "Ташаббус" кўрик-тандлови ўтказиб келинади. Президентимизнинг "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони (1997 йил 31 март) иловасида рўйхати келтирилган 25 турдаги ҳунармандчилик фаoliyati билан шуғулланадиганлар солиқ ва божхона тўловларидан озод этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаoliyatinini ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида (2010 йил 29 июль) касаначилик фаoliyati ҳунармандчилик билан тенглаштирилган ва ҳунармандчиликнинг асосий йўналишлари рўйхати (42 та йўналиш) белгилаб берилган. Бу рўйхатга киритилган фаoliyiat турлари билан шуғулланувчилар "Ҳунарманд" ушумасига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга.

Булар иш билар монлар учун яратилган имконият, уларга берилган имтиёзларининг

Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд қишидан афзалдор.

Амир ТЕМУР

айримлари, холос. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да шу соҳага доир янги қонунлар қабул қилинади, мавжуд қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади, албатта.

Тадбиркорликни ривожлантириш – амалда аҳолининг ўз кунини ўзи кўриши, янги-янги иш жойларини пайдо қилиш, боқимандалик асоратидан қутулиш, турмуш фаровонлигига ўз кучи билан эришиш, моддий манфаатдорлик негизида ишлаб чиқариши ривожлантиришга ҳисса кўшиш дегани. Бу ҳаммани, аввало ўзи, кейин оиласи, қолаверса, мамлакати тақдирига масъул деб ҳис этишга олиб келади. Ваҳоланки...

Шаҳардаги бир ҳовлига кирдик. Дастурхондек ерга шивит экилибди. Лекин ярмига яқин жойи ўта сийрак, қолган тарафи эса жуда зич чиқкан. Сабабини сўрасак, хонадон соҳиби водопровод шланги билан сурғонданда сув босими уругларни бир томонга суриб юборганини айтди. "Э, акаси, бунақа пайтда шлангнинг учига пахта илдан тўқилган пайпоқ кийдириб боғланади-да, шунда пайпоқ шишиб, босимни қайтаради", деди бир тадбиркор одам.

Ўша киши билан яна бир хонадонда меҳмон бўлдик. Ҳовлиниң бир ёнидан катта ариқ оқиб ўтар экан-у, уй эгаси шу сувдан фойдаланмас экан. Нима эмиш, электр насос билан сув тортса, босим ерни ўпириб, жўйкларни бузиб ташлармиш. "Э, акаси, аввал ердан бир метрча кўтариб бетон ҳовузча қуринг, насос сувни олдин шу ҳовузчага ташласин, бу ёғидан кувур улаб пастга оқизинг, босим бирдан пастлаб, оддий ариқ сувидай сокин оқади-қўяди", дея ўгит берди яна у киши. Ҳуш, баъзиларда учраб турган укувсизлик илдизлари қаерда?

Шўро давлати бор муликни ўз кўлига олгани сабаб ялпи даромадга ҳам эга чиқкан. Ҳатто кооператив ташкилотларининг ҳам ҳуқуқи ўта чекланган бўларди. "Кохоз ҳисобида пул бор, лекин болалар боғчаси эшикларини таъмирлаш учун давлатдан сўрамасдан бир

челак мих ҳам сотиб ополмаймиз", деган эди бир бой хўжалик раиси.

Ана шундай барига хўжайин бўлиб олган давлат "Сенларни мен боқяпман", деб одамларни лакиллатиб келган. Ҳали ҳам онги қотиб қолган айрим кимсалар "Халқни давлат боқиши керак", деган хомхаёл билан муруваттаги кутиб юргани қизиқ. Ваҳоланки, бир ҳақиқатни англаб олмогимиз керак. Одам Атодан қиёматгача гап шу: ҳеч бир давлат халқини боқсан эмас, боқмайди ҳам. Ахир, жамият каттами ёки давлатми? Албатта, жамият катта. Жамият дегани бу – халқ дегани. Халқ ҳамма замонлар ва маконларда ҳам узини ва давлатни боқсан.

Халқ маҳсулот яратади, турли хизмат кўрсатади. Ҳар қандай фойдали меҳнат эса даромад келтиради. Давлат, қонунларда истисно қилинганидан ташқари, ҳар қандай даромаддан солиқ олади. Солиқлар асосида шакллантирилган бюджет давлат функцияларини амалга оширишга сарфланади. Халқ қанча кўп даромад топса, давлат ҳам шунчча бойийди. Бинобарин, аввал халқ бойиши керак.

Бир тажрибали акахонимиз тақдир тақозоси билан Сирдарёнинг Сардоба туманинаги қишлоқлардан бирида вақтинча яшаб қолибди. Қараса, кенг дала, ёнида бир кўл ҳам бор. Қирғоққа яқин ерда бир вақтлар қурилиб, ҳозир эгасиз ётган омонатгина эски шийлонча ҳам турибди. Шу ерга кўчиб олибди. Товуқ, курка, ўрдак, фоз боқишини бошлабди. Аввал бештадан, кейин ўнтадан... Бир-икки йилда улар кўпайиб кетибди. Ҳозир шийлон ёнига яна бир уйча куриб яшашти. Мехмон келиб қолса, шартта бир куркани сўйиб, қозонга босади. Қишлоқда бу кишидан тўқ одам йўқ. Тадбиркор дегани шундай – "борни бўлдирадиган, йўқни йўндирадиган" бўлиши керак-да.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик или" ана шундай миришкорларга янада кенг йўл очади, деб умид қиласми.

Собиқ тузумда қаерда бир маҳсулот ишлаб чиқарилса, қайси корхона ёки ташкилот даромад кўраётган бўлса, қонунсиз асосда шу ердан тама қилиб турадиган ҳар турли вакиллар кўп бўларди. Томорқа эса – хусусий. Колхоз даласидан қоплаб сабзи-пиёз ундирадиган "текширувчи" бригадирнинг шахсий

томорқасида етиштирилган маҳсулотдан бир чепак ҳам сўрай олмас эди. Очигини айтганда, ҳозир ҳам қаердаки бир маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлса, ноқонуний равишда, ўшандан "улуш" кутадиган олғирлар топлади. Хусусийлик охир-оқибат шу ҳолларга чек қўйиши ани.

Вилоятларимизнинг бирида бўлган қизиқ воқеани эшитдим. Бир туманда кўшма корхона очилиб, тухум етиштиришга мўлжалланган товуқчилик фабрикаси ишга туширилибди. Назоратчи идоралардан бирининг масъуль ходими маврид-бемаврид қовуриб ейиш учун тўрт-бештадан товуқ сўраб кела-верар экан. "Ахир, биз тухум етиштирамиз! Биринчидан, тухум берадиган товуқни гўштга сўйиш – увол. Иккинчидан, бирор товуқ сотишига шундай ноўрин мажбур қиласла, мен айнан мана шу назорат идораси ходимига мурожаат килишим, у эса манфаатимни химоя этиши керак. Учинчидан, бу одам олган товуғи учун пул тўламоқни ҳатто хаёлига келтираётгани йўқ", деб боши қотар экан хорижлик шериллардан бирининг...

Бу билан айтмоқчимизки, ҳали-ҳамон жамиятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар йўлига сунъий равишида тўсик бўлаётган кучлар бор. Давлатимиз раҳбари жамиятни ана шундай иллатлардан тезроқ тозалашни уқтириб, бу йўлда қонунчиликни янада такомиллаштириш ташаббускори бўлиб келмоқда.

Қонунларни, демакки, ўз ҳақ-хуқуқини яхши билмаслик – бугунги тадбиркорнинг ҳам айби.

Бир киши ҳовлисида асалари бўча бошласа, маҳалла оқсоқоли "Акахон, яқинда солиқчилар келиб, асаларингиз неча кути эканини суриштирган эди, "Ўзимизнинг одам", деб калта қайтариб юбордим", деб қолибди. Лекин бу ёлғони ўтмаслигидан ўзи бехабар. Чунки бизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, асалдан ҳам солиқ олинмайди.

Яқин ўтиши билан бугунги кунни қиёслаб нима дейиш мумкин? Ахир, бутун мулк давлатники бўлган жамиятда қандоқ тадбиркорлик қиласиз? Тадбиркорлик учун аввало хусусий мулк керак, хусусий мулкка эгалик қилиш кафолатланиши лозим. Ҳозир бизда айнан шу йўл тутиляпти.

Тадбиркор дегани – жонсарак, елиб-югурадиган, кунда изланадиган одам дегани. Сабаби – бу соҳа вакили ҳар қаҷон таваккал қиласи: фойда олиш эҳтимоли қанча бўлса, зарар кўриш эҳтимоли ҳам шунча! У таваккал билан боғлиқ ҳавф-хатарни камайтириш учун илмли ва малакали бўлиши даркор. Бугунги ишбилармон ўз фоалият йўналиши бўйича ҳар бир янгилиқдан воқиф бўлиб боради. Компьютерда ишламайдиган, интернетдан фойдаланмайдиган одам эндилиқда тадбиркор бўлиши душвор. Компьютер ва интернет орқали ишлашга ўтишнинг ўзи ҳам кишидан тадбиркорлик талаб қиласи.

Faур Ғуломнинг "Ҳасан Кайфий" деган ҳикояси бор. Унинг бош foғisi – "Ақл билан меҳнат омон бўлса, бас, у ёғи бир гап бўлар". Ҳикоя ҳаҳрамони турмушидаги бирон бир ўзгаришдан азият чекиб ўтирмайди. Зотан, ақл билан меҳнат бор-ку! Подшо ҳар куни эрталабдан унинг ризқ топадиган машғулотини тақиқлаб қўяверади. Аммо кечқурун кулбасига келса, Ҳасан Кайфий яна ҳар кунгидек ризқ топиб, вақтини хушлаб ўтирибди. Чунки у янги-янги чигалликлардан ҳам ақл ва меҳнат туфайли осон қутулиб кетаверади.

Ахир дангасалигу лоқайдлик, камҳафсалалик кимда йўқ? Бу иллатлар манаман деган одамнинг устидан ҳам ҳукмронлик қиласи. Алишер Навоийдек буюк заҳматкаш зот ҳам бундан истисно эмас эканлар.

Шоир ўзи тузган илк девон – "Бадойиъ ул-бидоя" дебочасида шу ҳақда сўз юритади. Фазалларини ҳали бир ерга тўплаб, девон тарзида тартиб бермаган, шунинг учун мухлислар уларни топиб ўқища сарсон эди. Шунда хотифдан садо келиб, ёзган шеърларини мисли фарзанд ҳисоблайди-да, шоирга:

Равомудур бизинг фаррух замонда
Аларни дарбадар қўлмоқ жаҳонда?

Барин йиг эмди андогум атолар,
Суруқ тифлин нечукким кадхудолар, –

Ки бор ул ҳайли саргардони сода,
Сенга фарзанд, бизга хоназода, –

дейди. Кейин шу нидо – шоирни ишга, меҳнатга ундаш тақрорланаверади, ҳатто,

"хирад (ақл) пири" ва "ақл хабири (ҳабарчиси)" аччиқ-тизиқ гаплар ҳам қиласи:

Ранж кўрмай киши топарму фарог?
Кўнгли ўртманмайин ёнарму чарог?

Тухм ерга кириб, чечак бўлди,
Курт жондин кечиб, ипак бўлди.

Лола тухмича гайратинг ўйқуму?!
Пилла куртича ҳимматинг ўйқуму?!

Шоир гўё бу пандларини ҳар куни ҳар биримизга қарата айтиётгандек. Зоро, тадбиркор бўлмоқ – фарогат топиш учун ранж чекиш, пилик каби кўйиб, ёритиш, гул бўлиб очилиш учун уруғ мисол тупроққа ботиш, ипак тўқиши учун курт сингари жондан кечиш демак. Ахир, сизу бизда, лоақал, лоланинг уруғича ҳам файрат, ипак куртидагичалик ҳам ҳиммат йўқми?

Бор! Бўлганда ҳам ҳеч кимницидан кам бўлмаган куч-құдрат, имконият, энг муҳими – зарурат бор!

Республика "Нуроний" жамғармасининг 2010 йил якунлари ва 2011 йил истиқболларига бағишлиланган йигилишида қатнашишга тўғри келди. Отажону онахонлар ҳамма-ҳаммани мамлакатимизнинг бир қаричерини ҳам бўш қолдирмай экин экишга, борроглар барпо этишига, томорқалардан унумли фойдаланишга, шу тариқа юртимиз ободлиги ва дастурхонимиз тўқинлигини таъминлашга ундади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси "Ҳар бир киши бу йил кўкламда камида 20 тадан дараҳт эксин!" деган даъват билан чиқди.

Мақсад – "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да ҳамма қўлидан келгани қадар, имконияти доирасида тадбиркорлик билан машғул бўлсин! Ана шу саъй-ҳаракатлар кейинги йилларда ҳам бардавом бўлсин!

Эзгу ният, эзгу foғ!

Ҳамма замонлар ва маконларда ҳам жамиятни муайян foғilar бошқаради, бирлаштиради, олижаноб мақсад-муддаоларга етаклайди.

Бу йил юртимизда тадбиркорликка даъват этилаётган экан, келгусида бунинг ширин меваларидан баҳраманд бўламиз, иншооллоҳ.

Матлуба МУСАЕВА



PARLAMENT TIZIMI: YONDASHUVLAR, QARASHHLAR, TAJRIBALAR



Қонун чиқарувчи ҳокимият ҳар қандай давлат тараққиётининг асоси, шахс ва жамият тақдирининг кафолати сифатида ўзини намоён этади. Бу тузилма давлатнинг истиқболдаги режалари ва сиёсий йўлига доир ҳукукий пойдеворни яратади. Бугунги

дунё парламентаризмининг мұхим масалаларидан бири қонунчилік органды таркибидаги палаталар сони ҳисобланады. Ушбу масала бир неча асрлар давомида кеңаётган баҳс-мұнозаралар мавзуудир.

Парламент палаталари сони, чунонча, иккى палатали тузилмани назарий тадқиқ этиш XVIII асрдан бошланған. Бунга француз файласуфи Монтескьёның қуйидаги фикри асос бўлди: "Қонунчилик мажлиси қонун лойиҳаларини рад этиш билан бир-бира ни тийиб турувчи иккى палатадан иборат бўлиши ва иккаласи ҳам ўз навбатида ижроя ҳокимияти билан боғлиқ бўлиши керак" (Монтескьё Ш. Избранные произведения. М., 1955, стр. 322).

Кўш палатали, яъни бикамерал парламент тизими, аввало, кенг миқёсдаги ва-

килликни, фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш орқали бутун ҳалқнинг иродаси, манфаатлари ифодачисига айланади. Шу жиҳатига кўра, у тўлақонли вакилликни ўзида намоён этишга қодир.

Монтескьёнинг бу гояси АҚШ сиёсий арబблари Т.Жефферсон ва Ж.Вашингтон томонидан маъқулланиб, давлат фалса-фасининг негизи сифатида қабул қилинди. Америкача сиёсий дунёкараш асосчилари фикрича, парламентнинг икки палатали тизими ҳокимият тепасидагиларга сайловчи-лар олдидаги мажбуриятларини эслатиб турди ва шу тариқа республикани таназзулдан ҳимоя этади. “Бундай таркиб ҳалқ тинч-лигини таъминлашда икки карра ишончли бўлади, чунки ҳокимиятни ноқонуний эгал-лаб олиш ёки унга хоинлик қилишга доир интилишлар мустақил бўлган иккала палатанинг келишувини талаб қиласди” (Мухаев Р. Хрестоматия по теории государства и права, политологии, истории политических и правовых учений. М., “ПРИОР”, 2000, стр. 156). Иккинчидан, бу модель, Монтескьё фикрича, “...ҳар қандай ассамблея-нинг саркаш ўйлбошчиларга жиловини тутқазиб қўйиб, беҳос эҳтиросларга берилиб кетиши, ўйламасдан ҳалокатли қарорлар қабул қилиши” йўлига тўсик кўяди. Учинчидан, қўйи палатага сайланган депутатларнинг қонунчилик вазифалари ва тамойиллари нуқтаи назаридан малакасизлигининг олдини олади.

Парламентлаштириш жараёни авж олган XIX асрда икки палатали тизимнинг афзалик ва камчиликларини тадқик қилиш гоят долзарблик касб этди ва баҳс-мунозаралар билан кечди. Шу сабабдан мазкур даврнинг кўплаб олимлари икки палатали парламент, унинг тузилиши ва таркиби, жамиятдаги роли юзасидан изланишлар олиб борди. Булар орасида инглиз файласуфи И.Бентамнинг тадқиқоти айниқса ўзига хосдир. У асосан икки палатали парламентнинг камчиликларини таҳлил қилган. Бентам “Қонун чиқарувчи мажлислар тактикаси” асосида бундай органларни икки палатага бўлиши баъзи нокулайликларга сабаб бўлишини

таъкидлайди. Чунончи, файласуф қўйидаги муаммоларни санаб ўтади:

- тўлиқ овоз билан бир палатада қабул қилинган қонун кўпчилик овоз билан бошқасида бекор қилиниши;
- палаталарда, ҳудудий ҳамда умуммиллий манфаатлар нуқтаи назаридан, баъзан икки хил ёндашув юзага келиши;
- палаталардан бирининг йигилишида тақдим қилинадиган муйян маълумотлардан бошқасининг маҳрум этилгани;
- қонун ижодкорлиги жараёнининг сенкинлашуви (Бентам И. Тактика законодательных собраний. СПб., 1907, стр. 39-44).

Қўшпалатали парламентда икки хил қараш юзага келиши ва бу сиёсий таназзулга сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр мунозарали. Аксинча, фикрлар хилма-хиллиги тараққиёт омили вазифасини ўтайди. Бу борада марказлашган Италия асосчиларидан бири – Кавур қўйидагиларни эътироф этган: “Давлатнинг сиёсий тартиботи муттасил ҳаракатда ва тараққиётда экани ҳисобга олинса, у барқарорликни, ҳаракат ва тараққиёт эса тартиб ва прогресивликни талаб қиласди” (Серова О.В. Парламентаризм в восприятии итальянского либерала. – Из истории европейского парламентаризма Италии. М., 1997, стр. 46). Агар ҳаракатланувчи куч деб ҳалқчил ҳисобланмиш қўйи палатани олсан, юкори палата ўзига хос консерватив үнсурларга эга мувофиқлаштирувчи, яъни “ховуридан тушурувчи” кучdir.

Бу қонунлар қабул қилишда шошма-шошарликлар ва тасодифларнинг олдини олиш борасида энг самарали йўлдир. Тўгри, палаталардан бири мухим масалаларни бир неча бор кўриб чиқиш юзасидан қоида ёки меъёрлар қабул қилиши мумкин. Бунга Буюк Британиянинг Жамоалар палатаси мисол бўла олади. Ушбу палатада қонун лойиҳасини уч марта ўқиш, ҳар хил муддатларда уч бора мухокама қилиш, қўмитада моддама-модда кўриб чиқиш ва шу асосда ахборот бериш, муйян манфаатларни ёқлаб чиқаётган фуқаролар аризалари асосида ушбу ахборотни яна бир бор таҳлил қилиш ва мазкур

таҳлил учун муайян кунни белгилаш каби қоидалар мавжуд. Бундай эҳтиёткорлик ва шунга ўхшаш бошқа чораларга қарамасдан, бир палатали тизимда юқоридаги қоидалар сўзсиз ижро этилишига кафолат йўқ. Сиёсий тажриба бу қоидаларни палата писанд қилмасдан хукмрон партия хоҳиши, яъни ўткинчи манфаатга таяниб иш туваётганини кўрсатмоқда.

Икки палатали парламентда, бир палатали парламентдан фарқли ўлароқ, барча расмиятчиликларга қатъий риоя қилинади. Палаталардан бирида қоиданинг бузилиши иккинчисида эътиroz ўйғотади. Шунингдек, бирор масаланинг икки палатада муҳокама этилиши шу масалани бир палата бир неча бор кўриб чиқишидан фарқ қиласди. Лойиҳа муҳокамасида манфаатлар ва қарашлар, фикрлар ва анъаналарнинг турли-туманлиги зарур. Чунки узоқ вақт бирга ишлаган кишиларда секин-аста бир хил қараш шаклланади. Шу жихатдан, иккинчи палатани биринчисида кўрилган ишни муҳокама қўйувчи аппеляция судига қиёслаш мумкин.

Қўш палаталиликнинг якка палаталиликдан, бикамерализмнинг монокамерализмдан устунлиги ягона палата ҳокимиyatiining чекланганилиги кўринади.

Сайловларнинг эркинлик ва муқобиллик асосида ўтказилиши ҳамда қонун чиқарувчи мажлиснинг ўз қарорлари учун тўлиқ жавобгарлиги ҳам ҳокимиyat сунистъемол қилинmasлигига кафолат бўлолмайди. Лекин бикамерал тизимда палаталардан бири бошқасини жиловлаб турувчи қонуний куч сифатида хизмат қила олади. Шунингдек, икки палатали тизим сафсатабозлик урчиши хавфини камайтиради, чунки бир нотиқнинг маърузаси ҳар икки палатада бир хил таъсир кучига эга бўлиши даргумон. Шундай қилиб, ҳалқ ишончини қозониш юзасидан беллашув, рақобат пайдо бўлади. Палаталарро бундай рақобат улардаги ноқонуний интилишларга барҳам беради ва шу тарика турли йўналишларда конституция дахлсизлиги сакланади ҳамда жамият барқарорлиги таъминланади.

Бентамнинг фикрича, “қонун чиқарувчи органни бўлиб юбориш ислоҳотларга бир-мунча путур етказади. Бироқ икки лангарли давлат кемаси ҳар хил таъсирлар, бошқа усууллар билан эришиб бўлмайдиган қаршилик кучини қўлга киритади” (Бентам И. Тaktika законодательных собраний. СПб., 1907, стр. 44.). Олим айтган фикрнинг биринчи қисмига кўшилмаган ҳолда, иккинчи қисмига доир бир мулоҳаза билдириш лозим – бир хил таркибдаги икки палатага ҳожат йўқ, сабаби улар бир-бирини тақорролайди, холос. Чунончи, Ж.Милль ҳам гап палаталар сони эмас, таркибida деб билган: “Инсонларнинг ҳеч бир йигилиши бошқасидан изн сўрамай, ўзининг хоҳишистагидан фойдалана олмайди” (Милль Дж. Размышления о представительном правлении. Chalidze Publication. Benson, Vermont (перепечатано с изд. СПб., 1863), 1999, стр. 178.). Улар бир-бирини ўзаро тийиб туриши учун икки хил таркибга эга бўлиши керак.

Бир палатали парламентлар ҳақида сўз кетганда, асосан авторитар ёки тоталитар сиёсий тузумга эга давлатлар кўз олдимизга келади. Бироқ Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда барқарор демократик тузумга эга Янги Зеландия (1950 йил), Дания (1954 йил), Швеция (1971 йил) каби давлатлар ўз парламентининг иккинчи палатасини қисқартиришга қарор қўлганини унутмаслик керак.

Скандинавия давлатлари бунинг сабабини икки палата, Бентам тавсифлага-нидек, “иш жараёнини секинлаштириши” ҳамда анчагина маблаг талаб этиши билан изоҳлайди. Шунингдек, иккинчи палата демократик ўзгаришларнинг тормози, деб қайд этилади. Бу каби омиллар ҳали етарли молиявий, хукуқий базага, қонунчилик асосига эга бўлмаган ёш мустақил давлатлар, ривожланәтган мамлакатлар учун чинданда тўсик бўлиши мумкин. Сабаби, бикамерализмнинг ютуклиаридан ҳисобланмиш биринчи палата қабул қилган қонунларни иккинчи палата қайта кўриб чиқиши қўшимча вақт талаб этиши билан улар ўртасида низо-

келтириб чиқариши хавфи ҳам мавжуд. Бу эса янги ва ёш давлат тараққиётини яна бир неча йил ортга сурини мумкин. Ҳуқуқшунос олим Э.Халилов таъкидлаганидек, "Бир палатали тизим ёш, ривожланаётган давлатлар эҳтиёжларига, ўз миллий қонунчилигини эндиғина шакллантираётган парламентларнинг манбаатларига кўпроқ жавоб беради" (Халилов Э. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилдикдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Т., "Ўзбекистон", 2001, 153-бет).

Икки палатали парламентни жорий этишга халақит берувчи тўсиқлар юқорида санааб утилган омилларига эмас. Шуни таъкидлаш жоизи, бир палатали парламентни танлаш давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузилиши – мамлакат ҳудудининг у қадар катта эмаслиги ва бу ички сиёсий мувозанатни сақлашнинг осон йўли, деб англаниши билан ҳам боғлиқ. Бунга Люксембург ва Мона-ко давлатларини мисол келтириш мумкин.

Шу боис бир палатали ёки икки палатали парламентни танлашга шунчаки "техник" ма-сала деб қараш нотўғри. Бундай қарорнинг замирида демократияни икки хил тушуниш ётади.

Биринчиси, ҳалқ назоратининг мажоритар талқинини билдиради ва бунда тўғридан-тўғри умумхалқ сайлови орқали шаклланган парламент миллатнинг хошиш-иродасини ифодаловчи қарор ва қонунлар қабул қилиди. Шунинг учун унга юқори палата кўринишидаги тўсиқнинг кераги йўқ. Бу ҳолатни лейборизм мағкурачиси С.Кріпс қўйидагича тавсифлайди: "Агар биз асл демократияга эришмоқчи бўлсак, давлат суверенитетини тақсимловчи икки палатанинг мутлақо ҳожати йўқ. Иккичи палата, вакиллик органи бўлган тақдирда, биринчи палатани тақрорлайди ёхуд ҳалқ иродасини умуман ифода этмайди – бундай ҳол эса демократик парламентга хос эмас" (*On the Parliamentary System. New Delhi, 1959, may, p. 8.*).

Албатта, бикамерализм тарафдорлари ушбу фикрларга қўшилмайди. Аксинча, юқори палата қўйисини тийиб туради ва унинг фаолиятида мувозанатни юзага

келтириди, деган қарашни илгари суреб, либерал демократия гоясига таянади. Камчиликнинг манбаатларини фақат юқори палатагина кўйи палатанинг кўпчилигидан ҳимоя қила олади. Шу билан юқори палата жамиятда барқарорликни таъминлайди (Захаров А. *Современный бикамерализм: основные тенденции. Выступление на семинаре "Бикамерализм в европейских парламентах: учет интересов и согласование позиций". 22 мая 2003 г.*).

Кріпснинг қарашларини ҳаётнинг ўзи инкор этаётганини шунда кўриш мумкинки, ҳозирда демократиянинг асосий талабларидан бўлган фикрлар, қарашлар хилмачиллиги бир палатали парламентдан кўра, икки палатали парламентда кенгрок намоён бўлмоқда. Палаталар таркиби ва тузилишига кўра бир-бирини тақрорлаши мумкин. Аммо шунга қарамай, уларнинг асосий вазифалари аниқ белгиланган. Масалан, кўйи палата давлат бюджетини қабул қилишда устунликка эга бўлса, юқори палатанинг ўзига хос квазисуд ваколатлари мавжуд. Бир палатали парламент каби икки палатали парламент ҳам ҳалқ иродасини ифодалайди, баъзи давлатларда ҳалқчиллик тамойилини ўзида мужассам этувчи кўйи палата юқорисига нисбатан кўпроқ ваколатларга эга. Бу хусусият парламентар ва ярим-президентлик республикалари, шунингдек, монархияларда ҳукуматнинг кўйи палата олдиғаги сиёсий жавобгарлигига, айниқса, кенгрок намоён бўлади.

Икки палатали парламентнинг ўзига хослиги қонунларни фуқаролар ва ҳудудлар манбаатларини уйғунлаштирган ҳолда қабул қилишида кўринади. Бунда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "...умумдавлат ва ҳудудий манбаатларнинг мутаносиблигига эришилади" (Ислом Каримов. *Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва исполз этишидир.* Т., "Ўзбекистон", 2005, 38-бет).

Хуллас, ҳар бир мамлакат давлатнинг тузилиши, ҳоқимиятнинг тақсимланиши бора-сида мажоритар ёки либерал талқинга асос-

ланиб, қонун чиқарувчи вакиллик органини бир ёки иккى палатали қилиб ташкил этади.

Шу ўринда Марказий Осиё давлатларининг қонун чиқарувчи органлари таркибидаги палаталар сонига тұхтаби үтсак. Бугунги кунда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тоҳикистон – иккى палатали қонун чиқарувчи органга, Туркманистан ва Қирғизистон – бир палатали парламентта зета.

2004 йил охирида Ўзбекистонда иккى палатали парламент тизимига ўтишга ҳозирлиқ, яъни сайловолди кампанияси қызғын тус олган бир вактда күшни Қирғизистонда, аシンча, бир палатали тизимга қайтиш жараённи бошланди. Қирғизистон республикасининг гумумихалқ референдуми асосида ташкил топған иккى палатали қонун чиқарувчи вакиллик органдары – Жокоргу Кенеш бикамерал усульда 10 йил фаолият юритти. Күш палаталы қирғиз парламентини шакллантиришдан мақсад – давлат органларининг қонунчилик фаолияти самарадорлигын ошириш ҳамда мавжуд ижтимоий-иктисодий муаммоларни қонунчилик йўли билан жадал ҳал этиш эди. Аммо мунтазам фаолият юритган Жокоргу Кенешнинг куйи палатаси – Қонунчилик мажлисининг фаолияти янги мустақил мамлакат шароитида парламенттинг профессионаллашуви учун хали бирор эрта эканни кўрсатди. Бунга иккى палатали қонун чиқарувчи органнинг ижроия ҳокимиияти билан сира муросага кела олмагани, бикамерал парламенттинг шаклланшида муйян ҳудуднинг устунликка зета бўлиши каби сабаблар билан бир қаторда қонунчилик жараённинг секинлашуви ҳам сезилиарли таъсир кўрсатди, десак хато қилмаймиз. Қирғизистон республикасининг собиқ президенти А.Ақаев 2004 йил 2 апрель куни мамлакат парламенти мажлисида қылган нутқида бу масалага алоҳида тұхталған. У Жокоргу Кенешнинг қонун ижодкорлиги борасида сүсткашликка йўл қўяётгани оқибатида янги таҳрирдаги Конституция кучга кирганига бир йил тұлған бўлса-да, унинг айрим қисмлари қонун ҳужжатларидан ўз ифодасини топмаганни ва ҳали ҳам эски ҳукукий базада фаолият кўрсатганини таъ-

кидлаган. Бундай сүсткашлик, ўз навбатида, ҳалқаро мажбурият ва молиявий шартномаларнинг муваффақиятли амалга ошишига таҳдид солади (*Обращение Президента Кыргызской Республики А.Акаева к Жокоргу Кенешу о первоочередных задачах законотворческой работы // www.gov.kg // 20.04.2004 г.*).

Ана шу сабабларга кўра, 2005 йилдан этиборан Қирғизистонда бир палатали парламент фаолият юрита бошлади.

Ўзбекистонда эса парламенттинг муҳим сиёсий бўғин сифатидаги тадрижи ўзгачароқ кечди. Ўзбекистон Республикасининг бир палатали Олий мажлиси синовларда тобланниб мустақил ўзбек парламентаризм мининг тамал тошини кўди.

Биринчидан, у даствлаб қонун чиқарувчи вакиллик органдары сифатида шаклланниш босқичини ўтади. Мазкур жараён 1994 йили кўппартиявилик асосида сайланган биринчи чақириқ Олий Мажлис фаолиятида ўзининг илк ифодасини топди.

Иккинчидан, парламент қонун ижодкорлиги вазифасини самарали амалга ошира бошлади. Бир палатали Олий Кенгаш, сўнгра Олий Мажлиснинг қонунчилик фаолияти туфайли Ўзбекистон Республикаси давлатчилигининг ҳукукий асослари яратиди, жумладан, мамлакатнинг Асосий Қонуни – Конституцияси ҳамда давлат ҳокимиияти тузилишига доир "Олий Мажлис тўғрисида"ги (22 сентябрь 1994 йил), "Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги (6 май 1993 йил) қонунлар қабул қилинди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 15 та сессияси давомида 94 та қонун, 307 та қарор қабул этилди, 55 ҳалқаро шартнома ва келишув ратификация қилинади, шунингдек, мамлакатнинг 279 та қонун ҳужжатларига 1229 ўзгаришиш ва кўшимчалар киритилди.

Учинчидан, парламент давлат ва жамият ўртасидаги воситачига айланди. Шу ўринда Олий Мажлиснинг ўзи ҳам давлат ҳокимиияти органдары эмасми, деган савол туғилиши табиий. Тўғти, парламент қонун чиқарувчи ҳокимиияти органдар ҳисобланади, лекин бошقا

ҳокимият тармоқларидан фарқли ўлароқ, ҳалқ вакили мавқеига эга бўлгани сабаб унинг хоҳиш-иродасига кўлоқ тутган ҳолда умумдавлат миқёсидаги қонунлар, сиёсий қарорлар қабул қиласди. Албатта, қонунларни ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этишда давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари – ижроия ҳамда суд ҳокимиятлари ҳам қонун ташаббускорлиги хуқуки орқали иштирок этади. Бугун юртимизнинг қонун чиқарувчи вакиллик органи ўз фаолиятида жамият манфаатларини давлат манфаатлари билан уйғуллаштириш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида бир палатали парламентдан кўра икки палатали парламент афзал бўлиб, бунга куйидаги тўрт омилни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин:

Биринчиси – мамлакатнинг демократик хуқуқий давлат қурилиши соҳасида ҳар жиҳатдан пухта ўйланган қонунларга эҳтиёжи кучлилиги. Юқорида таъкидланганнидек, парламентнинг асосий вазифаси давлат ва жамият тараққиётининг хуқуқий асосларини яратиш бўлиб, ҳозирда шу вақтгача яратилган базани мукаммаллаштириш, республика эҳтиёжларидан келиб чиқиб, келажакни ўйлаб янгидан-янги қонун ва қарорлар қабул қилиш нюхоятда зарур.

Иккинчиси – парламентаризмнинг асосий белгиларидан бири – ҳокимиятлар бўлининиши тамойилига қатъий риоя этилиши. Шуни эслатиб ўтиш лозимки, ҳалқ вакилларининг сусткашлiği оқибатида Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган қонун лойиҳалари баъзида баҳс-мунозараларсиз қабул қилинди. Бунга, албатта, Олий Мажлиса ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатларнинг мавжудлиги ҳам бевосита таъсири кўрсатди.

Учинчиси – кенг миқёсдаги вакилликни таъминлаш. Кўлгина олимлар таъкидланганнидек, икки палатали парламент тизими орқали жамиятнинг қатламлари билан биргалиқда ҳудудлар манфаатлари ҳам инонгатча олиниади.

Тўртинчиси – парламентнинг профессионаллашуви. Мунтазам фаолият кўрсатувчи

депутатлар, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, бир чорақда йигилиш билан чекланмасдан, ҳаётни чуқуроқ ўрганади, уларнинг сиёсий ўзгаришлар, ислоҳотларга таъсири қилиш имкониятлари кенгаяди. Бу омил профессионал парламентнинг шаклланишида катта роль ўйнайди.

Бикамерал парламент туфайли ички "ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлаш" тизими вужудга келади. Палаталарнинг бири иккинчиси қабул қилган қонунни қайтаришни асослар экан, уларнинг ҳар иккиси ҳам ўз фаолиятидаги нуқсонларни бартараф этишга ҳаракат қиласди. Юқори палата, ўз навбатида, мунтазам ишловчи қуий палата учун "ҳакам"лик вазифасини бажаради.

Ўзбекистоннинг ҳозирги бикамерал парламенти, яъни Олий Мажлис – Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат. Биринчи ва иккинчи чақириқ бир палатали қонун чиқарувчи олий вакиллик органдан унинг асосий фарқи доимий равишида фаолият кўрсатиши бўлиб, бунда аввалги совет типидаги ҳалқ хўжалигига боғлиқ депутат ўрнини қонунчилик билан шугулланувчи депутат эгаллади. Бу, ўз навбатида, президентлик давлат бошқарувининг муҳим хусусияти бўлмиш ҳокимиятнинг қатъий равишида бўлинишини ҳам назарда тутади. Зоро, "Барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга асосланган демократик хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак... Сиёсий соҳадаги муҳим вазифалардан бири қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этишдир" (Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт ўлу. Т., "Ўзбекистон", 1992, 8-бет).

Халиқ вакиллигини ўзида мужассам этувчи, яъни умумхалқ сайлови асосида шаклланаувчи палата таркибида давлат ҳокимияти органдан номзодлар бўлиши парламентнинг фаолияти самарадорлигига салбий таъсири этиши мумкин. Чунки бунда ижро этувчи ҳокимият қонун чиқарувчи ҳокимият вазифаларига аралашиб қолади. Масалан,

халқ вакили бўлиб сайланган ижро этувчи қонун яратиш билан биргаликда унинг ижросини ҳам назорат қилади. Бу эса нафақат жаҳонда тан олинган ҳокимиятнинг бўлниши тамойилига, балки парламентаризмга мантиқан зиддир. Ўзбекистоннинг хозирги парламент тизимида бу талаб ҳар жиҳатдан эътиборга олинган.

Шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин биринчи ва иккинчи чақириклиарида давлат ҳокимияти органидан депутатлар сайланишига сабаб мустақилликнинг дастлабки йиллари ташки сиёsat, миллий ҳафғизлик каби умуммиллий масалалар ижроия ҳокимияти билан узвий боғлиқ эди. Давлат миқёсидаги мазкур ҳәтий масалаларни яхши биладиган кишиларни сайлаш ҳам тақозо қилинади. Қолаверса, ҳокимият вакиллик органидан номзодлар тайинлангани йўқ, улар демократик сайловларда овоз йигиб, халқ хоҳиши-иродаси ифодачисига айланди. Ҳатто Олий Мажлис депутатлари ҳокимият органларидан экани ва бир бутунликни ташкил этгани эътироф этилса-да, аслида, у қонунни четлаб ўтиш орқали эмас, балки сайлов жараёнида шаклланди, шунинг учун ҳам халқнинг сиёсий иродасини акс эттириди ва парламентни ҳарна бўлса-да, идоравий манбаатлар замирида эмас, балки умумхалқ манбаатлари асосида таркиб топтириди.

Аммо иккинчи чақириқ Олий Мажлисида 107 кишилик давлат ҳокимият органларидан сайланган депутатлар блоки фаoliyat кўрсатиши қонунчилик жараёнида ҳукуматнинг қонун лойиҳаларни ҳеч қандай тўсиқисиз ўтишини таъминлаши аниқ эди. Ана шу ҳолат ҳам қонун чиқарувчи олий вакиллик органининг икки палатали бўлишини тақозо этди, десак айни ҳақиқатdir.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон янги давр тажрибаларини умумлаштириб, сиёсий ҳаётни эркинлаштириш масаласига тўхталар экан, "сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида: авваламбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манбаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида

мувозанатни таъминлайдиган кучли механизmlарни шакллантириш зарур" лигини таъкидлаган эди (Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., "Ўзбекистон", 1999, 16-бет).

Янги ташкил топган юқори палата фаoliyatiga баҳо бериб, шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, Сенат баъзи қонунларни қўриб чиқиб, қайта ишлаш учун Қонунчилик палатасига қайтарди. Рад этилган қонунлар муҳокамаси юзасидан келишув комиссияси тузилиб, ҳар жиҳатдан мукаммал қонунлар қабул қилинишини таъминлади. Бундай мунозаралар мамлакат қонунчилигини янги босқичига олиб чиқиши шубҳасиз. Масалан, Қонунчилик палатаси 2005 йил 5 августда қабул қилган "Уй-жой мулқдорларининг ширкатлари тўғрисида"ти қонун Сенат томонидан 2005 йил 2 декабрда рад этилиши муносабати билан келишув комиссияси тузилиб, фаoliят бошлади. Ушбу жараёнда нафақат Олий мажлиснинг ҳар икки палатасидан, балки Вазирлар Маҳкамасидан ҳам вакиллар иштирок этди. Комиссия хуносасини инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонунни қайта қўриб чиқди ва у "Хусусий уй-жой мулқдорларининг ширкатлари тўғрисида" деган янги ном билан қабул қилинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Сенат томонидан бирор қонуннинг қайтарилиши "демократик парламентнинг соглом фаoliyat шакли, қабул қилинаётган қонун ва қонун хуложатларининг сифати юқори бўлишини кафолатлайдиган муҳим омил" ҳисобланади (Ислом Каримов. "Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаoliyatimiz мезони бўлиши даркор". Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқи // "Тошкент оқшоми", 2006 йил 27 февраль). Айни чоқда мазкур жараён парламентаризмнинг асосий тамоилилларидан биридир.

Шундай қилиб, келишув комиссиясини тузиш куйидаги самараларни беради:

– палаталаро ўзаро ишонч ва ҳамкорликнинг кучайтиши;

– комиссия ишлаб чиқсан қонун ҳужжатида турли манфаатларнинг акс этиши ва уйғунлашуви;

– қабул қилинган қонунларга нисбатан Президент кечиктирувчи ветосининг камайиши.

Хуллас, бу борадаги сиёсий тажрибага асосланиб айтиш мүмкинки, "қабул қилинаётган қонунларнинг юксак сифатини, жамиятдаги манфаатлар уйғунлигини таъминлайдиган, ўзаро мувозанатни сақлашга хизмат қиласидиган самараали тизим шаклланыётгани" (ўша манба) кўзга яққол ташланмоқда.

Ҳозирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига факат сиёсий партиялар томонидан номзодлар кўрсатилади. Демак, депутатликка "обрў орттириш" илинжида ёндашмоқчи бўлган ижроия ҳокимиятидаги раҳбарлар катта муаммога дуч келади: мансабидан воз кечади ёхуд депутатлик орзусини унутади. Бу орқали нафақат дав-

лат бошқарувининг икки асосий ҳокимияти ажратилди, балки малакали мутахассислар, жамоат арбобларига қонун чиқарувчи олий вакиллик органи сари йўл очилиб, улар миллий қонунчиликни такомиллаштиришда иштирок этишига имконият кенгайди. Шунинг баробарида фуқароларнинг ва сиёсий партияларнинг фаоллиги ошишига замин яратилди.

Дунё давлатларининг бикамерал тизимни танлашидан мақсад ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанатни сақлаш орқали нафақат давлат бошқаруви тармоқларининг мустақил фаолиятини таъминлаш, балки уни жамият барқарорлигининг гарови сифатида мустаҳкамлаш ҳамdir.

Республикамизда икки палатали парламентнинг татбиқ этилиши хуқуқий демократик давлат куришни мақсад қиласидан ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида тобора кенг ёйилаётган эркинлаштириш foяларини ўзида акс эттирмоқда.



Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

MENDAN MENI SO'RANG!

Ташлаб юборилган яшик қиссаси

Бу қиссани анча аввал бошлаб қўйган эдим...

Талабалик йиллари пойтахтнинг кексалар "Курбақаобод" деб атайдиган даҳасидаги бир ҳовлида ижарада турганимиз. Биттагина хона. Қишида эшик очилган заҳоти хона аёзга тўлади. Шу хонада бир неча йил яшаб, болаларни катта қилдик. Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари матбуотда эълон қилинган кўп мақолаларим шу фарибигина хонада... чой яшик устида ёзилган.

Ҳинд чойидан бўшаган яшикни озиқовқат дўкони мудиридан уч сўмга сотиб олиб, икки сўмга бермагани учун ундан узоқ вақт ранжиб ҳам юрганман.

Яшикни уйга келтириб, чор атрофи ни рангли қофозлар билан безадим. Овқат маҳали устига дастурхон ёзамиз, болалар ухлагандан сўнг эса у ижод столига айланади.

Орадан анча вақт ўтгач, яшик эскиб, бир томонга қийшайдиган бўлиб қолди. Овқатланиш қийин, ёзиш ҳам. Озрок тах-

та топиб, ичини иккига бўлдим, энди тепа қисмida нон, чой, қанд-курс, пастида эса чойнак-пиёла, идиш-товоқ турадиган кўлбола мебель бўлди-қолди.

Шу мақомда яна бир неча йил хизмат қилди. Аммо... тагин лиқиллай бошлади. Чеккароққа олиб, гуруч, ун, ёғ, макарон сақлайдиган бўлдик.

Ниҳоят, бизга шаҳарнинг бошқа бир четидан уч хонали ўй берилди. Янги уйда яшикка балкондан жой тегди. Энди унда пойафзаллар, қорамойу чўтка турадиган бўлди.

Вақти етиб, яшик буткул яроқизсиз ҳолга келди. Мих емаган жойи қолмади, четларидаги энсиз тунука қайрилиб, болаларнинг қўлини тирнайдиган бўлди. Ташлаб юборишдан бошқа чора йўқ.

Бир куни эрталаб яшикни олиб чиқиб ҳовлининг бир четига қўйдим, кейин ишга отландим. Хизмат машинасига ўтираётib, беихтиёр кўзим яшикка тушди. У "Ҳа, хўжайин, керак бўлмай қолдикми энди, майли, зоримиз бор, зўримиз йўқ" дегандек мўлтираб турарди. Кўнглим бузилди. Йўлга

чиқиб бўлганмиз, орқага қайтай десам, ҳайдовчининг олдида нокулай. Худди гуноҳ иш қилиб қўйган одамдай хаёлларим чува-лашиб ишхонага келдим. Лекин фикримни бир жойга йигиб ўтира олмадим. Тушпика яқин машинани чақирдим. "Ҳозир бориб яшикни уйга олиб чиқиб қўяман".

Катта йўлдан уйимиз томонга бурилиши-миз билан ҳовли бурчагига қарадим – яшик йўқ, кимdir олиб кетибди.

Кейинчалик уйимизга импорт мебеллар, аллақанча ашқол-дашқоллар сотига олдик. Ана улар, қанча жойни эгаллаб, савлат тўкиб турибди, лекин ўша чой яшик қилган хизматнинг ўндан бирини ҳам қилгани йўқ...

ОЛТИ МИНГ ЙИЛЛИК ХАВОТИР

Ёшлар тарбияси ҳамма замонларда катта авлодни ташвишга солиб келган. Бундан уч минг йил аввал яратилган "Калила ва Димна" асарида ўшандан ҳам уч минг йил аввал яшаб ўтган бир донишманднинг, "Ёшлар тарбияси ёмон айниди, бу кетища дунё ҳадемай бузилиб битади...", деган хавотири кептирилган. Бундай хавотир ҳозир ҳам бор. Лекин ёшлар батамом айниб, дунё эса бузилиб кетгани йўқ.

Ўртадаги одам

Бир вақтлар "Чеккадаги одам" деган мақола ёзган эдим. "Чеккадаги одамга яхши, чеккага чиқиб қараб тураверади, ҳеч нарса-га жавоб бермайди, зиммасига ҳеч қандай масъулият олмайди. Агарки, бирор унга танбех бергудек бўлса, "Ака, мени нега тер-гайсиз, мен бир чеккадаги одам бўлсан..." , дейди-кутулади. Ўйлаб кўрсам... ўртадаги одамга ўндан ҳам яхши экан. Умри ҳузур-ҳаловатда ўтади. Ҳеч ким унга: "Ҳой сен, нега имилляпсан, тезроқ қимирласанг-чи?", деб танбех бермайди. Тўда ичиди бор-йўқлиги гоҳ билинади, гоҳ билинмайди. Олдиндагига ўҳшаб пешонаси тошга тегмайди, орқадаги каби маломатга қолмайди.

Ўртадаги одам кам хато қиласди. Чунки у ҳамиша орқадаги ва олдиндагиларнинг ҳолидан хабардор юради. Ўзича бир инш

қилмайди, бир нима демайди. Зарур бўлиб қолса, ўзини эслатиб қўйиш учун аввал олдиндагиларга яқинлашади, кейин ортда қола-ётганларга "тезроқ бўлмайсизларми", дёя сигирқарашиб қиласди. Бу тоифа ўзини жуда димоғдор тутади. "Ўртада, мана, биз бормиз, ташвиш қилманг" дейди. Эътиroz билдириб кўринг-чи!..



Пул

Собиқ тузумнинг пуллари ўтмас матоҳга айлангандан сўнг мамлакат миқёсидаги маҳсус омборхоналардан бирига муомаладан чиқкан бир неча вагон қофоз пул тўпланибди. Бунча пулни нима қилишни билмай мутасадидиларнинг роса боши қотибди. Кимдир уни қайта ишлаб, чорва моллари учун озуқага айлантиrsa бўлади деган экан, синаб кўришса, бундай "озуқа" еган сигирнинг сути нақд заҳарга айланиди. Бошқа бирни пулни қофоз қўймалагичдан ўтказиб, цементга кўшиб қурилишда ишлатишини таклиф қилибди. Аммо бунинг ҳам иложи бўлмабди – шундай қилинса янги иморатларнинг девори ҳа-ҳу демай нурай бошлар экан. Охири туби кўринмайдиган чукур кавлаб кўмадиган бўлишибди. Бундан хабар топган экологлар "Йўқ, мумкин эмас, қанча майдон, еrostи сувлари заҳарланади", деб оёқ тирабди. "Яхиси, ёқиб юбора қолайлик" дейишган экан, яна катта ғаво бошланибди. Ёқилса ҳавога неча минг тонна заҳар чиқиб кетар эмиш...

Мана сизга пул деганлари. Аслида у кимёвий йўл билан ишлов берилган, турли рақамларнинг сурати туширилган расмли қофоз. Бошқа ҳеч нарса эмас. "Пул нима?", деб сўрасангиз, олимлар "Тўлов воситаси", деб жавоб беради. Шундай. Чунки биз унга ишонамиз, еру кўкка ионнмаган сири-

мизни пул деб аталмиш шу парча қоғозга ишонамиз. Уни гоҳо ўзимиздан ҳам яширамиз. Унга буюк халоскор деб қараймиз. Пул ҳар қандай масалани ҳал қилади, пулга ҳамма нарсани сотиб олиш мумкин, деган фикр онг-шууримизга сингиб кетган. Шу сабаб, бу қуриб кетмагур кўпларнинг кўзига ҳаётнинг бош маъноси бўлиб кўринади.

Пулдорларга эътибор беринг-а, уларнинг ҳаммаси ҳам донишманд эмас. Аммо айтгани айтган, дегани деган. Қўйин-қўнжингиз тўла бўлса, сиз ҳам бир зумда эътиборга тушасиз, атрофингиздан одам аrimай қолади. Зиёратингизга келишади, маслаҳат сўрашади, йўл беришади, қаерга борманг, жойингиз тўрда бўлади.

Пулдор бўлсангиз тўй-маъракага амалдорлар каторида айтиласиз. Қаерда, ким билан ўтиришингиз "бегники бежоғли" дегандай, аввалдан белгилаб қўйилган. Қаланги-қасанғи аралашмайди. Атрофингизда ҳамма парвона. "Иккинчи овқатни тортаверайликми?" ёки "Фалончилар келиб қолди, қаерга олайлик?" дей сиздан изн сўраб оғзингизга қараб туришади.

Аксинча бўлса-чи? Оч баччагардан қоч, баччагар. Давраларда ўзингизни камттарроқ тутганингиз маъкул. "Ким ўзи у, ҳамёнида ҳемири йўғ-у, гердайини қара", деб қолиша, хижолатдан ерга киргудек бўласиди.

Пулдорнинг йўриги бошقا: нима деса – тўғри, нима гапирыса – қизик, нима кийса – ярашикли. Хоҳласа маҳаллага қўшилади, хоҳламаса – уйида ёнбошлаб ётиб ҳам ишини битираверади.

Пулсиз одамнинг кўпинча нигоҳи маҳзун, сўзи беўхшов бўлади, бундай одамлар ҳатто кулишни ҳам ўрнига кўя олмайди.

Пул – инсоннинг кичик бир ихтироси. Бу ихтиродан уни ўйлаб топган инсондан бошقا ҳеч ким азият чекмайди...

Бирор билди, бирор билмади...

У бир оз кеч туғилган бола эди. Шу боис чақалоқнинг "инга-инга"си эр-хотин ўртасида совий бошлаган муносабатларни илитди.

Чақалоққа Орзимурод деб исм қўйишиди. Топган-тутганини дастурхонга тўкиб, қа-

риндош-уруг, дўст-қадрдонга ош тортмоқчи бўлишган эди, кимдир, "Ҳай-ҳай, асло ундан қилманг, бола кўзикиб қолади", деди. Шу гап билан ақиқа камтаргина ўтди, бирор билди, бирор билмади.

Орзимуроднинг суннат тўйи ҳам чоққина бўлди. Отасининг елкасига омад куши кўниб, баландроқ лавозимга ўтирган вақт эди-да, бир-икки ҳамкасби "Тўйни катта қиворманг, нозик жойда ишлаляпиз", деб шипшиб қўиди.

Орзимурод уйланганида, фарзанд кўрганида ҳам шундай бўлди. Фарзандлари улгайгач, ортирган уч-тўрт сўмига ҳовли қурмоқчи бўлган эди, "Ҳай биродар, сал ўйлаб иш қилинг. Отангиз фалон жойда, ўзингиз пистон жойдасиз, "дом"ингиз бор-ку, ҳовлини нима қиласиз, гап-сўз бўлиши мумкин", деб уни ниятидан қайтаришиди.

Гап-сўздан қўрқиб ҳовли қурмади, машина сотиб олмади, умрида бирор марта бўлсин, бола-чақаси билан курортга бормади. Эллик, оптмишга кирганини ҳам бирор билди, бирор билмади.

Набираси ўйлангаётганида ёшлар, "Тўйни фалон ресторонда қиласиз, фалон-фалон санъаткорларни таклиф этамиш, қанча дейишиса, берамиш", деб оёқ тираб олишибди. Маслаҳатчиларнинг фикри эса бутунлай бошқача бўлди: "Дабдабанинг нима кераги бор, эл оғзига тушган тўйнинг хосияти бўлмайди".

Тўй маҳалла чойхонасида, маҳаллий ҳаваскорлар иштирокида ўтди. Бирорга маъкул келди, бирор бурнини жийирди: "Ўл, хасис, пулинг бўлса бор, тўй деганини варанглатиб қиласанми..."

Орзимурод ота пенсияга чиқаётганида ҳамкаслари уни маромига етказиб мақташди. Камсукумлиги, ўзини ўт-чўққа урмаслиги, бетга чопмаслиги, ким нима деса "хўп" дейишини тақрор-тақрор айтиб, қўлига бир даста гул тутқазишибди.

Отахон гулни кўтариб ўйига келди. Бекорчилик – кун санашга ўтди. Умрида биринчи марта касал бўлди. Узоқ вақт ётиб қолди. Бирор билди, бирор билмади.

Ўтган йили баҳорда унинг қазоси етди. Маҳалладошларидан бири, "Таъзия маро-

симида бир-икки киши гапирсинг" деган эди, имом унга ёвқараш қилди. Мархум "Менга ҳеч нарса керакмас" дегандай қўлларини кўксига қўйиб, қабристоннинг бир четидан қазилган мозорга беозоргина кириб кетди.

Хотира маросимлари ҳам ихчамгина ўтди. Бирор билди, бирор билмади...

Бош оғриғи – ишора

Иссик жон, гоҳ-гоҳ бошимиз оғриб турди. Бошни маҳкам боғлаб, аччиққина мастава ичиб, кўрпага ўраниб ётамиз, терлаймиз, аммо оғриқ қургур ҳадеганда пасаймайди.

Машхур тиббиётчи олим Наби Мажидов, "Одамнинг боши оғримайди, бошда оғрийдиган аъзонинг ўзи йўқ, оғриқ – тана аъзоларидан биридаги носозлик белгиси", деган эди. Мия фаолияти билан шуғулланувчи бошқа ҳакимларнинг фикри ҳам шу.

Демак, бошимизнинг кутилмаганда оғриб қолиши, бир нима икки томондан қисувга ола-ётгандай бўлиши – ишора, огоҳлантириш. Гўёки инсон миясида жойлашган марказий бошқарув штаби бизга, "Хў биродар, фалон жойингта қарасанг-чи" деяётгандай...

Ўйлаб кўрилса, ҳаётда бундай огоҳлантиришга кўп бор дуч келамиз. Инсон ҳаёт аввалидан охиригача ошкора-пинхона ишоралардан иборат ўзи. Аммо биз уларга унчалик эътибор бермаймиз, маъносини англамаймиз. Бошимиз бир жойга урилганда, ишимиз чаппасидан кетиб, бир ноҳушлик юз берганда ёки соғлиғимиз ёмонлашиб, тўшакка михланиб қолганимиздагина хушёр тортамиз. "Эҳ, сезувдим-а, кўнглумга келувди-я, оёғим тортмаганди-я, тушим ҳам сал чалкашгандай бўлуви-я..." деймиз.

Ишоралар ҳаммага эшиттириб, салом бериб кириб келмайди. Уларни қалб кўзлари билан кўриш, фаҳм-фаросат билан англаш керак. Баҳорнинг эрта келиши ёки обдон чўзилиши, ҳайвонларнинг тўйкус безовтланиши, дарахт баргларининг бевақт тўклиши, курт-кумурсқаларнинг кўпайиши, ҳосил далаларининг касалланиши, ёз ўрталарида чакмоқ чақиб шаррос ёмғир ёғиши, қалдириғочлар, лайлаклар иинини ташлаб кетиши, юмронқозиқлар қишиғамини эртароқ

ея бошлаши – ишора. Биз ҳануз тилини тушунмайдиган она табиатнинг огоҳлик белгиларини санаб адогига етказиш қийин.

Табиатдаги, инсон феъл-атворидаги ногархоний ўзгаришлар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Яхши одам бирданига каззобга, тарбияли бола ўти ёки безорига айланиб қолмайди. Ҳаммасининг сабаби бор. Ниманидир унгантанмиз, нимагадир эътиборимиз сусайган. Кимдандир, нимадандир ҳайиқмай кўйгантанмиз.

Олимлар йигирманчи асрни атом куролининг кашф этилиши билан боғлашди. Янги юзйиллик ахборот асри номини олди. Менга қолса, қани энди биз бу асрда ишоралар моҳиятини ўз вақтида англаш салоҳиятига яқинлашсак...

Пиёданинг юпанчи ва ўқинчи

Яёв юриш танга ҳам, руҳга ҳам кони фойда. Пиёда юрганда инсон танасининг барча аъзоси ҳаракатда бўлади. Томирларда қон айланиши яхшиланади, ўтирган-турганингизда ғичирлаб овоз чиқарадиган тузлар эриди, елка, бел, бўйин қотишларидан кутуласиз. Аммо бунинг учун ҳар куни очиқ ҳавода бир маромда юриши керак – тезлашмай, оҳиста, енгил қадам ташлаб.

Пиёда юрган одам йўлни, атрофни, йўлчи-йўлдошларини кўриб, кузатиб кетади. Йўлда ётган – тошми, кесакми, занглаган миҳми чегта олиб ташлайди.

Пиёда одам ҳамиша ўзи каби пиёдалар орасидан ўтиб боради. Салом беради, алик олади, йўллари тўгри келиб қолса, ёнмаён юриб, торроқ жойларда бир-бирига йўл бўшатиб, гурунглашиб кетади.

Пиёда одам тор кўчалар, муюлишлар, чорраҳаларда турфа хил тасодифларга дуч келади. Гоҳ дўст-қадрдонини кўриб қолади, гоҳ жини сўймайдиган кимса билан тўқнашиб кетади. Бунинг ҳам ёмон жойи йўқ. Кўча тасодифлари, тўқнашувлар... ҳар ҳолда ҳаёт қозонида қайнаб турган ҳам маъкул-да.

Пиёда одам минг машаққат билан инига дон ташиётган чумолини бехос эзиб кўймайди. Чунки у "Осмонга қараб, Соғир, юрганлар қоқилғуси..." деганларида, қадамини ўйлаб босади.

Пиёдани шоҳмот таҳтасидаги пиёдага ўхшатса бўладими? Бўлади. У, табиики, баъзи таҳтадошлари каби, майдоннинг у четидан бу четига бир ҳамлада етиб боролмайди, буни яхши билади. Шу боис, асосан, ўзи каби пиёда доналар билан беллашади. Пиёдаларга хос вазминлик билан қадам ташласа, ҳуда-бехуда сакрамаса, бир-бираидан узоқлашиб кетмаса, курашнинг ҳал қиливчи дамларида катта кучга айланади.

Пиёданинг ўпанчи шунда!

Аммо шоҳмот ўини асло сокин кечмайди. Ногаҳон ҳужум остида қоласиз, рақибингиз сизни куршовга олади, курбон бермасликнинг иложи йўқ, нажотсиз бўлсада, гоҳо ҳимояя үтасиз. От деганлари бошингиздан ошиб сакраб турса, фил деганлари "таслим, таслим" дея наъра тортса, руҳ деганлари йўлингизни тўсиб маҳв этса, фарзин деганлари қаерга юрманг, гиппа томогингиздан тутса, қаёқа ҳам борасиз, қайси хонадан нажот кутасиз?

Бундай вақтда пиёданӣ осонгина, пинак бузмай қурбон қилиб юборишади. Дардингизни кимга айтишини билмай қолаверасиз.

Пиёданинг ўқинчи шунда!

У

У ўта содда, киришимли, ишонувчан, бирорва озор бериш хаёлига ҳам келмайдиган, сал нарсага кўзларидан дув-дув ёш оқадиган, бошқалардан ажралиб турадиган алоҳида хусусияти йўқ бир одам. Бирор марта бетгачопарлик қилгани ёки асабийлашганини билмайман. Уни яқиндан таниганим, неча бор мулоқотда бўлганим учун ҳам шундай деяпман. Эҳтимол, бошқаларда йўқ камёб фазилатлари ҳам бордир, аммо, тан олиб айтишим керакки, буни мен сезган эмасман. Балким бошқалар билар...

Менинг билганим у ишонч ҳосил қилганим шуки, у атрофимиздаги одамлар қатори умр йўлини гоҳ тез, гоҳ сокин, гоҳ қувноқ, гоҳ маҳзун босиб ўтаётган, нимагадир эришган ёки хатоларга йўл кўйган, ҳом сут эмган банда адашиб кириб қолиши мумкин бўлган кўчаларга ҳам бир-икки бош суккан, қоқилиб-суқилиб, бир нималардан

баҳра олиб, яна бир нималардан бенасиб қолиб, гоҳ навбати келиб, гоҳ четга сурилиб келаётган, аммо овозини ҳеч қачон баландлатмаган бир инсон.

Туриш-турмушию гап-сўзига жиҳдий эътибор қилган одамда унга нисбатан ҳурмат-эҳтиром пайдо бўлиши ва, аксинча, баъзи ҳатти-ҳаракатларидан кимнингдир энсаси қотиши ҳам мумкин.

Кўча-куйда учратиб қолсангиз, унинг ёнидан бепарво ўтиб кетишингиз табиий. Чунки у олифталардай одамлар эътиборини ўзига қаратиб юрмайди. Жуда сермулозамат ҳам эмас, сухбатлашиб қолсангиз, бўладиган гапни гапиради – баҳсга якун ясади, фикрини лўнда ифодалайди, ортиқча ҳиссиятга берилмайди. Баъзан унинг айтганларини бошқалар илиб кетса, қўшиб-чатиб фикр бозорига олиб чиқса ва бу ҳам камлик қилганидек, эрта ўтиб индинига ўзининг гапини ўзига қайтарса, қошлари чимирлиб кетмайди, бу гапларни худди биринчи марта эшитатгандек бутун вужуди билан берилиб тинглайди. Бир гал "Нега шундай қиласиз?" десам, жилмайиб, "Келинг, шу одамнинг ҳам шашти қайтасин", деганида роса таажжубланганман.

Унинг эса шаштини тез-тез қайтариб туришади. Аммо у мувозанатни йўқотмайди, билмаганга олиб кетаверади. Бундайлар давраларга кириб қолса, тўрга интилмайди, таомга биринчи бўлиб кўл чўзмайди, гўшт тўғраганда устихонни ўзидан каттага кўяди, еганича еб, қолганини тугиб, уйига жўнамайди. Бундайлар яна... ҳайқиб, орқа-олдига қараб яшайди. Бу дунёда мэндан бошқалар ҳам бор, улар ҳам ейиш-ичишига, тўрга чиқишига ҳақли, уларда ҳам иззат-нафс бор, уларнинг ҳам кўкракларига шамол тегиши керак, деб ўйлади. Шундай ўйламаса кўнгли ўрнига тушмайди, ўзига ўзи хунук кўриниб кетади. Йўқ, бу – кўркув ёки ожизлик эмас, инсон табиатидаги заифлик, чекланганлик белгиси ҳам эмас.

Таассуфки, бундай одамларни бора-бора менсимай кўйишади, "бўш-баёв, оғиздаги луқмани олдириб юрадиган лапашанг, туртиб йикитсанг ҳам, илжайиб кулайдиган сод-

да нодон", деб ҳисоблашади. Бундай гаплар унинг қулогига аллақачон етиб келган, аммо у пинагини ҳам бузмаган. Чунки бўш-баёв, лапашанг эмаслигини билади, гўл ва нодон эмаслигини ҳам. Лекин ўзини ўзгартиришга, бошқача одам бўлишга, бошқача фикрлашга интилмайди. Бир гал ўзи билан ўзи баҳслшиб қолганида, ташидаги "ўзи"дан ичидаги "ўзи" голиб келиб, роса роҳат қилганини аниқ биламан. "Мен шундокман, билдингми, овора бўлма, кўзингни "лўқ" қилиб қарама ҳам – бошқача бўлопмайман, – деган ўшандо ташидаги "ўзи"га. – Мен турланиб, тусланиб турадиганлар хилидан эмасман. Нима бўлмасин, қандай ҳолатга тушмайин, фақат ўзимга ўхшаб яшагим келади. Одам ўзининг олдида ўзи кулгига қолмаслиги керак. Виждонини ўзи булгаса, бундан ёмони йўқ. Мен – мемман, бошқача бўлопмайман, жуда-жуда истаганимда ҳам ўзга қиёфага кира олмайман. Кимнингдир чопонини елкага ташлаб кўчага чиқиш, бирорвнинг отида чавандозлик қилиш, бирорвга ўхшаб гапириш, бирорвга ўхшаб кулиш каминанинг кўлимдан келмайди. Мендан мени сўра, бошқани кўй..."

У – шунаقا одам. Бошқача таърифлаш мумкин эмас.

Мен уни ҳар куни, ҳар ҳолатда, тундаю тонгда, гоҳ одамлар орасида, гоҳ ёлғиз, гоҳ хуш, гоҳ маҳзун кайфиятда учратаман. Баъзан, бирор ҳалақит бермаса, таъна-дашномларга кўмиб ташлайман. Унга тегишли ичимда бор гапни айтиб, енгил тортаман. Асабим ўйнаб кетади. Бир гал худди шундай қилганимда, у чунонам жаҳлимни чиқардики, ўзимни зўрга тутиб қолдим. Мен нима ғамдаман-у, у нима дейди, денг! "Ёмғир роса ёғди-да, ҳаммаёқ шалаббо бўлиб кетди, эртадан ҳаво исиб қолар-а" эмиш. Шу ҳам гап бўлдими? Тумшуғига ўхшатиб солсангиз-да... Бундай одамларни писмиқ дейишади. Э, баттар бўл-э, дея шартта бурилиб кетмоқчи бўлдим. Аммо кетолмадим. Бу ҳол кўп бор тақорлнади. Уни ўйлайвериб кайфиятим бузилганида, шу ношуд, шу қайсарадан узоклашишим керак дейман-у, аксига олиб баттар яқинлашаман,

чунки ўзимни усиз бир зум бўлсин тасавур қила олмайман. Бунинг нималигини, нега шундайлигини, очиги, тушунмайман, сизга ҳам изоҳлаб бера олмайман.

Мана, ҳозир ҳам у қаршимда турибди. Соч-соқолига оқ оралаб қолган, аммо руҳи...

Деворсоатнинг қилиғи

Кўпчиликнинг уйида деворсоат бор, бир маромда чиқиллаб вақтни кўрсатиб туради. Биз ҳам шундай соатлардан бирини уйимзининг тўрига осиб кўйганимиз. Батарейкаси кувватлироқ бўлса икки-уч ой бехато ишлайди.

Эрта тонг ўйкудан турганда ва оқшом ўйкуга ётаётганда беихтиёр шу соатга қараш одат бўлиб қолган. Наҳор ошга борадиган бўлсам, кечаси бир-икки туриб, кўзимни ишқалаб соатга боқаман. Болалар ҳам унинг милларига қараб нонушта қиласди. Мехмон кутадиган бўлсак, шу соат билан "маслаҳатлашиб" қозонга уннаймиз. Хуллас, деворсоат – оиласизнинг фаол кўмакчиси. Аммо шунча хизматини бир пулга чиқарадиган айби ҳам бор...

Деворсоат икки-уч ой деганда бир марта "қовун" тушириб қўяди. Батарейкаси ўтира бошлаганида миллари имиллаб, вақтни ўн беш-йигирма дақиқа нотўғри кўрсатади. Ўша куни кимнингдир олдида қаттиқ хижлатта қоласиз. Ошга, мажлисга, учрашувга ва ҳатто аэропортта кеч қолишингиз ҳеч гап эмас. Асабингиз таранглашиб, янги батарейка сотиб оласиз, деворсоат яна чиқиллаб хизматини бошлайди.

Орадан икки-уч ой ўтгач, худди қасди бордай, кутилмаганда яна "қовун" туширади.

Деворсоатнинг бу қилиғи ён-атрофда пилдираб юрадиган баъзи одамларга ўхшаб кетади. Улар узоқ вақт парвона бўлади, ўзини садоқатли дўстдек тутади, сирдошингизга айланади, оқибат кўрсатиб, баъзан елкадошлик ҳам қиласди. Аммо нозик пайтда шундай панд берадики...

Ажабланарлиси, ана шу деворсоатдан ҳам, уларга ўхшаш "дўст-қадрронлар"дан ҳам бирданига воз кечиб бўлмайди.

Эшқобил ШУКУР

Bir қані, Bir тонғда qushыға аylansam...

КҮЗ ЮМИБ КҮРГАНЛАРИМ

(туркүмдән)

1

Күхна өніда
лой пишистаётган
бир кулолни күрдим...
Лойини бешафқат тенкилаб,
Эзгилаб, аямай муштларди кулол...
Үз устида шундай ишларди кулол.

2

Чакоб қырларида
Бир им пойида
Чүкка туындың күрдим...
Букилувчан бұлар нега тиззалар,
Тоидан қаттық бошлар эзилар нега?..
Түнлар юрагимга наизадай ботар –
Терлаб титраётган темир тиззалар,
Тоглардай силкениб турған ўрқачлар...

3

Очиқ деразанинг
рахига құйниб
Дуо қыләётган



бир қүшни күрдим.
Мен қүшининг пойига ушоқдай сепдим
Тўкилмасдан қолган кўзёшлиаримни.

4

Бир одамни кўрдим,
Эл орасида
Кирқ йил ушоқ териб,
урвоқ-ушоқдан
Ўзига баҳайбат ҳайкал тиклади –
чўққи устидаги чўққидай ҳайкал...
Шундан сўнг у яна
қирқ йил яшади
ва ўша ҳайкалин
қирқ йил еди у.



5

Бир далани кўрдим,
олмос шудринглар
кўзёшдай сочилган
шудрингзор дала...
Унинг осмонига белбог – камалак...
Камалак ичида сузуб борарди
жуда эрта ўлган муштипар синглим...
Дала ўртасида ҳайрон турарди
Менинг болалигим дағн этилган Кун.

6

Далварzin момонинг қадоқ кафтида
Бир дона шудрингдай
олмос тош кўрдим.
Бу тош минг йил аввал битта сулувнинг
Ёногида қотган томчи ёш экан.
Бу тошдан ҳозир ҳам тингласа бўлар
Сим-м-сим-м эриётган юрак овозин.

7

Илонизи сүкмөк...
Гамгин борётган
бир жуфт соя күрдим – изма-из маңюс...
Одам асари ийк,
лек сояси бор,
Манглайи ер қадар әзик соялар...
Бундай ийлчиларни күрмаган бу ийл.
– Каёкқа? – сүрайман. – Каёкқа, айтинг,
Соҳибин ийқотиб қўйған соялар?..

8

Бошин қор қоплаган,
кўзларин зулмат
кеекса Мусаввирни бир бодга кўрдим.
Фаройиб ранглардан ярқираган бод...
Кўзлари бутунлай кўр бўлиб қолган
Мусаввир тупроққа тирноги билан
Ўлим фариштасин суратин чизар...

9

Кўхна бод четида
ўт-ўлан босган,
Унумилган гарип Кулбани кўрдим –
Атрофин тик туриб ўлган дараҳтлар
ўраган... ўғиллар жасадларидаи...
Аста-секин ўзин дағн этар эди,
Сокин кўмар эди
ўзини Кулба.

10

Тирикчилик деган
Ғурбатда кўрдим –
Бир пайт Одам Ато ўғилларига
Ўликни кўмишини ўргатган қарга
Ўлимтик ейишни ўргатар эди.

11

Еркүргонда –
қадим вайроналарда
Минг йил ўйл юрган бир йигитни күрдим.
У ҳамон халтада олиб юрарди
Ота-онасининг сұякларини.
Бешикнинг исига ўхшаган бир ҳид,
Аллага ўхшаган бир күй келарди
халтада сұяклар хұрснегидан.

12

Икки бўри күрдим,
ер талашарди.
Икки кийик күрдим,
ёр талашарди.
Икки қўнгиз күрдим,
гўнг талашарди,
Икки одам күрдим,
гўр талашарди.

13

Шўрлаган далага
сўз экиб юрган
Кадди дол, боши ҳам шоирни күрдим.
Шўрхок ерни тахир кўзёши билан
Ювмоқчи бўларди бечора шоир...
Кўп куйинчак шоир, овора шоир...

14

Кулол ҳовлисида
куйлаётган Лой
чехрасида күрдим
қайгу нурини.
Бевақт ўлимидан кейин кулолнинг
кечалари аччиқ куйлар эди Лой.
Үйгониб кетарди кулол хотини
аёл йигисига ўхшаши товушдан...

ОЙ ТОВУШЛАРИ

(туркмудан)

Адашганда

Коронги кечада йўлдан адашдим...

Овлоқ бир қишилоққа бориб қолибман. Адирлар ортида, кимсасиз даштда
Қачонлардир ташлаб кетилган қишилоқ. Бир пайтлар чўпонлар яшаган ҳаввор.
Чўйкан деворлардан қўй-қўзиларнинг, Болалар, итларнинг товуши келар...
Чалдеворлар қари хотиралардай Ривоятлар сўйлар бир-бирларига.

Узоқдан отамнинг шарпаси ўтди. Ялт этган кулгудай ўтди аммам ҳам.

Синглим табассуми ойда кўринди.

Адирлар ортида, кимсасиз даштда Қолган юрагимга бориб қолибман...

Тунги теракзор

Тунги теракзорга бориб қолибман. Шамол шомни олқишилаб куйлар.

Фоят нафис эди япроқлар рақси. Ҳарир булуатларга чўмиларди ой.

Тераклар нотаниш майин бир тилда Менга неларнидир шивирлар эди.

Кумушранг баргларнинг қанотларида Милтиллаб кўринар зарҳал юлдузлар.

Бу ҳолда кўхна бир тўнка устида Ниҳоят узундан-узоқ ўтириб,

Худо ҳақда ўйламоқ завқли... Иймон ҳақда ўйлаш илҳомли...

Дарё

Саҳар шамоллари уйғонар чогда Қадрдоң соҳилга бориб қолибман...

Ўтган ҳаётимда сендан ҳам аввал Мен дарёни яхши кўрганман.

Юрагимни тўкиб соҳилларига Кубронинг итидай масрур юрганман.

Дарё дийдорини бир кўрмоқ учун Бу дунёга яна қайтиб келганман.

Оқшомлар у қандай ярқираб ётар, Салқин саҳарларда қандай куйлайди!..

Қачонки... Қачонки, мен унга борсам... Сирайм ўзимга қайтгим келмайди.

Түшдеги ұғы

Күнботар паллада үфққа тұташ Зархал бүгдойзорга бориб қолибман...

Олтін бошоқларда жилваланар нур...

Бүнда бүгдойзорни оралаб юрган Кексайиб ҳориган отамни күрдим.

Отам бир bog нурни құлтиқлаб олиб Кетиб борар әди үфққа томон.

Осмонни таниши

Бир куни, бир тонгда қүшіга айлансым...

Учсам... Учаверсам тиниқ осмонда. Шудринги бедазор устидан учсам.

Яшил дааларни юксакдан туриб, Күзларим түйгүнча томоша қылсам.

Дарёлар, даралар, тоглардан ўтсам... Чүгдай қизгалдоқлар түшалиб ётган

Адирлар устидан айланиб учсам...

Сүңг қайтсам... Сүңг қайтсам сенинг үйингга, Деразанг ёнида бир шохға құниб,

Мен үзоқ күйласам, сени үйгөтсам... Сен мени танисанг,

“Келдингизми?..” деб

Урвоқ-ушиқ билан мени сийласанг...

Мен қүшіга айлансым, қандай гаройиб! Осмонни танирдим, Ерни танирдим.

Парвозни танирдим, Шеърни танирдим...

Бир куни, бир тонгда қүшіга айлансым...





Георгий ПРЯХИН

Отам кім, спат кім...

Романдан боб

Доим отамни кутиб, йұлларига интизор бўлиб яшар эдим. Қандайdir мўъжиза рўй беради-ю албатта у билан учрашаман деб умид қилардим. Биргина имо-ишора бўлса бас, воқеаларнинг давомини хаёлимда пишириб, ривожлантириб юборардим. Кейин эса бўлган бўлмаган ғапларнинг фарқи қолмасди. 1956 йили айнан шундай бўлди. Тўғри, оддин бир воқеа рўй берди, сўнгра Мания холадан отам ҳақида бир гап эшигдим. Агар воқеалар одатдагидек кетма-кетлиқда содир бўлганида-ку, мен барча тафсилотларни эслаб қолар, отамдан кўз узмаган бўлар эдим. Афсуски, кейинчалик барини қайта-бошдан эслашимга тўғри келди. Балки аллақачон хаёл ва ҳақиқат аралаш-куралаш бўлиб кетгандир. Ўзи шундок ҳам хаёлларим ҳаётдан илгарила боради. Шу боис энг муҳим тафсилот хаёл кўзгусидан четда қолгандир. Хотира – бу хроника ҳам, тебранма ҳаракатларни эгри-бутри чизик кўринишида қайд этиб борадиган асбоб ҳам эмас. Хотира доим бадиий тўқима билан қоришиб кетади, кўпинча ҳақиқатта уйдирма ёки уйдирмага ҳақиқат аралашган бўлади.

Тепамда худо, ярим асрдан бўён ишониб юрган хотирапарим охир-оқибат афсона бўлиб чиқса ҳам асло ачинмайман. Ахир тақдири азал, ҳеч бўлмас, болалигимизда биттагина мўъжиза тухфа этса, осмон узилиб ерга тушмайди-ку! Майли, ўша мўъжизанинг ўзини кўрмайин, лекин тарвуз бандига ўшшаган думчасини кўлимга тутқазиб кўйсин. Ана шунда гажак-гажак нимжон думчага тикилиб ўтириб, ўша мўъжизани нур ёғилиб турган жамолию улутворлиги билан хаёлан гавдалантириш мумкин бўларди.

Гап шундаки, кўралаб тўсиб олинмаган ҳовлимиизга бир куни бегона одам кириб келди. Биз қоқасроқ жойда ёлгиз яшардик. Ора-сира санки қаланги-қасангилар пайдо бўлиб қоларди; улар йўл ёқаси бўйлаб, әкин-пекин экилмай қолган далалар оралаб тимирскиланиб юради. Керак-кераксиз лаш-лушларни кўтариб кетаётган ҳаммолгами ёки

Георгий ПРЯХИН 1947 йили Ставрополь ўлкасыда (Россия) туғилған. Отасы ұзбек. Үтгән асрнинг 30-йилары "кулак" сиғатидә сурғун құлинған ұзбек үйсити билан рус қызы үртасыда туғилған мұхаббатдан бино бүлған фарзанд көйинчалық қыблагохини астайдой излайды, бир неча марта серкүш юртимизга ҳам көлиб кетади. Алап-оқибат, бир умр излаган отасининг қабрини топады.

"Тушларимга кирап Ҳазора" – ёзуевчининг умр китоби. Үнда бадиий тұқымдан күра ҳаёт ҳақиқати устүн, лекин бадиий асар үйесинде өзилған, равон үқипади. Романда үйглаб өзилған сақиғалар күп, үйглаб үқипадиган сақиғалар күп. Мазкур асардан бир бобини зәтиборингизга ҳавола этишини позым күрдик, әхтимол, сизни ҳам бефарқ қолдирмас...



дарёда лопиллаң оқиб бораёттан, оқа-оқа соҳилга чиқиб қоладиган енгил буюмтами ўшпарди улар. Айниқса, эллик учинчи йилдан сүнг дайдилар құпайиб кетди; музи әриган дарёлар каби йұллар ҳам очилди. Гоҳида ярим кечаси әшиқ тақиілаб қоларди: "Хой, яхшилар, тунаң кетишпігі рух-сат беринг, үтініб сүрайман". Онам бегона әрқаклардан жуда құрқарди. Кечалари санқиб юрадиган кимсаларнинг ялиниб-ёлворишиларига жавоб қайтармай, нафасимизни ичимиштік ютиб үтирап әдік. Йиллар давомида әркаксиз ҳаёт кечириб келаёттан пастқам уйларнинг соҳибалари үзини ухлаганга солиб ётар ёки уйда хеч ким йүқдек таассурот қолдиришга интилар әди. Болали одамларга онамнинг раҳми келарди, ярим кечаси бўлса ҳам уларни уйга киритарди. Дархол мойчироқ ёқиларди, полга похол тұшаб, устидан латта-путта ёйиларди, иссиқ чой дамланарди. Менинг эса уйқум қочиб алламаҳалгача ҳориб ҳолдан тойған бегона одамларнинг оғир-оғир нағас олишию ҳурурк отишини әшитиб ёттардим – бу овозлар худди жамоавий ибодат чоги құлинған ғамғин тавалло оҳанглари каби ўчок-печка мўрисидан чиқиб, осмони фалакка ўрлаб кетар әди.

Юрагимта яқин бўлған қыблагохимни бир кечалик тасодифий меҳмонаримиз орасидан ҳам излардим, уни нағас олишиданоқ танийман деб ўйлардим. Үз оёғи билан ҳовлимизга кириб келганда эса, афсуски, мен уни танимай қолдим.

Бир куни ҳовлимизга бегона одам кириб, ичишга сув сўради-ю, үйиннинг белига тепди. Одатдатидек ёлғиз үзим үйинга берилиб кетиб, дунёни ҳам унтутиб юборған эканман. Ҳовли үртасида кавланиб, яхшилаб цементланған қудукқа (унга сув ташийдиган нақлиётда сув келтириб қўйиларди, шунинг учун бўлса керак уни оғзимизни тўлдириб "ҳовуз" дердик) пакирни ташлаб сув тортиб олдим-да, кружка опчиқиши учун уйга югурдим. Кружкани олиб дархол ортга қайтдим, сув тўлдириб унга узатдим ва ичишини кузатиб турдим. Укаларим (биттаси ҳали сутдан чиқмаган) уйда ширин уйкуда

ётиби – уларга энагалик қилишдек зерикарли мажбуриятдан хозирча озодман. Ўзим бино этган тошкүргөнни тох мудофаа килиб, тох унга хужум уюштириб ўтирган эдим-да. Бир ўзим уч киёфадаман: курувчи Саркел ҳам, химоячи ҳам, тошкүргөннинг кулини кўкка совурган князъ Святослав ҳам ўзим. Жанга қизиқишим ҳали сўнмай, ўпкам бўғзимга тикилиб турибман; оғирлигимни бир оёғимдан бошқасига ташлаб, бу дайди қачон сув ичиб бўлар экан, деб жоним ҳалак. У эса бир литрлик темир кружкани оғзидан узишни хаёлига ҳам келтирмайди. Аммо сувни ютогиб ичапти, ўлгудек чанқатан экан деб бўлмайди: кекирлақдаги буқоқчаси бир жойда ўйноқламай турибди, томчиси тиллога баробар сувимиз лабининг икки четидан оқиб, соқол босган иякларини ювиб, кўпчиб турган тупроққа томиб сингиб кетяпти. Мен қанчалик шошмайин, у шунчалик парвойи фалак. Чамаси, шошадиган ери йўқ, кружкани лабидан узмай иложи борича узокроқ туришга ҳаракат килаётир. Шу тобда биз мутлақо қарама-қарши мақсадни кўзлаётирмиз: мен тезроқ ундан кутилсан дердим, у бўлса яна бирпас қоққан қозикдек ғўдайиб турмоқчи. Кружка четидан қоп-кора кўзлари мени бошдан-оёқ кузатади; чап қўлида темир ҳасса – найзадек учлари ерга ботиб кетган, гўё уни сугуриб олиш амримаҳолдек туюларди.

Мана, энди орадан қанча вақт ўтга, мундоқ ўйлаб кўрсам, ўша одам тахминан қирқ ёшлар атрофида эди. Корачадан келган катта юзини майда-чўйда тошма, сепкил қоплаган, худди пороҳ ёпишиб қолганга ўхшарди. Кейинчалик мен атоқли шоир Давид Қуғултиновнинг баркашдек юзи териси остига ҳам пороҳ заррачалари кириб, ёпишиб қолганини кўриб ёқамни ушлаганман. Билардимки, у “халқ душмани” деб узоқ муддат озодлиқдан маҳрум этилган, Норилск конларида оғир азоб-уқубатларни бошдан кечириб қайтган. Улфатчилик қилиб ўтирган чоғимиизда ундан:

– Метан гази портлагандан сўнг юзингизда жароҳат излари қолганми? – деб сўраганман.

– Йўғ-э! – деб кулиб юборган даштлик донишманд дўстим. – Бу бўйдоқлигимда юзимга тошиб кеттан бўжаманинг изи-ку! Таъбир жоиз бўлса, тугма донишмандликнинг кўхна излари дейипши мумкин...

Сўнг у Норилск никель комбинатининг ҳомийлигига ўзининг юбилейи муносабати билан чоп этилган ҳашамдор чарм муқовали уч жилдлик танланган асарлар тўпламиини менга совға қилди. Китоб муқовасидаги расмида эса унинг юзи биртекис, майин, сийпаласанг қиз боланинг сийнаси эсга тушади. Ҳарқалай, Норилск лагерининг собиқ маҳбусининг териси бунчалик силлиқ бўлмас. Бундай тери фақат ёшлиқ-навқиронликда бўлади.

Офтоб чарақлаб турган ёз кунлари хувуллаган ҳовлимизда тўсатдан пайдо бўлган одамнинг юзидағи дағал кўкимтири топшмарлар эса бўйдоқлиқдан қолган хуснibusар изи эмасdir. Ҳар ҳолда, жинсий ҳаётни эрта бошлаган ийтит юзига бўжама тошмайди. Агар у ишқ йўлига қадам кўймаган бўлса, мен осмондан тушибманми? Урушдан кейин мажбурий йўлланма бўйича Донбасс кўмир конларини тиклашга сафарбар этилган шоввоз сафари олдидан мендек гуноҳкор бандга она раҳмида пайдо бўлишига сабабкор бўлган. Ҳозир аниқ биламан, у 1926 йили туғилган, мен эса қирқ еттингчи йилда дунёга келганиман. У йигирма бир ёш бўлган ўшанда. Аммо у менинг туғилганимдан бехабар эди.

Қишлоғимиз четида Улут Ватан уруши ногиронлари учун ташкил этилган ғарибхона бўларди. У ерда баъзан менга таниш чехрани эсга солиб юборадиган чўлоқларни учратиб қолардим. Инқилобдан илгари бир бой қуриб кетган иморат – ғарибхона аҳли нафака пули олган куни дарҳол аравачаларига ўтириб саркашлик билан йўлга тушарди. Аравачаларнинг ҳаракат узатмаси биргина дастак-пишангдан иборат бўлиб, уни гоҳ олдинга тортиб, гоҳ орқага итаришга тўғри келарди. Иккинчи дастак керак ҳам бўлмасди. Чунки аксарият ногиронлар оёқсизгина эмас, бир қўлсиз ҳам эди. Моторлашган қисм аравачаларда, оёқсиз, уловсиз ногиронлар эса худди Сталинград жангига саф тортган аскарлар мисоли турнақатор бўлиб, гўё бурнидан чилвир ўтказилган буқаларга ўхшаб пишқириб-ютоқиб олга интиларди. (Ҳадеб эмаклаб ёки судралаверганидан уларнинг кетлари ҳам гарғаша бўлиб кетган эди.) Қишлоқ магазини ва қовоқхона томон улар чумолидек оқиб борарди. У ерда чўқинтирган онамнинг қўли қўлига тегмас, шиша идишларнинг жаранг-журингию шовқин-сурондан қулоқлар коматта келар эди. Чўқинтирган онам у вактлар ёшина, юзларига ажин-пажин тушмаган жувон серқирра қўпол стаканларга арақ қуийб сотарди. Эман бочкалардан никелланган насос ёрдамида эпчиллик билан “Жигулиштак”ни (пиво) тортиб олиб, пештахтадан узаниб басма-бас лилипутдек пакана одамларга – кимларнингдир чўзилиб турган ўнг қўлига, кимнингдир чап қўлига ичкилик тўла идишни тутқазар эди. Никола қишлоғининг энг бесабр эркаги ҳам гинтимасдан ногиронларни навбатнинг олдига ўтказиб юборарди.

Улар то эрталабгача бизнинг ёлиз қаққайиб турган кулбамиз ёнидан ўтиб ғарибхонасига қайтишарди. Куюқ тун пардасини болохонадор сўқишилар ларзага солар, ора-сирада қароқчилар айтадиган қўшиқлар ҳам қулоққа чалиниб қолар эди. Гўё булар яна сўнгти хужумга ташланишган-у, анча-мунча курбон бериб ортта чекинишган.

Ногиронларнинг аксари собиқ танқчилар эди.

Учта танқчи
Уч юзтадан урвалди,
Тўртингчиси...

Жўр бўлиб айттилаётган бепарда лапарлар бир чақиримдан ҳам барадла эшитилиб турарди.

Хуллас, нафака пули соб бўлгунча қора томоша давом этарди.

Қишлоғимизга тентираб келиб қоладиган тиламчилар орасида баъзан собиқ шахтёрлар ҳам учарди. Уларнинг юзи ҳам бужур-бужур, кўкимтири бўларди. Баъзан кўзлари оқиб тушган кўрларга дуч келардим.

Назаримда, бегона одамнинг ўнг оёғи оқсар эди. Елкасига қанор қоп осиб олиди. Бундай хуржун биз томонларда “сидор” дейилади.

Нихоят, у кружкани оғзидан олиб:

- Сен ҳам русмисан? – деб сўради мендан.
- Бўлмасам-чи, – дедим елка қисиб.

Қизиқ, мен яна ким бўлишим мумкин? Қишлоғимида ёппасига руслар яшайди. Фақат қачон қарама ўзи билан ўзи домино ўйнаб ўтирадиган кекса сувчи Юнус бундан мустасно. Биринчидан, у ўзи ҳақида гапирса доим хотин-қизлар жинсига солиб таърифлайди. Иккинчидан, миллати тўғрисида сўрашса:

– Меники шу ерлик, – деб жавоб қайтаради.

Чаловдек сув ўтига ўхшаб ўсисб кеттган соқолига оппок бўлиб икки йўл тушган қария Юнуски ўзини шу ерлик ҳисобласа, мен шак-шубҳасиз...

– Онангди сендан бошқа болалари ҳам борми?

– Бор, хув у ёқда, – деб кулбамизни кўрсатдим. – Ухлаб ётишибди. Ана, ўзи ҳам келяпти.

Товук ферма томондан онамнинг қораси кўринди. У тепаликдаги илонизи сўқмоқ бўйлаб худди ўргимчакка ўхшаб ишдан қайтаёттан эди. Увокқина онагинам кўп йиллардан бўён қатнайвериб бу тепаликда ёлғизоёқ сўқмоқ солиб кўйган. Мен бегона одамга онамни рўпара қилиб, ўзим тезроқ ўйинга қайтишини кўзлар эдим.

– Анави болаларди отаси ҳам борми? – деб яна саволга тутди дайди.

У аслида дайдига ҳам ўхшамасди: кийимлари жулдуровоқи эмас, хотиржам савол-жавоб қиляпти, қатъиятли кўринарди.

– Бор, – дедим қовок уюб. Тафсилотларга тўхталиб ўтирмадим. Чунки болаларнинг отаси навбатдаги маҳбуслик муддатини ўтаяёттан эди.

“Ўргимчак” ярим йўлда такқа тўхтаб қолди. У зийрак эди, ҳовлида бегона борлигини дарров пайқади. Ҳаётнинг ўзи уни зийрак килиб кўйган. Кумуш толадан тўқилган йўлида “ўргимчак” ҳеч қачон бўш юрмасди: гўдакларга тоҳийтиргата тухум, тоҳида бир пакир атала опкеларди, батъзан эса маҳкам сиқиб bogланган арпа поҳоли боғламини елкасига ортиб, остида ўзи кўриниб-кўринмай меҳнаткаш эшак мисоли ўйртиб келаверарди. “Ўргимчак” кўп болали эди, жамики кўп болали жониворлар каби ташмачи эди: емиш топиб келарди, ёлиз қаққайиб турган кулбасига ҳаёт олиб киради. Бу кулбада бокувчи эркак ўргимчак кўп яшаб турмас, бутун ғам-ташвиш аёл ўргимчак зиммасига тушар эди. Оғирликни битта ўзи кўтарарди. Ҳаркаладай, бегона на-зардан узокрок бўлган дуруст-да. Николада ҳамма ташмачилик қиласди. Шу боис бир-бирини жиноят устида учратиб қолса, дархол кўзини олиб кочади ва ўзини кўрмаганга солиб ўтиб кетади. Нима ҳам қиласди кўриб?! Бироннинг ҳовлисида сабабсиз кўпроқ туриб қолиш ҳам бизда одат бўлмаган. Ким билади, хонадон соҳиби ёки соҳибаси жамоат мулки хисобланган дашту далалардан бир нималарни ўмарид келишини мўлжаллаётгандир, балки аллақачон ўмарид қелишга ҳам улгургандир. Бундай нозик воқеага гувоҳ бўлмаган маъқул.

Онам юки билан ҳамон жойида қотиб турибди. Чақирилмаган меҳмонимизнинг тезроқ даф бўлишини кутяпти.

Бегона одам мен ишора қилган томонга коп-кора кўзларини тикиб, кружкани яна сувга тўлдирди. Тепаликдан кўз узмай уни лабига яқинлаштириди. Сўнг бир хўплам ҳам ичмасдан идишни тақ этказиб қудуқнинг цементланган текис бўғзига кўйди. Хўл кўли билан кифтимга қоқиб:

– Алвидо! – дедио ўйлага тушди. Дарвоза ўрнатиш учун очик қолдирилган жойга етганда (ҳали дарвозанинг ўзи йўқ, уни куришга қурбимиз етмасди, лекин сомонсувоқ девор орасида маҳсус жой қолдирилган эди) тўхтаб орқасига ўтирилди ва:

– Раҳмат, – деди секин.

Унинг талаффуз-акценти тоза эди.

Оқсоқлана-оқсоқлана хувуллаб ётган күча бўйлаб қишлоқ адоги – уруш ногиронлари яшайдиган гарифхона томон кетди. (Хозир гарифхонадан номнишон қолмаган.) Бегона одам ўнг оёғини босганда расмона оқсоқланарди.

Уч чақирим атрофда бизнинг кулбадан бошқа уй-пуй йўқ эди.

“Ўргимчак” шу заҳоти ини томон сирғалиб туша бошлади. Бегона одам олислаб борган сари, “ўргимчак” ҳам ундан узоқлашиб тобора менга яқинлаб келарди. Кулбамиздан уч юз метр чамаси узоқлашгач, бегона одам таққа тўхтаб биз томонга қаради. Шу кўйи тўнкага ўхшаб қимир этмай тураверди.

– Ким экан у? – деб сўради онам елкасидаги бир қоп буғдойни тап этказиб ерга ташлар экан, енгил нафас олиб. Сўнг йўловчи тарафга хавотирланиб назар солди.

– Шунчаки бир одам, – дедим беҳафсала. – Сув сўради.

– Ишқилиб, агент эмасми? Майли, худога шукр, – деб уф тортди онам.

Экин солигини қистаб келадиган агентларни онам жинидан баттар ёмон кўрарди. Ўша солиқчилар бировларнинг ҳовлисига бесуроқ бостириб кириб бемалол тимирскиланиб юраверишарди.

Бир вақт бегона одам жойидан кўзғалиб номаълум томонга йўл олди. Но маълум томонга сингиб кетди. Заволга яқинлашиб қолган умрим давомида мен ундан бошқа бир оғиз ҳам сўз эшитмайман. Бегона одам олислаб борарди, мен эса бошимни этиб кулбамизга кираётган онамга эргашдим. Негадир бирданига уруш-уруш ўйнагим келмай қолди.

Хўш, ўша одам ким эди?

Қанийди у менинг отам бўлиб қолса. Шундай деб ўлашга етарлича асосларим ҳам бор-да. Нима бўлганда ҳам, ёз мавсуми одатдагиdex Мания холамникига бордим (гўёки у ёқдан чиникиб келаман). Остонасига қадам кўяр-кўймасимдан холам ҳаяжонланиб айттан гапларни ҳали-ҳамон унутмаганман. У замонлар Шимолий Кавказ ниҳоятда тинч-осойишта эди. Кўпинча холамнинг ўйига бензин ташийдиган йўловчи машиналарда ёки пою пиёда борардим. Бир гал онам билан қишлоғимиз ёнидан ўтадиган катта йўл ёқасида турсак, олд копотининг учига ўрнатилган буғу ҳайкалча ялат-юлт этиб қаймоқранг яп-янги “Волга” ёнимизга келиб тўхтади. Онам мени чанг-чунг юқмаган, тубор ҳам кўндиримаган ана шу машинага ўтқазиб юборди. Омон-эсон ўзимни холамнинг ихтиёрига топширдим. У салом-алик қилишга ҳам сабри чидамай:

– Хўш, гапир-чи энди, отангди кўрдингми? – деб сўради.

– Нима деяпсиз, қанақа ота? – дедим ажабланиб. Ҳамон афсонавий аравага миниб келганимга ишонгим келмай, ўзимни сурхланиб қолгандек хис этардим. Дашту далаларга қандай келиб қолди экан бу? Ҳеч аклимга сигмайди. Князь Мусонинг “ойдан тушган лимузини”ни тасаввур этиш мумкин-у, аммо “Волга”ни ҳали ҳеч ким кўрмаган эди-да. Чунки у энди-энди “Победа” ўрнига исплаччиқариладиган.

– Ўзингди отангди айтяпман, сени дунёга келтирган отанг-да! Икки ҳафта олдин бу ерга келиб онанг икковингни суриштирган эди. Бирам ажойиб эр-как бўлптики! – дерди холам оғзининг таноби қочиб. У ўшлигидан хушбичим эркакларни кўрса эриб кетарди.

Ана холос – пишди гилос. Холамнинг гапларини эшитиб турган жойимда қотиб қолдим. Ўзимни гўё паркўв булулар устида келгандек ҳис этаётган бўлслам ҳам, бирпасда саёҳатим тафсилотлари тамом эсимдан чиқди-кетди.

Наҳотки мен уни танимадим?! Ахир, кўнглим сезиши керак эди-ку! Аъзойи баданим кавакка ўхшаб, вазнисиз бўлиб қолгандекман. Кўз олдимни коронгилик қоплади. Кўпдан бўён кузатиб юраман, оқпом чўкаётган чоқ борликини ҳамраётган фира-шира тун пардаси аллақандай сехрли хусусиятга эга бўлади: ҳатто бошига учбуручак дуррача боғлаб олиб, кишини эс-хушидан айирав даражада чиройли кўринадиган тоғлар ҳам бирдан чўяндек оғир эмас, ентилдек туюлади, метиндек жиспслиги мустаҳкамлиги унтулиди ва худди сирпаниб, уфқ бўйлаб янти манзил томон сузид кетаётирми, деб қоласиз. Одессалик бирорта Копперфильт ҳам бундай фокус кўрсата олмайди, факат оқшомги олакуроқ тун пардасигина бутун борликини шундай сехрли килиб кўяди.

Мени ҳам зулмат чулғаб олди. Куппа-кундуз куни! Бирдан йўқолиб қолдим. Мана, холам кўзларини катта-катта очиб бўм-бўш жойга тикилиб турибди. Шу ерда битта одам бор эди, энди йўқ. Буткул йўқолди. Изи ҳам қолмади. Хоки туробга айланди. Холам аввал мени чўқинтириди, сўнг ўзи ҳам ўта художўй насроний каби шоша-пиша чўқина кетди.

Яна пайдо бўлдим. Хушимга келишим хийла чўзилди; эртаси куни эрталаб бу гапларни сал-пал эсдан чиқардим, бағримни куйдириб турган олов тафти ҳам бир оз пасайди.

Холамларнинг боғчаси этагидан ариқ оқиб ўтарди. Одамлар ёқалашгудек бўлиб, навбат талашиб экин-тикинларини сугорарди ўша ариқдан. Уватта ўтириб олиб, сувга кетма-кет тош отаман. Ўзимча сувнинг жонини нишонта олмоқчи бўламан. Унинг жони кўпприк ёнидан, Кумадан бошланади, шекили. Жони қуюқ, лойқа: колхоз насослари сувни эмас, куйқани жамоат ариғига ҳайдаб берарди. Ростини айтганда, тош ҳам тошга ўшамайди, иссиқда жисплашиб, қотиб қолган лой.

Ариққа тош отиб яна узоқ ўтиришим мумкин. Ўзимни ҳам ташландикдек ҳис этаётирман. Яхшиямки мени ҳеч ким танимайди. Танишса-ку, дархол эргаштириб кетишарди. Шу тобда ўзим билан ўзим қолганим маъқул. Ҳеч бўлмаса, кечгача ёлтиз қолсан эди. Аммо келганимни Толик эшитиби. Яшириниб ўтирган жойимни топиб келди. Мени шамолдек қучиб, бир ёқларга учириб кетди.

Энди икковимиз ҳам умрбод ташландик бўлиб қолдик. Фақат у эмас, мен ҳам энди ҳеч кимни кутмайман. У – уруп, мен – қисмат сабаб шу кўйига тупдиқ, меҳру мурувватга зор...

Ўша вақтлар отам мени излаб келганига ишонардим. Боз устига, қишлоққа қайтиб борганимдан сўнг эшиздимки, у онам билан мени қўни-қўшнилардан ҳам сўрабди, ҳатто винофуруш Шиянова холанинг уйига кириб бир стакан ичкиликни эрмак қилиб кечгача ўтириби.

Одамлар отамнинг мен билан учрашувини ҳам халқона тасвиrlашади: эмишки, у мента бир пақир ўрик туршаги келтирган эмиш. Тўппа-тўғри Донбассдан бир пақир қуритилган Осиё мевасини кўтариб келавериби. Тўкиб-нетиб кўймай, етказиб келиби. Николада олис юртдан келган тансиқ ши-

ринлик тұғрисидаги болалик хотираларим ҳануз сақланиб қолган – бу ҳақда кейин яна бафуржа гапириб бераман. Мана энди ўша шириликтин одамдар менгә боялаб миш-миш тарқатыпшанини қаранг. Ырик бераман, қани, чүнтакларинги каттароқ очинглар! Ахир, хуржунидан бир дона мих ҳам олиб бергани йўқ-ку у менга! Сергей тогам бошқа гап, албатта.

Хозир ўзим ҳам отаман, ҳатто бобо бўлдим. Бир хаёл менга ҳеч тинчлик бермайди. Инсон ўғлига, пушти камаридан бино бўлган фарзандига бирон совға-салом олиб келмайдими? Хотирасида ҳеч қандай из қолдирмайдими? Шунақаси ҳам бўларканми?..

Яна бир гап. Агар у 1926 йилда туғилган бўлса, эллик олтинчи-эллик еттинчи йилларда энди ўттиздан ошган бўларди. Ҳали қирқ ёшга етмаган бўлиши керак эди. Наҳотки, мен тусмол-тахминда ўн йилга адашганман? Тўри, ўн-ўн бир яшар болага катта одамларнинг ҳаммаси чолга ўхшаб кўринади. Аммо жуда бунчалик эмасдир. Нимадир бир-бирига уччалик ёпишмаяпти.

Барибир ўша киши менинг отам бўлишини жуда-жуда хоҳлаганман. Ўзим эса аллақачон қатъий бир холосага келганман: у менинг отам эди. Ахир, ҳеч бўлмаса, умримда бир бор, ҳеч бўлмаса, кўз кирим билан отамни кўришим керак эди-ку – ана ўшанда уни бир мартагина кўрганман, вассалом!

* * *

Собиқ шўро-рус ҳокимияти ҳалқнинг уволидан қўрқмасди. У одамларни аёвсиз равища қириб юборганини тасдиқладиган мисоллар озмунчами?! Дейлиқ, Улуғ Ватан уруши давридаги мисли кўрилмаган йўқотишлар... Маҳаллий уруш-низолар чогида ҳам курбонлар кам бўлмаган.

Мисол учун, 1930-31 йилларда қиличбоз Будённий Осиёда шўро ҳокимияти душманларини батамом тор-мор этган (бу мўйловли кентавр Варшава яқинида, Марказий Европада хунарини кўрсатиб аранг жуфтакни ростлашга ултуради, Марказий Осиёда эса омади чопади). У ёқдан – асосан Фарғона водийсидан минг-минглаб кўзғолончилар, кўзғолончи деб гумон этилган бегуноҳ одамлар сургун қилинган. Назаримда, ҳақиқий душмандан кўра гумон остида қолган шўрликлар бир неча баробар кўпроқ эди. Бекорга бундай тахмин қилмаёттанимни кейин исботлаб бераман. Сургун қилинган одамларнинг қўпчилиги ўзбеклар билан тожиклар эди. Бошқа қилмишларини кўя турайлик, янги ҳокимият шу тариқа инсоният тамаддуни вояга этган “бешик”ни тозалаб, “соғломлаштириб” бўшатиб кўяди. Бу ўлкада истиқомат қиласидиган аҳоли азал-азалдан куч-ғайратини ичига сиғдира олмайдиган жўшқин инсонлар бўлиб, ҳар қандай шаклдаги ҳокимиятга миқ этмай кўл қовуштириб бўйсунаверарди деб бўлмасди. Улар ҳукмдор раҳмоннинг ердаги сояси эканини билишарди, аммо унинг ичига шайтон кириб олган бўлиши мумкинлигини ҳам эсдан чиқаришмасди. Ер қанчалик ҳосилдор бўлса, унда яшायттан ҳалқ шунчалик мағрур ва мустақил бўлади, деган гапни биз тўкиб чиқартганимиз йўқ. Бу гапни қиролича Екатерина айтган. Ўша ҳосилдор ер кам бўлса-ю, унда яшашни истайдиган ҳалқ худди ширага ёпишган чумолидек кўп бўлса, томошанинг зўрини кейин кўрасиз. Фарғонанинг

одамлари олижаноб келади, лекин новвотта ўхшаб секин эрийди, бегоналарга күшилиб әл бўлиб кетиши қийинроқ кечади уларнинг. Тоғорага ўхшаган "ӯлан тўшак"да тез-тез ур-ийкит бўлиб туриши ҳам бежиз эмас.

Мўлжалимча, менга ота бўлган зот Фарғона водийсидан тўрт минг чақирим нарида жойлашган қишлоғимга онамдан ҳам илгарироқ етиб келган. Агар айланма йўлдан бормай, тўғридан кесиб чиқилса, онам қирқ километр, отам эса тўрт минг километр олисликка бадарға этилган. Ҳаёлот ҳам қамраб олишга ожиз бўлган событиу сайёранинг қарама-қарши буржидан фақат заррабин остида кўринадиган икки жинсни топиб, уларни худди шиша идиш тагига ўт ёқиб иситтандек обдон қиздириб, бир-бирига кўшиб-аралаштириб, сўнг учинчи бир жинсни пайдо қилиш учун шунчаки доришунос эмас, фавқулодда ҳакиму ҳозиқ бўлмоқ керак. Ёнгай, ашаддий атеистлар ҳокимиияти ҳам парвардигори оламнинг қудрати билан яратилганига беихтиёр имон келтирасан, киши. Чунки бундай соҳир санъят намунасини Яраттан эгамгина намойиш этиши мумкин.

Мана шундай ҳайратомуз ҳодисалардан сўнг ҳам Иосиф Сталин бор-йўги генералиссимус эди, холос, деб кўринг-чи!

Онам 1935 йил, ўн тўққиз яшар чогида, отам 1931 йил, беш яшарлигида сургунга келган. Менинг кузатишларим бўйича, ҳар қандай ҳокимиият учун ҳақиқий қўзғолончиларни кўлга туширишдан кўра, уларга "ҳайриҳо үнсурлар"нинг ёқасидан олиш осонроқ бўлган; шу боис қатағондан қанчалик "эзгу мақсад" кўзланмасин, барибир "ёт үнсурлар" кўпроқ жабр кўрган. Ҳатто сенат майдонида осиб ўлдирилган (1826) декабристлардан фақат биттаси маълум маънода қўзғолончи эди – у аслида ҳеч қандай мутлақ ҳокимииятта эга бўлмаса-да, бир қўлёзмада "диктатор" унвонини қабул қилган. Қатл этилган бошқа тўрт киши эса бор-йўти "ҳайриҳо" бўлган, холос. Шу қиёслашдан ўзингиз хуроса чиқариб олаверинг.

Маълумотларга қараганда, бизнинг туманимизга ўн беш мингдан ўттиз минггача жон сургун қилинган экан. Тўгри, мен Ставрополда ҳам, бошқа ўлкаларда ҳам "жиноятчи" осиёликлар жамланган бу қадар улкан қўнимгоҳни учратмаганман. Кўплаб туманлар орасидан НКВД қайси жиҳатларига кўра бизнинг туманин танлаганига ақл бовар қилмайди. Шимолий Кавказда тувалоқдар туркумига мансуб чўл қуши – безгалдоқлар кўним топган ягона қишлоқ ҳам бизники эди. Безгалдоқлар қишлоғимиз яқинидан ўзларига қўнимгоҳ курган эди. Бу қуш улуғвор бўлади, хархашаси ҳам шунга яраспа. Ҳозир бутун Россияда ҳам қолмагандир улар. Бу жиҳатдан ўзимни баҳти бола бўлганман деб ҳисоблашим мумкин: ўша викорли оқбадан қушни кўрганман, ғалла ўрибийгиб олинган анғизлардан қий-чув қилмай қуондек кўкка кўтарилган галасига бокиб ёқамни ушлаганман. Агар болаликдаги орзунинг қаноти бўлса, мен уни мана бундай тасаввур қилардим: чўчтишиб юборилган қушлар потир-потир қанот қоқиб даҳшат солиб ўлжасини чангллайдио ярқираб турган осмони фалакка кўтарилади, пастдан улар оппоқ кўпик – пўртандек кўринади.

Қишлоғимизга безгалдоқлар билан баравар НКВД ҳам келиб жойлашади. Мен тугилган 1947 йилдагина бу ердан комендантуруни кўчириб кетишади; Курунта жарлиги ёқасида жойлашган ўша узун тунд бинони яхши эслайман. Қарант, иккови ҳам паррандаларнинг эскидан қолган ёмон инстинктини

ўзлаштириб олган, ирсиятида навигация-қатнов коди бор: ҳалокат аримайдын бехосият жойни қидириб топган қушлар одамзотдан хавотирланмай бемалол яшашы мүмкін, бундай жойда одам боласи ажалидан беш кун бурун ўлади. Ажалнинг тезлашиши – қандай азоб берилишига боғлик.

Хўш, агар Сталин ҳам худонинг бандаси бўлса, паррандашунослик илми ни сув қилиб ичиб юборган НКВД кимнинг бандаси экан? Афтидан, жаннат дарбонлари – фаришталардан тарқалган бўлса керак. Зеро, нариги дунёда фаришталардан бошқа қанотли маҳлук йўқ.

1931 йилнинг қаҳратон қиши кунлари осиёликлар бош-адоги кўринмайдиган пода каби ҳайдаб келинади. Узоқ йўл давомида йиртилиб увада бўлиб кетган ранг-баранг шарқона латта-путталар, бошлари куроқ матолар билан тангиб боғланган болакайлар ортилган аравалар бир неча кечакундуз станциядан қишлоққа қатнайди. Никола кулбаларига келтиндилар тикин қилиб жойлаштирилади, айrim ертўлаларга ҳатто ўттиз киши сиёдирилади. Кулбаларнинг эски эгалари – руслар эса сал илгарироқ ҳайдаб чиқарилган эди.

Салт-сувой эркаклар бошларини эгиб шаҳардан – станциядан яёв келади, одатий бўлмаган қаҳратон совуғига чидаёлмай депсинишиади; пиёда юрилса ҳеч кимга йўлкира бериш шарт эмас, арzon тушади. Ханжар такиб олган қизил аскарлар ҳар-ҳар жойда сафни кўриқлаб боради.

1935 йили бутун ўлка бўйлаб “кулак-муштумзўр” деб эълон қилинган ёт унсур руслар ҳам шу ерга ҳайдаб келинади. Иккинчи ҳайдов чогида онам ҳам осиёлик муҳожирлар орасига келиб қўшилади.

Хўш, русларни энди қаерга жойлаштиrsa бўлади? Нима бало, улар муҳожирларнинг бошига чиқиб ўтирадими?! Бу масалани ғамхўр ҳаёт ҳал этмайди, балки жонкуяр ўлим бирёзлик қиласи-кўяди.

Ўттиз биринчи билан ўттиз бешинчи йиллар орасида яна ўттиз учинчи йил ҳам бор эди. Энди ўзбеклар турнақатор араваларда қабристонга элтиб дағн этилаверади. Шундай қилиб, чала даштдаги янги мозоротнинг ҳам эгалари пайдо бўлади. Улар бегона юртга қадам кўйган илк кунларидан – темириўл бекатида, шаҳар кўчаларида ҳалок бўлаверади. Тўрт фидиракли араваларда тирик одамларга қўшиб ўнлаб мурдалар ҳам манзилга келтирилади. Овлоқ жойларда, кўтармалар остида, жанговар ҳаракат майдонларида – деярли ярим йилга чўзилган салиб юриши (Мусулмон бўлгани учун ярим ой шаклида ҳаракат қилишганмикан?) йўлларида колиб кетган мархумларнинг сон-саногини ким билади? Очликдан, тиқилинч ертўлаларда қўланса хидларга чидаёлмай, жондан ўтиб кетадиган кирчиллама совуқдан одамлар ўлади, ўлаверади.

1933 йилда сўлжайиб юрган қизил аскарларнинг ханжарларини бемалол тортиб олиш мумкин эди. Аммо кўриқланиб бораётган одамлар қочишини хаёлига ҳам келтирмасди, чунки ўзлари аранг оёқ судраб босарди – истиско қаслига чалиниб аъзойи баданлари шишиб кетган ёки ориқлаб этлари суюкка ёпишиб қолган эди. Бизнинг Никола қишлоғимиздаги қабристон дунёдаги энг озода еrostи мулкига эга бўлса керак.

Қизил аскарлардан ханжарлар тортиб олинмаганига сабаб шуки, уларнинг ўзи ҳам оч, ҳолдан тойтган, жонини жабборга бериб химоя қилаётган ҳокимияти каби фақат куролга суюнибигина аранг илгарилаф борарди.

Ҳокимият қаршисида гуноҳкор бўлиб қолган ташибориуслардан ташқари, бошвоқсиз бошларга кўшиб насронийлар ҳам бадарға қилинади. Улар ҳам енгилади-ю, лекин итоат эттиси келмайди: айрим одамлар менинг онам каби эски гуноҳлари учун жазоланади, кўпчилик колхозга аъзо бўлмайман деб оёқ тираб туриб олади – уларни калтаклаб ҳам “баҳтили ҳаёт дарвозаси”дан ичкари киритиб бўлмайди. Ҳасип қилинадиган узун ичак сингари чўзилиб кетган қишлоғим, худога шукр, ичига яна минглаб одамни ниқтаб сифдирилса ҳам ёрилиб кетмайди. 1947 йил рўй берган очарчилик қишлоғимизнинг бу ёғидан кириб, у ёғидан чиқиб кетади: ўнгдан чапта, чапдан ўнгта қараб ялло қилиб юради. Кўпчиликнинг ёстиғи курийди. Ҳам мусулмон, ҳам насронийлар Парвардигорига тавалло қилинади. Ўроқвой, ўравер, шудрингни сочавер...

Ўзбеклар мисли кўрилмаган даражада, оммавий равишда сургун қилинганини тасдиқлайдиган бирор хат-хужжатни топишга кўп ҳаракат қилдим – узоқ йиллар давомида. Боз устига, ўзимча эмас, “Комсомолская правда” газетаси бош муҳаррири ўринбосари, СССР давлат телерадиоси раисининг мувовини лавозимларида ишлаб юрган кезларим изланишлар олиб борганман.

Чучварани ҳом санаган экансан, Вася!

Тошкентдан менга мунтазам равишида оммавий депортация излари йўқ деб жавоб қайтариларди. Бундай вазиятда Москва тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Мен гулдек ҳаёти барбод бўлган инсонларнинг сон-саногини сўрамаган эдим. Масалани бу тарзда қўйсам, “йўқ” деган жавобни тушуниш мумкин эди. Эски гапларни қўзғаган одамдан яхшилик кутиб бўлмайди. Мен ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин қолдирмайдиган савонни берардим: хужжат борми? Азбаройи шахсий ишим юзасидан шундай савол билан мурожаат этардим. Онам ҳеч қачон менга отам тўғрисида гапириб бермаган. Онам ҳаётлигида ҳали жуда ёш бўлганманми? Балки эслашни истамагандир? Ёки ҳаётимни издан чиқариб юборишдан хавотирланганми? Биринчидан, сургунда бўлганим расман эътироф этилса, келажакда анкета тўлдирган чоғимда кутилмаган муаммоларга дуч келишим эҳтимолдан ҳоли эмаслигини онам ўзича тахмин қилгандир. Иккинчидан, вояга етганимдан сўнг тентаклигим тутиб бирдан отамни излай бошласам, ўзимга ўзим бошогриги ортириб олсан нима бўлади? Учинчидан... Янглишмасам, учинчи сабаб энг асосий, жиiddий тўсиқ эди. Шу боис онам шахсий ҳаётини, айниқса, отамга оид гапларни нафақат мен билан, умуман, бошқа бирор киши билан ҳам муҳокама этишини лозим кўрмаган.

Мен отамнинг фамилиясини билиш мақсадида керакли идораларга қайтакайта мурожаат этаверардим.

Очигини айтай, асл ниятим ўзимнинг ҳақиқий насл-насабимни билиш эди. Одамлар, ҳамқишлоқларим, қариндошларим отамнинг фамилиясини бот-бот эслаб туришарди. Айниқса, онам вафот эттагач, отам тўғрисидаги маълумотлар ёғилиб кела бошлади. Нима бало, одамларнинг тилига боғланган тушов ечилиб кетдими ёки улғайиб, шундай нозик масалалар юзасидан бемалол гаплашадиган йигит бўлиб қолдимми? Билмадим. Ишқилиб, Фарғонадан сургун қилинган одамлар орасида исм-фамилияси фалон-фалон бўлган шахс борйўқлиги расмий қофозда тасдиқланган ёки тасдиқланмаганини ўз кўзим билан кўришни истардим. Ҳеч бўлмаса, анкета маълумотларини кўрсам дердим.

Отамнинг излари эса топилмасди.

Ажабо, одамлар сургун қилинади, қатағонга учрайди, ўлимнинг оғзига юборилади, бироқ идора ходимлари рўйхат тузиб уларнинг номини қайд этиб кўйишниям лозим топмайди. Давлатнинг ўз халқига нисбатан бефарқлиги, халқ уволидан кўрқмаслик бундан ортиқ бўлмас! Мен бундан ортиқ яна нима дейишпим мумкин?.. Бетакрор бир рус санъаткори яратган ажойиб асарда руслар тўгрисида шундай дейилган: “Мен бундан ортиқ яна нима дейишпим мумкин?” Маълум бўлишича, гайрируслар ҳам ҳайратомуз тақдир ўйинларига дуч келган экан.

Қатағонга учраган руслар ҳам, гайрируслар ҳам сайлаш ва сайланиш ҳукуқидан маҳрум этилади. Улар барча ҳукуқларидан маҳрум, фақат битта ҳукуққа – Ватан Уруши жабхаларида жанг қилишдек муқаддас ҳукуққа эга бўлади. Сургундагилар тез-тез фалвирдан ўтказиб турилади. Муқаддам эслатиб ўтганимдек, менинг тогам ўн етти ёшида фронтта жўнаган. Қишлоқ аёвсиз равишда титиб юборилган. Никола йигитлари сидқидилдан урушган: қишлоқ чеккасидағи гарифхонада давлат ҳисобидан кун кўрадиган бегона ногиронларни ҳисобга олмаганда ҳам урушдан кейин майиб-мажруҳ кишилар жуда кўпайиб кетади. Қирқинчи йиллар охирларида туғилган биз – болалар бирпасда ўзимиздан катта одамларнинг бўйига етиб олардик, чунки уларнинг кўччилиги урушда ўриб-кесиб ташланган, ўз оёғи билан эмас, ясама оёқ-қўлини шартта ечарди-да, худди чўқморни боши узра айлантираётган эртак қаҳрамонига ўхшаб ўкириб ракиб устига ташланиб қоларди. Эҳтимол, ҳамюрларим жаримадор ёки гуноҳкор сифатида атай урушнинг қайноқ нуқталарига ташлангандир? Үндай жойлардан бутун чиқишнинг ўзи амримаҳол эди. Улар қандай орден-медал олганини билмайман, аммо битта ҳамқишлоғимизнинг номи ўлимидан кейин Мамай кўргонида деворга ўйиб ёзиб кўйилган – Василий Жерлицин. Ҳа, ҳамқишлоқларим сидқидилдан урушган...

1950 йиллар охири-олтмишинчи йиллар бошида ўзбекларга юртига қайтиб кетишига рухсат берилади. Билишимча, бу Барҳёт доҳийнинг ўлими ва КПССнинг XX курултойидан сўнг бўлган. Ўзбеклар камтарона қакир-куқурию лаш-лушларини йигиб худди күшларга ўхшаб аста-секин Жанубга йўл олади. Улар ер баробар бўлиб қолган ўзларига яқин кишиларининг қабрлари билан ҳам, шу ерда қолаётган қавм-қариндошлари билан ҳам, рус кўни-кўшнилари билан ҳам йиглаб-сиқтаб хайрлашади.

Мен ҳам қабристонда икки уяли қабрларни кўришга ултурганман. Бизнинг синфимизда ёши катта бир неча ўзбек қизи ўқириди, улар бизга юқори синфлардан “мерос қолганди”. Қизлар ҳар бир синфда икки йилдан ўқишишар, эрга тегиб юкли бўлган чотларида мактабни битиришар эди.

Ўша вақтлар қишлоғимизда ажойиб исм-фамилиялар пайдо бўлади. Айтайлик, битта ўртогим – Вася Аҳмедов. Онам билан товуқ фермада ишлайдиган Даشا холанинг ўғли – Иван Темиров эди. Биз болалар унинг исм-фамилиясини айтиб масхара қилишни яхши кўрадик: “Миру мир – Ивану Темир!” (“Жаҳонга тинчлик, Иванга Темир!”) Ўзимизча иқтиbos кўчирғандек бўлардик. Эллигинчи йилларда жуда машҳур бўлган сиёсий шиорни Илья

Эренбург эмас, ўзимизнинг Иван Темир ўйлаб топғандек талқин қиласардик. Дарвоқе, Иван ҳам, Вася ҳам Даша холанинг ўтиллари эди. Улар менга тент-доп ёки сал каттароқ эди. Шу боис экзотик исм-фамилия ҳам, бир-бирига қовушмайдиган құшма сұзлар ҳам мени асло ҳайрон қолдирмасди. Битта она-дан туғилған ака-ука бир-биридан фамилияси билан ҳам, ташқи күриниши билан ҳам кескін фарқ қиласарди. Биттасининг боши ўрим-йигимдан сұнг ўт қўйиб юборилған анғиз-далага ўхшаса, бошқасиники олтин кузни эслатарди – соchlари худди Даша холаники каби сап-сарик. Яъни, биттаси отасига, иккинчиси онасига тортган эди. Ўша вақтлар ака-уканнинг онаси бир-у, отаси бошқа-бошқа бўлиши мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмас эдим.

Менга келсак, исм-фамилиям, насл-насабим жойида эди, бу борада одамни ўйлантриб қўядиган ҳеч гап йўқ. Онамнинг бошига нисбатан, албатта, менини хийла қорамтири бўлса-да, аммо Иван билан Васянинг соchlарига қиёсланса, моршанликларга хос тиллатоб – оқ-сарғиш тусда эди. У кезлар куйдирган калламга бегона одамнинг киёфаси, бичимини ташиб юрибман-ку, деган хаёл асло келмасди. Ўзимники – бирорвникими... Ҳеч шак-шубҳа йўқки, отамнинг исми нотўри; тез орада маълум бўладики, она томондан бобомнинг исми менга “отакўрди” этиб юборилған экан. Гёё битта одам менга ҳам бобо, ҳам ота бўлган эмиш. Хўжайи Хизр бўп кет-э...

Чамамда, исмим ўзимники бўлса керак. Чунки мени ибодатхонада чўқинтириб, сұнг диний расм-русмга мос равишда исмимни ҳам қўядилар. Бодомқовоқ Вася билан Вания, ҳойнаҳой, чўқинтирилмаган бўлса керак. Лекин онам икки ойлигимдаёқ печканинг устида ётадиган жойимни ҳам, чўқинтирадиган вакил онамни ҳам танлаб қўйған эди. Бўш-баёв ёшгина холаваччам Ниосья Рудакова менга вакил она бўлади. Ўн беш чақирим ён-атроф худосизлар ўлкаси бўлиб, фақат қўшни Петропавловск қўргонида авлиё Пётр ва Павел шарафига бунёд этилган ибодатхона бор эди. Мен гўдакни ўша ибодатхонага элтиб чўқинтирадилар.

Мени тўсатдан кўкракдан ажратишгандек бирданига Осиёдан айириб олишади. Ўзлари тарафга – Моршан қишлоғи томонга ўтказиб қўядилар. Гёё аъзою баданимдан Осиё руҳи ҳайдаб чиқарилиб покликкина қолдирилади.

Тўгри, онам билан холаваччам мени кўтариб, ибодатхонада диний расмсларни адо этадиган тақсирга ичак-чавоги тозаланған товуқ, йигирматача тухум элтиб бергач, чўқинтириш маросими ўтказилади, аммо на илоҳий қудрат, на жонбахш тароват ҳис этилади, аксинча, елкага оғир юқ ортилғандек ҳориб-толиб изларига қайтишади. Худди шу куни уйимизга ўтри тушиб бизни шип-шийдам этиб кетади. Қўлга илинадиган нимаики бўлса олади, энг ёмони, онамнинг сандигида ҳеч вақо қолдирмайди. Бу сандик онамга тўқчилик замонларда яшаб ўттан ота-онасидан мерос қолган эди. Баҳайбат, қопқоғи нақшинкор ўша сандикни мен яхши эслайман: айтишларича, ичига илгари Керенский даврида муомалага чиқарилған қофоз пул елиманган экан, мен қопқоғи очиб-ёладиган бўлган кезлар унга навқирон шўро ҳокимиятининг куч-ғайратини таърифлайдиган “Тўхта! Бу ёққа йўл йўқ, орқага қайт!” каби хитоблар ёзилган плакатлар ёпишириб қўйилған эди. Сандикда пул ҳам, қимматбаҳо буюмлар ҳам сақланмасди. Ноёб ёғочдан ясалган, ўткир ҳид анқиб

турадиган бу сандық ўтмишда қолиб кеттән баҳтли күнлар хотирасинигина бағрида авайлаб-асраб келаётгандек туюларди. Унинг зил-замбىл қопқоғини бемалол очиб-ёпадиган ёшга еттан чөгларим ичига кириб яшириниб ётишни яхши күрардим, ундан тараалаётган хүш бўйдан бошим айланарди.

Шундай қилиб, мен чўқинтирилган кун онам учун қора кун бўлади. Онам товугидан айрилгани камдек, насроний арзандасини кўтариб Қоратупроқ томонларга кетишга мажбур бўлади. Аравада Маничга қараб йўл олади. Мени ҳануз ўша томонлар ўзига чорлаётгандек туюлаверади, ўша ёқларга бош олиб кетиб қолгим келаверади.

Яқинда туш кўрдим – бир ҳикматли гап қулогимда аниқ-тиниқ жаранглади. Бу гап омадсиз онам билан холаваччамга маълум маънода алоқадор бўлиши мумкин: “Худойимнинг курдати шундаки, У бандаларининг ишига аралашмайди! Буюк бетарафлик – эҳтимол, Парвардигори олам қурдати шунда на-моён бўлар? Мен ўша курдатни шукронга айтиб хис этаман”.

Фира-шира эслайман, онам бошқа аёллар билан далада муз-қатқалоқ остида қолган пахтани энгашиб-эмаклаб терар эди. Бизнинг ориқ еримиздан аранг униб чиқкан нимжон гўзалар ноябрь ойига бориб яккам-дуккам очиларди; кўсаклар зўрга тиржайиб, гўё тишининг оқини кўрсатарди. Осиёликлар бу томонларга сургун қилинмасдан илгари бизнинг халқимиз пахта деган ўсимлик борлигини ҳам билмасди.

Ҳаёт икки уяли, икки хил дунёкарашдан иборат бўлиб, комендантуранинг қатъий назорати остида кечәётган эса-да, ўзига хос ижтимоий муносабатлар шаклланган эди. Менга гапириб беришларича, мусулмонларнинг ҳайит байрамларида муслима хотин-қизлар ўрнига рус аёллари, насронийларнинг пасха байрамида эса рус хотин-қизлари ўрнига ўзбек аёллари далада меҳнат қилас экан.

Уруш вақтида қишлоқни немислар бир неча ой давомида ишғол этиб турган. Аммо на руслар, на ўзбеклардан бирорта полицай-сотқин чиқмаган. Ваҳоланки, сургундагилар орасида илгари оқ гвардиячилар сафида хизмат қилган Гугулин деган зобит ҳам бор эди. Мен уни яхши эслайман: баланд бўйли, кўпчиликка қўшилмайдиган дамдуз одам эди, икки ёғи тутгали пиджак кийиб, бўйинбог боешиб юрарди. Ҳатто совхозимиз директори – немис Эрлих ҳам бўйинбог тақмасди; йўғон бўйнига сиртмоқ солишини истамасди. Собиқ зобит ҳар куни осма соат капгирига ўхшаб кўчадан икки марта ўтарди: эрталаб идорага борар (менимча, у идорада хисобчи бўлиб ишларди), кечга томон қишлоқ чеккасидаги кулбасига қайтар эди. Кулбаси ям-яшил дараҳтзор билан қуршалган, ҳамма уларнинг bogигa ҳавас қилас эди. Унинг на магазинга, на қовоқхонага борганини бирор кўрмаган. Гугулинлар гўё фақат томорқасида етиштирилган маҳсулотларни истеъмол қилишарди. Уларнинг уйига ҳеч ким қадам босмасди. Биз – болалар Рождество байрамида диний қўшиқларни ўзимиз билганча, бузуб жўр бўлиб айтиб ҳамқишлоқларимизнинг хонадонига бирма-бир кириб чиқардик; художўй ҳофзилигимиз учун бир ҳовуч қоғозли қандми ёки гижимланган бир-икки сўм пул ҳадя олардик. Ўшанда ҳам Гугулинлар кулбасини четлаб ўтардик, чунки бизга кўзи учиб турмаганини билардик-да.

Чамаси, немислар комендантура ташкил этган даврда ҳам Гугулин, одати бўйича, ҳар куни у ёқдан бу ёққа бориб қайтаверади, унинг кун тартибига ҳеч ким таъсир кўрсатмайди. Бирорта фашист ҳам, рус амалдори ҳам унинг мушуғини пишт дейишга ботинмайди. У билан ҳатто об-ҳаво тўғрисида валақлашга ҳам бироннинг юраги бетгламайди.

Қишлоқда миллий масала баҳона бирор жиљдий жанжал чиққанини эслай олмайман. Менимча, ҳар икки томон ҳам ўзларининг жўжахўролари билан муштлашишни афзал кўрарди, ташқаридан рақиб қидириб юрмасди. Аммо биз бола-пакирлар жуда инок эдик. Шу фикрни тасдиклайдиган битта қизик мисол бор.

Хозир, афсуски, оламдан ўтган икки қорин нари холамнинг турмуш ўртоғи Георгий Пантелеевич Слуцкий ҳикоя қилиб берган эди. У ўзбеклар билан битта ҳовлида катта бўлган экан. Бу ҳовлидаги тенгдоши – дургай бола иккаласи дўст тутинади. Йигитча вояга етгач, ота-онаси билан Ўзбекистонга қайтиб кетади. Ростини айтганда, рус аёлларининг қоравой эрлари икки ўртада бино бўлган болаларга фамилияларини беради-ю, лекин реабилитация тўғрисида фармон эълон қилинган заҳоти ёппасига жуфтакни ростлайди, қорасини кўрсатмай кетади, шоввозлар! Аёлларнинг ҳам бу ярқираган товонларга кўзи учиб турмаган: икки томон ҳам аввал бошдан байналмилал никоҳларга фаришталар фотиҳа ўқимаганини, улар пастқам омборхоналар ёки хилват яйловларда тасодифан топишгани учун бир умр эмас, вақти-соати келгунча бирга яшashi лозимлигини билишарди. Рус аёли экинзорга ўхшайди, ҳеч қачон бўш қолдирмаслик керак: уруш ва сургун сабаб ўзимизниклар вақтида экин-тикин қиломади, шу боис бошқалар урут қадаб кетди. Бу томонларда ўстирилган паҳта каби камёб – экзотик бошоқлар пайдо бўлди. Июль ойига келиб энди пишаётган буғдой бошоқлари ҳам қорамтири тусга киради, қорабурул ёвшан каби жизганак бўлади, хўмрайиб тургандек туюлади.

Дурагай болалар сиртдан бошқачароқ кўринса-да, шу ерлик тенгдошларидан деярли фарқи йўқ эди: худди күшчалар мисоли тинмай чуғур-чуғур қиласарди – русча сайрашарди (бошқа бирорта тилни билишмасди-да), ҳатто “маллавой” тенгдошларига нисбатан хийла удабурон ҳам эди. Дурагай қизлар, яъни, бир синфда икки йилдан ўқийдиган қизларнинг сочи қоп-қора бўлибина қолмай, жилоланиб, мой суртилгандек ялтиллаб юракларни ўртаб юборарди. Ўғил болалар қизларнинг ўрим-ўрим сочларидан тортқилаб шўхлик қилишни яхши кўрарди, ёш ўқитувчи йигитлар эса уларнинг сочларини пинҳона силаб-сийпалаб эркалатишар эди.

...Орадан йиллар ўтади. Калласи бутун ҳалиги йигит Ўрта Осиё республикаларидан бирида, назаримда, Тожикистонда Маданият вазири даражасига етиб боради. Ҳа, Шарқ Николада фақат ўзи ичган чой шамасини қолдириб кетмайди, Никола ҳам маълум маънода Шаркни қарздор этиб қўяди. Арзимаган тухфа: енгил пар ёки пат дейиш мумкин, аммо айнан вазнисиз унсур баландроқ парвозд килади. Ўзи аранг кунини кўраётган қишлоқ фарзандларига ва ўтай ўғилларига бундан ортиқ яна нима бериши мумкин? Ўша пат-пар ўсиб-улғайтак безғалдок қуш бўлади, катта одам бўлади, Георгий Пантелеевич билан эски дўстлигини

тиклайди, ҳар йили таътилга чиққанида Кисловодска дам олгани келади, курорт билан Никола оралиғи бир юзу эллик чақирим, холос.

Мен күпдан бўён кузатиб юрибман: тарихий ватанидан олисда, руслар ёки европаликлар орасида вояга етган миллий озчилик вакиллари кейинчалик ота-боболари юргита қайтиб борса-да, батамом улар билан кўшилиб-чатишиб кетмайди. Кўринмас ришталар билан бегона юртга боғланиб туради, туз ичган жойини қирқ йилдан кейин ҳам унугмайди.

Ўша тарихий шахс болалигида Ўзбекистондами ёки Тожикистандами бирор мактабда ўқиганида борми, кейин нима бўларди, ким билсин. У кезлар Николада учта мактаб бор эди. Биттаси “оқ мактаб” (гарчи вайронна ибодатхонанинг қип-қизил фиштларидан тикланган, қизил рангли бўлса ҳам “оқ мактаб” дейиларди), одамлар уни “ўзбеклар мактаби” ҳам деб атарди. Чунки бу мактабда таълим-тарбия ишлари рус ва ўзбек тилларида олиб бориларди. Қизиқ жойи шундаки, қизил фиштдан қад кўтарган мактаб кейинчалик сўндирилган оҳак билан яхшилаб оқланган ва оппоқ тусга кирган эди. Осиёликлар уни тарқ эттаг ҳам мактаб осиёча ўзгармас кўринишини сақлаб қолаверди. Комендатура бекор қилингач, учинчи синфгача мен ҳам шу мактабда ўқиганман.

Ўзимиздан чиққан маданият вазири ҳар сафар Кисловодска дам олгани келганида Николани зиёрат этиб кетишини канда қилмасди. Афтидан, у Кисловодскни ҳам бекорга танламаган кўринади; нима, иттифоқдош жумҳурият миқёсидаги амалдор учун Россияда ундан бошқа курорт топилмасми?! Топиларди, хотиржам бўлинг! Лекин Никола топилмасди-да! У кўпроқ Николага талпинарди, Россиядан кўра кўпроқ курортдан унча олис бўлмаган қишлоқ уни ўзига чорларди. Санатория раҳбариятининг хизмат машинаси “Волга”да физ этиб Николага этиб келарди ўзи вояга етган ҳовли – Георгий Пантелеевич хонадонида меҳмон бўларди. Георгий Пантелеевичнинг томорқаси қиялама-нишаблик бўлиб, адоги жарликка бориб тақалар эди; икки ошна дараҳтзор-боғда дарҳол кўлбола ўчоқ ясад, олов ёқишарди-да, ўчоққа қозонни осиб паловга зирбак тайёрлашга киришиб кетишарди. Николадаги ҳар бир хонадонда шарқлик мусофиirlардан гёё ўлжа олинган қозон бор эди. Қаранг, карам шўрва эмас, айнан палов пиширишарди. Бу тансиқ таомни тайёрлаш учун зарур бўлган ноёб масаллиқни вазир мамлакатнинг нариги чеккасидан олиб келарди. Одатда, Маня холам ўчоқ бошига ҳеч кимни йўлатмасди. Умуман, Никола аёллари ўзи бажариши лозим бўлган рўзғор ишларига эркак зотини аралаштирумасди, бу борада ҳак-хукуқларини қаттиқ ҳимоя қилишарди. Бироқ, Маня эна истисно тариқасида палов пишираётган эркакларга миқ этмасдан ёрдам берарди. Фарғонача палов ҳаракати қизғин тус олиб, пиёздоф ҳиди чор атрофни тутиб иштаҳани қитиқлай бошлигач, асосан вазирнинг тенг-тушлари бўлмиш ҳамқишлоқлар битта-битта, иккита-иккита, ҳатто учта-учта бўлиб яширин “чогир базми”га тўпланарди (Николадан бошқа вазир чиқмаган, шу боис ўзбек-тожик аралаш вазирни худди ўзларининг миллий ифтихоридек эъзозлашарди, уни гёё бутун Иттифоқнинг Бош вазиридан, хусусан, Никола талаффузи билан айтганда, шахсан “ўртоқ Коғигин”дан кам кўришмасди, бизникилар пачакилашиб ўтиришни ёқтирумасди, зиёфат қилишга чоғланишса, бирйўла шоҳона зиё-

фатнинг чогини олишарди). Георгий Пантелеевич ҳам у пайтларда сакнинг орқа оёғи эмас, бригадир бўлган, бу дегани, Никола тилига таржима қилинса, нақд қиролни чўқинтирган отахон, вазирнинг қудаси! Вазирнинг дўсти эса куда-кудағайни ҳам ярим йўлда қолдириб кетади.

Уларнинг болалиги комендантура назорати остида ўтган. Қўриқчилар одамларни руслар ва файриуслар деб айрмачилик қилмаган. Уларнинг назарида булатнинг бари меҳнаткаш халқ оммасининг душмани эди, вассалом. Кўял кафтлари қонталаши, қадоқ бўлиб кетган одамлар меҳнаткаш халқ оммасининг душмани хисобланарди. Нафсиамрини айтганда, Николада пинҳона байналмилад дўстликка беихтиёр комендантура ҳомийлик қилган.

Айни чоқдаги бир олам баҳту қувончни бу одамларга палов ҳидигина ҳадя этарди дейилса, нотўғри бўлар. Уларнинг болалиги очарчилик йилларида, қатъий назорат остида кечган бўлса-да (туғиштан тогам Сергеининг икрор бўлишича, комендантура назоратидан, маҳбусхона ва очлиқдан қочиб ўн етти ёшида фронтга жўнайди, озодликка чиқишининг, тақиқланмаган ҳаётнинг шундан бошқа иложи ҳам, имкони ҳам йўқ эди), жаннатдек фараҳбаҳш дамларни булатга ҳам болалик ҳадя этган. Лекин ўчоқбошида буғдои арагидан тараляётган хид ҳам қувонч сабабчиси эмас ҳозир. Ваҳоланки, ўчоққа яқинлашаётган одам борки дўмпайган чўнгтагида авайлабгини "яримта" келтириб, худди снаряд узатаяётган аскар каби эгчиллик билан кўздан нари ерга яшириб қўярди.

Йўқ, қувонч сабаби бошқа.

Қозонда зирбак-бикир-бикир қайнар, палов масаллиғи эзилиб пишар эди. Жора поччамнинг томорқасида, Николага чўкаётган оқшом қучогида ажиб кўшиқлар ҳам пишиб-етилиб келарди.

Улар болалик давридан қолган кўшиқларни жўр бўлиб ижро этишарди. Русча ва ўзбекча кўшиқларни. Ҳар икки тилдаги қўшиқлар ҳам жўр бўлиб куйланарди. Табиийки, вазир ҳам русча кўшиқларни, айниқса, халқ кўшиқларини ҳали эсдан чиқариб юбормаган экан. Ярим кечага бориб бригадирнинг эллик литрлик қозони теварагида бутун бошли хор турухи жам бўлади. Шуъла ўйноқлайди, шуъла кўкка ўрлайди, паловнинг димоқни ёргу-дек куюқ, хуш бўйи ва кайфи ошиб қолган одамлардан тараляётган бадбўй хид омухта бўлиб, Никола осмонида сочилиб ётган юлдузлар томон эшилиб буралиб кўтарилади. Қўйма, фамгин, гоҳ-тоҳ кўзёшлар кўшилган, илтижоли, таъсирчан товушлар эшиттан кишининг юрак-багрини ўртаб юборади. Ҳар тал улфатлар тўплангандан паловдан кўра кўпроқ ичкилик истеъмол қилинади. Томорқада пайдо бўлган вулқондан бир вақтнинг ўзида қувонч билан фам-гусса остилиб чиқа бошлайди. Бу даврага хотин-қизлар яқин йўлатилмайди. Товушлар дагал, жарангдор, хуллас, эркакча бўлса-да, аммо фамгин, болаларникидек бегубор оҳанг осмони фалак бағрига ўрлаб сингиб кетади.

Бўри галасининг ўзгинаси дейисиз булатни, ёлгиз ов қиласиган бўрилар бир жойга тўпланганди, оғизларидан олов пуркайди – ичларига кирган зорманда ёндиради-да! Ўша нарса уларни кўтариб юборади, очиб юборади, илжайтиради, тиржайтиради, сўнг куйлатади, увлатади, ўқиртиради, бўқиртиради. Бўри болалари каби осмонга қараб увлашади. Ёш бола бўлиб қолишиади. Ярадор охуларга ўхшашади.

Фаришталарга ўхшашади.


Базмдан сүнг икки кун вазирни даволайдилар. Уни болохонага чиқариб, худи мавзолейда ётган дохийнинг жасадига ўхшатиб тантанали равища ётқизишади, кейин қуруқ сочиқни қиздириб пешонасига босишади – до-ри-пори деган нарса беришмайди. Учинчι кун қиёмига етказиб даволанган дўстини, совға-саломга кўмиб тапланган, ичига олма тиқиб қовурилган фозу бошқа тансик ноз-неъматлар билан тўлдирилган саватлар ортилган санатория раҳбарининг ўша "Волга"сида Георгий Пателеевич иззат-икром билан дентиз бўйига кузатиб кўяди.

Яна сиз фақат жиноятчилар жиноят содир этган жойига қайтиб келади дейсиз. Мана, курбонлар ҳам қайтар экан!


Фойиб бўлган Шарқдан қишлоқда фақат ғаройиб кўринишдаги болалару қаровсиз қабристон ёдгор қодли дейилса, нотўри бўлар. Орадан неча ўн йиллар ўттач, ўша болалар тамоман руслашган чолларга айланади; икки миллатга мансуб жамоа ёнма-ён яшаган даврда бир-биридан қувват олган учинчи тил пайдо бўлади. Мен ўша тилгагина тегишли бўлган баъзи сўзларни ҳозир ҳам яхши эслайман. Бу сўзларни бошқа бирорта тилда учратмаганиман. Масалан, бизнинг қишлоғимизда ҳозиргача "жулдуровки" дейиш ўрнига "шардиқлар" дейилади. Эски-туски ашқол-дашқоллар "шардиқлар" дейилади. Ёки "дармон" деган сўзни олайлик, рус тилида қувват маъносини англатади. Дармон бўлса, ақднинг кераги йўқ. Ўша машхур мақол бизда айнан шу шаклда кўлланади.

Яна битта сўзни яхши эслайман. Бу сўзни бошқа бирор жойда эшитмаганиман, аммо тарихий адабиётларда, чамаси, икки марта учратдим. Бизда ғайри-руслар "сардлар" дейиларди. Чучмеклар, озарлар ёки яна бошқа бирон ном билан аталмас, айнан "сардлар" дейиларди. Бу сўз кулоққа хунук эшитилсада, одамни бирдан хушёр тортириб қўйса-да, қаҳр-ғазабни ифодаламасди. Кейинчалик билишимча, Осиёнинг олд тарафида – дарвозасида яшаган халқ қадим замонларда сардлар дейилган. Ҳатто қадимда ўша номда шаҳар ҳам бўлган экан. Билмадим, эҳтимол, "сардлар" деган атамани Фаргонадан сургун қилинганлар биз томонларга олиб келгандир. Улар ўзларининг келиб чиқишини – шажарасини, худо билади, жуда олис тарихга элтиб боғларди. Чўкаёттган одам хасга ёпишади деганларидек, инсоний қадр-кимматининг далила-исботи сифатида, славянларнинг бегона юртида мусоғир бўласалар ҳам, аслида насл-насаби улуғ элнинг вакиллари эканини гўё писанда этиб қўйишишарди. Балки, ҳамқишлоқларим ўзларига ўхшаган толеи паст, тақдирдош қўшниларини қадимий халқ номи билан аташни маъқул кўргандир? Ўша ном қандайдир илоҳий, сеҳрли маъноларни ҳам ифодалайди. Агар бу атамани ишлатиш ташаббуси ҳамқишлоқларимдан чиқсан бўлса, улар ўша сўзни қаердан топган экан? Ҳар ҳолда, китоблардан қидириб топмаган бўлса керак. Қадим замонларда бўлиб ўтган жанг-жадаллар ирсият-қон хотирасида сақланиб қолган, сўнгра бехос юзага қалқиб чиқсан, шекилли. Яна қайдам.


Набижон БОҚИЙ
таржимаси



1



2



3

Вақт аслида нима? Кечанинг тансик хотирасими? Бугуннинг беадоқ ташвиши? Эртанинг ёргуғ хаёлими? Обдон ўйлаб боқилса, вақт бу – одамлар, бирбирига қўшилиб, чатишиб кетган тақдирлар. Вақт – “тирик” оқим: ажододлар, замондошлар, авлодлар силсиласи...

Портрет жанрида баракали ижод қилаётган рассом Азиза Маматова асарлари ана шундай фикрлар уйготади кишида. Дарвоқе, вақтнинг энг кичик ўлчови – лаҳза, энг катта ўлчови – абадият. Тасвирий санъат негизида эса абадиятни лаҳзага жойлаш ёхуд лаҳзани абадиятга айлантиришдек буюк истак ётади.




1. "Мұхаммад Йосуф"
2. "Адіба Шаҳодат Исахонова"
3. "Бернора Қориевә"
4. "Ұлуг отин момо"
5. "Абадият түлідан"
6. "Автопортрет"
7. "Наргис"
8. "Юнусқожы"

4



6


Lahza va abadiyat



5



7



8

Лев ТОЛСТОЙ

ADABIY TANQID QANDAY BO'LMOG'I KERAK?

(В. фон ПОЛЕНЦНИНГ “Деҳқон”
романига сўзбоши)

Мен дидига ишонадиган бир танишим ўтган йили олмон адаби фон Поленцнинг “Бютнербауэр” деган романини ўқишига берганд эди. Китобни ўқиб чиқдими икки йил бурун нашр этилган шундай асарга негадир деялри ҳеч ким муносабат билдиримаганига ажабланиб қолдим.

Бу ҳозирги вактда “адабий косиб”лар дунёга келтираётган сон-саноқсиз бадиий асарнамо маҳсулотлардан бўлмай, аксинча, ҳақиқий бадиий асардир. У адабий ифода усулини анчайин эгаллаб олган муаллиф избаройи роман ёзгиси келганидан воқеалар ва инсонлар тасвирини бир-бирига сунъий қовуштириб чиқкан саёз асарлар сирасига кирмайди; у ҳозир драма ёхуд роман шаклига солиниб, бадиий асар деб оммага тақдим этиши роса урф бўлган долзарброқ мавзудаги диссертация ҳам эмас; шунингдек, декадент оқимига мансуб ҳисобланган, аслида эса байни телбанинг алаҳлашига ўхшаш, шуниси билан замона ахлига хўб маъқул тушиб, жумбогини ечиш ёқимли машгулотга айланган ва гўёки дид нозиклигидан далолат берувчи ребуснамо асарлар тоифасидан ҳам эмас.

Бу роман боягиларнинг унисига ҳам, бунисига ҳам, учинчи суга ҳам мансуб бўлмаган чинакам бадиий асар; унда муаллиф айтмай туролмаган гапини айтган, чунки у ўзи сўз юритаёттан одамлар ва воқеаларга асло бефарқ эмас, қолаверса, унинг ўй-фирклари мубҳам мухоҳазалару мавхум мажозлар эмас, балки бадиий мазмунни ифодалашнинг ягона воситаси – бадиий образлар ёрдамида гавдаланади; аммо хаёлий, дудмал, бир-бирига ички эҳтиёжсиз bogланган образлар билан эмас, аксинча, айнан ички эҳтиёж туфайли ўзаро чирмашиб кетган жуда оддий, жуда содда одамлар ва воқеалар тасвири орқали ифода топади.

Бу роман чинакам бадиий асаргина бўлиб қолмай, айни чоқида гўзал бадиий асар ҳамдир, зоро, унда асл санъат асари олдига кўйиладиган ҳар учала шарт ҳам юксак бир мақомда тајассум топган.

Биринчидан, бу роман ҳар қандай ижтимоий тузилманинг ўзагини ташкил этган ва ҳозир нафақат Германия, балки Европа-нинг бошқа мамлакатларида ҳам кўп асрлик кўхна тартиботлар

қийинчилик билан ўзгаришини бошдан кечи-раётган аҳолининг асосий қисми – дехқонлар ҳаётига таалуқли экани билан мазмунан аҳамиятлидир. (Шуниси ажойибки, "Бюнгер-бауэр" билан деярли бир вақтда фаранг адиди Рене Базеннинг, гарчи бадий жиҳатдан бир оз заифроқ бўлса-да, худди шу мавзудаги "Ўлаётган ер" деган дурустгина романи ҳам нашрдан чиқди.)

Иккинчидан, роман маҳорат билан жонли немис тилида ёзилган, бу фазилат муаллиф қаҳрамонларни дағал, чапани авом "платдейч"ида (олмон тили лаъжаларидан бири – **таҳририят**) сўзлашга мажбур қилганида айниқса яққол намоён бўлади.

Учинчидан эса, бу роман бутун борлиги или муаллифнинг ўзи тасвирлаган кишиларга муҳаббати билан йўғрилган.

Чунончи, бир бобида ошна-оғайнилари билан кечаси аракқўрлик қилган эрнинг саҳарда уйга қайтиб эшикни тақиллатгани баён қилинади. Хотини деразадан мўралаб, эрининг ахволини кўради ва унга қарғиш ёғдириб, эшикни атай ҳаяллаб очади. Нихоят, эшик очилгач, эр сурдалиб ичкари киради ва катта хонага қараб юради. Хотини унинг йўлига туриб олиб, ҳарчанд ортга итаради – болалар отасини маст ахволда кўрмасин дейди. Эр эшик кесаксига маҳкам ёшишиб, у билан олишади. Аслида мўмин-қобилгина бу одам тўсатдан ғазабга минади (аччики чиқишига сабаб – бир кун аввал хотини унинг чўнтагидан мояна пулинни олиб яшириб кўйган), кутуриб хотинига ташланади, соchlаридан чанглаб тортиб, пулни бер, деб дўй уради.

– Бериб бўлман, бермайман! – деб чинқиради хотин юлқиниб унинг кўлидан қутилишга уринаркан.

Кўзи қонга тўлган эр аёлни дўппослашга тушади.

– Ўлсам ўламан, пулни бермайман! – дейди хотин.

– Бермайсанми ҳали?! – деб эр аёлни ерга йиқитади, ўзи унинг устига кулайди, яна пулни талаб қиласди, жавоб олопломагач, кайфинг зўридан эсини йўқотиб, хотинини бўға бошлайди. Бир маҳал аёлнинг соchlаридан қон сизиб чиқиб, пешонаси ва бурнига оқиб тушаёттанини кўради тоҳтайди, қилимишидан кўркиб кетади ва боёқиши холи кўйиб, чайқала-чайқала тушагига етиб бориб, таппа ташлайди.

Бу – ҳаққоний ва мудҳиш манзара. Аммо муаллиф қаҳрамонларни яхши кўради, яхши кўрганидан кичик бир тафсилотни орага қўшиб ўтади. Бу тафсилот эса бутун манзарани чараклатиб ёритиб юборади, натижада, китобхон бу одамларга наинки ачинади, балки улар кўпол ва шафқатсиз эканига қарамай, ҳатто яхши кўриб қолади. Дўйпосланган хотин ўзига келиб, ўрнидан туради ва бошидаги қон юқини этагига артади, оёқ-кўли бутун эканини кўргач, чинқириб йиглаётган болаларини хонасига олиб кириб овутади. Кейин аланглаб зрини қидиради. Эр жонивор бояги-боягидай ётиби: калласи каравотдан паства осилиб қолганидан юзига қон тепчиб, унниниб кетган. Хотин унинг бошини авайлаб олиб болишига қўяди, ана шундан кейингина кийимини тартиби келтириб, юлинган соchlарини тараиди.

"Сўзбоши"га сўзбоши

Нокамтарник бўлса-да айтай, улуғ Толстойнинг ушбу сўзбоши – мақоласини маржима қилдириб, чоп этишини "Тафаккур" журналига таесия қўлган – камина. Сабаб – XX асрнинг илк санаси, яъни 1910 ўили ёзилган бу мақолада жаҳон адабиёти ва санъати йигирманчи юз ўйллиқда етиб келган мароддан туриб, унинг энг сўнгиги изланишу тажрибаларини ўрганиб, идрок этиб, эндиғи бадиий тафаккур учун ўзига хос тахминлар, гоҳо авлиёнамо башоратлар тақлиф этилганидир.

Ўша кезлар барча соҳаларда глобаллашувнинг илк куртаклари ниш ура бошлаган, сиёсат, иктиносӣ, илм-фандা унга хос белгилар пайдо бўлиб, умумбашарий тамаддун қатори адабиёт ва санъат ҳам ўз янги ўзанларини қидирмоқда эди. Гўёки барча нарса маълум, ҳамма гап айттилган, бу ёғи фақат тақрор ё тақлиддан иборат бўлади, деган тушкун кайфият ҳам қарор топаётган бир замонда Лев Николаевич XX аср санъатига чирок ёқиб, уни ичдан ёритиб шуълалантирмоқка кучли бир эҳтиёж сөзади. Сўзбоши ана шу ёргулук истагида ва умумбашарий муҳаббат иштиёқида ёзилган.

Ўн саҳифалаб мулоҳаза юритсангиз ҳам шу тафсилотдаги ҳолатни тўлиқ ифодалай олмайсиз. Бу лавҳада бояги хотиннинг рафиқалик бурчи ҳақидаги ривоятлар асосида тарбия топгани ҳам бор; у дадил туриб ҳимоя қилган қарор – оила ризқи бўлган пулни бермай, асрар қолганинг тантанаси ҳам бор; калтаклаган эридан ранжишию уни кечириши ҳам, борингки ана, мухаббат деб бўлмаган тақдирда ҳам, меҳрибонлик дейиш мумкинdir – эрига, болаларининг отасига, нисбатан юз-хотир ҳисси ҳам бор. Бироқ шугуна эмас. Бу тафсилот, шу хотин ва шу эрнинг ички ҳаётини ёртиароқ, миллионлаб шундай эр ва шундай хотинларнинг, аввал яшаб ўтганларию ҳозир яшаб ўтэѓтанинг ҳам ички ҳаётини очиб беради; шу туфайли ўқувчидаги мөхнат аброр қилиб ташлаган бу одамларга нисбатан ҳурмат ва мухаббат туйгуси ўйғонигина қолмай, жисмонан ва руҳан кучли, бир-бирига мөхр кўрсатиб, тўй ва осойишта яашашга лойик қишилар нима сабабга кўра ва қайси гуноҳлари учун бу қадар ташландик, хор-зор ва гумроҳ бир ахволга тушиб қолгани ҳақидаги ўйлар ҳам ёпирилиб келади.

Муаллиф ўзи тасвир этаётган инсонларга мөхр-муҳаббат билан ёндашганни туфайли юзага келган ана шундай асл бадий чизгилар романнинг ҳар бир бобида учрайди.

Бу роман, шубҳасиз, гўзал санъат асари, кимкини ўқиб чиқса, буни эътироф этауди. Ваҳоланки, уч ўйл бурун чоп этилган, ўзимизнинг “Вестник Европы”да таржимаси босилган шундай асарни Россияядаги ҳам, Германияда ҳам бирор билиб, бирор билмай

қолмоқда. Мен кейинги вақтда олмон адабиётининг ўзим учрашган бир неча вакилидан шу роман ҳақида сўраб-суршиштирдим, улар Поленц деган ёзувчининг номини эшитган-у, романларини ўқимаган бўлиб чиқди. Ҳолбуки, барчаси сўнгти йилларда чоп этилган Золя романларини, Киплинг ҳикояларини, Ибсен драмаларини, д’Анунцио ва ҳатто Метерлинк асарларини ўқиган кишилар эди.

Бундан йигирма йиллар аввал Мэтю Арнольд адабий танқиднинг вазифаси тўғрисида ажойиб бир мақола ёзгани эсимида. Унингча, танқиднинг вазифаси – қаерда, қаочон, нима мавзууда асар чиқкан бўлса, улар орасидан энг муҳим, энг яхшиларини саралаш, шу асарларга китобхон диккатини тортишдир.

Бундай танқид одамлар газета, журнал, китобларга кўмиб ташланган, реклама дегани роса авж олган ҳозирги замонда, менимча, зарургида эмас, ҳатто Европадаги маърифатли табаканинг бутун истиқболи айнан шундай танқид пайдо бўлиши ва эътибор қозонишига боғлиқидир.

Ҳар қандай нарсанинг керагидан ортиғи зиён келтиради; мақсад эмас, восита саналадиган нарсаларнинг – агар одамлар уларни восита эмас, мақсад деб фахмлай бошлиласлар – керагидан ортиқчаси айниқса зарарли.

От-арава ҳаракатланиш воситаси, кийимчекак ва ўй-жой иссиқ ё совуқдан пана қилиш воситаси, озиқ-овқат эса тана қувватини сақлаб туриш воситаси сифатида ниҳоятда фидодали. Аммо одамлар бундай воситаларга эга бўлишини мақсад қилиб олса – беҳисоб от-арава, дангиллами ўй-жой, анвойи кийимчекак ва озиқ-овқатни афзал кўриб, шунга ин-

Толстой даҳоси бутун одамзотга тааллукли ҳодиса сифатида биргина жумлада тугал тажассум топади – инсоннинг инсонга мухаббати. У ўзигача ҳеч ким яратолмаган шунчалар чўнг, шунчалар кенг, шунчалар ҳайбатли дунёсю мероси, гояят маҳбобатли сурату сийрати билан шу ягона жумлага жо бўлади. Жумлаки, жоҳилнинг тилида – бир ҳовуч тоевушлар ўйгинидиси, оқилнинг назидида – ҳилм ва амал, Толстой лафзида эса – имон, маслак, эътиқод; сакон иккى ўйллик умр бўйи тиним билмаган заҳматкаш тафаккурнинг бадиий-фалсафиий, ижтимоий-сиёсий таҳлиллари, хуносалари – мева-маҳсуллари.

Толстой учун, ўта мураккаб, ўта зиддииятли, ўта шубҳаланувчан бу шахс учун факат иккى мезон бор эди – мухаббат ва нафрат. Ё сўйиш – ё нафратланиш, ё тасдиқлаш – ё рад этиш. Ҳа, у ҳеч қандай компромизм, либерализм, муросасозлини билмаган, тан олмаган. Унинг инсоният тарихидаги энг ёргу сиймолардан экани ҳам эҳтимол шундандир. Яни – ораликни танламагани, билмагани, билса-да, муроса қилмагани... Шу боис унга таъна қилгувчилар сероб, аламзадалар ҳам бисёр эди. Ҳамто подишу чёрков ҳам ундан норози эди. Аммо Толстой шахси, тафаккури, даҳоси олдида, унинг оламишумут шону шавкати қаршисида бу аламлар зардоб бўлиб ичда қолаөверган. Ахир, бутун дунё, бутун одамзот Толстой билан ҳисоблашарди! Мана, орадан роп-

тилса, бу ашёлар бефойдагина эмас, заарлы матаоға ҳам айланади. Худди шунқақ ҳол китоб нашр этиш соҳасида Европа жамиятининг анчагина қисми орасида ҳам юз берди. Китоб нашри, шубхасиз, халкнинг асосий авом қисми учун фойдали; ўзига тўқ қишилар орасида эса у маърифат эмас, жаҳолат тарқатишнинг бош қуроли бўлиб қолди.

Буни исботлашдан осони йўқ. Китоб, журнал, газета дегани ҳозирги даврда улкан даромад манбаига айланган – истеъмолчи сони қанча кўп бўлса, уларнинг бозори шунча қизииди. Кўп сонли истеъмолчининг талаб ва диди эса ҳамиша паст, дағал бўлади. Бундай ҳолда матбаба нашринг мувваффақият қозониши учун асар ана шу кўп сонли истеъмолчи талаби ва дидига мувофиқ, яъни дағал ва ҳашаки бўлиши керак. Матбуот эса бу эҳтиёжни ортиги билан қондириб келяпти, чунки бу соҳа ходимлари орасида ҳам дидсиз, ҳашаки қишилар, худди омма орасида бўлгланинг нозиктаъб, закий қишиларга қараганда кўп. Китоб, журнал ва газета чоп этиши ҳамда уларни сотиши усуслари кучайиб бориши билан авом омманинг талабига мос асарлар етказиб бергани учун бу қишиларнинг даромади ҳам ортиб боради ва аалоқибат, нашрларнинг бениҳоя мудхиши, урчуб, кўпайтиб борадиган тошкуни юз беради; мазмунининг зараридан ташқари, миқдорининг беҳад кўплиги сабаблийёқ бу асл маърифат йўлига ўтиб бўлмас ғов ясади-кўяди.

Ҳозирги замонда халқдан чиқсан ва маърифатли бўлишни ният этган бирор йигитга барча китоб, газета ва журнallар орасидан ўзи истаганини танлаб ўқиш имкони берилсаю

у бирон ўн йил давомида ҳар куни мутолаа қўлса, муҳаққақи, энг бемаъни, энг ахлоқсиз китобларни ўқиган бўлардя. Яхши китобга дуч келиш бир қоп сомон ичидан ингани қидириб топтишдан ҳам қийин. Чатоги шундаки, бўлмагур нарсаларни ўқигани сари ўша йигитнинг тушунчаси ҳам айниб, диди ўтмаслашиб бораверади; алал-оқибат бирон яхши нарса-ни ўқиса, уни ё мутлақо тушунмайдиган, ёки нотугри тушунчадиган бўлиб қолади.

Бундан ташқари, тасодифи ҳеки рекламанинг устакорлиги боисми, Гелкеннинг бир миллион нусхада сотилган "Насоро киши" деган мазмунан соҳта, бадииятдан йироқ романига ушаш бўлмагур асарлар, худди "Одоль" атири ёки Пирс совуни (XIX аср охири – XX аср бошларидаги кенг тарқалган гигиена воситалари – таҳририят) сингари, машхур бўлиб кетади. Айни шу довруги сабаб, одамлар уларни қидириб топиб ўқиуди ва бу хом, аксар заарларни китобларнинг шуҳрати гўё қор кўчкиси каби каттайдандан каттайиб боради ва бениҳоя кўп қишиларнинг калласида ҳам, шу қор кўчкиси мисол, тушунчаларнинг тобора улканлашадиган чигалини пайдо қилиб, пировардида адабий асарларнинг асл қийматини англамасликка олиб келади. Бинобарин, газета, журнал ва китоблар, умуман, матбаба нашрлари қанча кўп чоп этиб тарқатилса, уларнинг фазилати шунча пасая боради ҳамда ўқимишли деб қараладиган тоифанинг аксарияти ўта расво, аммо кибор ва шуниси билан ҳам тубсиз жаҳолат ботқоғига бота боради.

Шу асно кўз ўнгимда кейинги эллик йил ичida ўқимишли омманинг нозик диди ва

па-роса юз йил ўтибдики, ҳамон шундай бўлиб келяпти. Ўтган асрда ҳам Толстой қарашларини қабул қўлолмаган ва у билан бахса киришган улуг зотлар кўп бўлган. Аммо ҳеч бури у билан ҳисоблашмасликни хаёлига келтирмаган. Зеро, Толстой ҳар қачон соидил ва жасур, ўз ҳақиқати билан ўқувчини рон этади, тафаккур мантиғи билан ортидан эргаштиради, гоя-қарашларини асослаш учун таъкидлаган мәълумотлари билан ҳайратга солади. Бандасининг тафаккурига шунча билим, мәълумот сигиши мумкини дея ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Ўқимаган, билмаган нарсаси бормикан бу чонлинг деб қоласиз. Ёши етмиш учга бориб, бутун дунёга довруқ таратиб турган қария шон-шуҳрати тафтига исиниб, давру даврон суруб ётиш ўрнига Ясная Полянага – номига келаётган қоп-қоп ҳам, уком-уком газета-журналу китобларни бирма-бир кўздан ўтказиб, мук тушиб олиб ўқиб, ҳар бирига эринимай жаоб ёзиб, дунёдаги катта-кичик ҳодисаларга эҳтиросли муносабат билдириб мурожаатлар билан чиққанига ажабланмай бўладими, ахир!?

Мана, инсон руҳи, тафаккури, идрокининг завзи, жасорати ва кудрати!..

Ҳаяжонга тўла ушбу битигимизга сабаб ҳам худди шу – адабиёт муҳлисларига кўпда маълум бўлмаган, бир чеккада қолиб кетган немис адаби В. фон Поленцининг "Бютнербауэр" ("Дехқон") романига буюк Толстой ёзган салмоқлигини сўзбоши.

соғлом фикрида айниш рўй берди. Бу таназзулни адабиётнинг барча соҳаларида кузатса бўлади, аммо мен бу ўринда энг яққол ва энг яқин мисолларнигида кептириб ўтаман. Рус шеъриятида Пушкин ва Лермонтовдан кейин (Тючевни кўпинча фаромуш эта-миз) шоирлик шуҳрати Майков, Полонский, Фет сингари бирмунча шубҳали нозимларга кўчди, улардан кейин шеърий истеъдоддан буткул маҳрум бўлган Некрасовга, ундан ҳам эса кучаниб ёзадиган, шеъридан наср ҳиди анқийдиган Алексей Толстойга, сўнгра бир қолипдаги, заифигина шоир Надсонга, ундан эса мутлақо истеъдодсиз Апухтинга ўтди, бундан нарисига ҳамма нарса айқаш-үйқаш бўлиб кетиб, шеърият нимаю ёзгани нима ва қай сабабдан ёзётганини билмайдиган сонсаноги йўқ бир тоифа пайдо бўлди.

Янада яққолроп мисолни инглиз носирларидан келтириш мумкин. Улуғ Диккенсдан Жорж Элиотга қараб эниш то Теккерейга қадар давом этди. Теккерейдан эса Тролопга томон пасайиб борди-да, ахийри Киплинг, Голкен, Ройдер Ҳагарт ва ҳоказоларнинг кўлбала битикларигча тушди. Бу ҳоғ Америка адабиёттида янада очиқроқ кўринаиди: Эмерсон, Торо, Лойель, Уиттер ва бошқаларнинг нурафшон даврасидан сўнг дафъатан узилиш рўй бериб, ҳикоя ва романларнинг гаройиб расмлар билан безатилган ялтироқ нашрлари пайдо бўлди, аммо таассуфки, ҳеч қандай мазмун йўқлигидан уларни асти ўқиб бўлмайди.

Ҳозирга келип ўқимишли омманинг жоҳиллиги шу даражага бориб етдики, энг қадимги замонлардан то XIX асрга қадар яшаб ўтган улуғ мутафаккирлар, шоири ёзувчilar

ёппасига қолок, янги авлодларнинг юксак ва нозик талабларига жавоб бера олмайди, деб ҳисобланга бошлади. Уларнинг ҳаммасига масҳараомуз, ачинганнамо кулимсираш билан қаралмоқда. Ницшенинг ахлоқсиз, кўпол, тумтароқ, мумжал вайсашлари эса замонавий фалсафанинг энг сўнгги сўзи деб; декадент шоирлар вазн ва қоғия ёрдамида бир-бираша ёпиширган сўзларнинг маъносиз, зўраки йиғмаси эса шеъриятнинг юксак намунаси деб овоза этиляпти; барча театрларда маъноси ҳеч кимга, жумладан, муаллифнинг ўзига ҳам мальум бўлмаган пъесалар кўйилмоқда, мазмуни бир мирилик, бадииятдан бир тош йироқ романлар бадиий асар тамғаси билан миллионлаб нусхада тарқатилаётir.

“Хўш, мен нима қилай, савиамни қандай қилиб оширай?” деб сўраши мумкин олий мактабни хатм қилган йигит ёки қиз.

Худди шу савонли оддий халқдан чиқкан, ўқишига озми-кўпуми ҳафсалга орттириб, чинакам маърифатга интилаётган ҳар бир киши бериши мумкин.

Бундай савонларга жавоб бериш учун машҳур кишилар орасида “Сизга энг маъқул бўлган юзта китобни санаб кўрсатинг”, қабилида аноиий сўровнома ўтказишнинг фойдаси йўқ.

Бундай савонларга Европа жамиятида аввалдан мавжуд бўлган, барча лом-мим демай қабул килган бир таомил: ёзувчиларни тоифаларга ажратиб, биринчи, иккинчи, учинчи ва ҳоказо навларга бўлиш, улуғ, зўр истеъодли, қобилиятили ва шунчаки яхши ёзувчи, дея сифатлаш орқали ҳам жавоб бериб бўлмайди. Бундай табақалаштириш сўз

Мазкур “Сўзэбоши” даҳо адабининг кўпдан-кўп улуг’вор фазилатлари қатори нечогиу жонсарак, синчков, нуктадон, ҳозиржавоб бўлганини ҳам тасдиқлайди. Энг оддий ашёларда, ҳаётий лавҳаларда, ҳамто тубан, мудҳиш манзараларда ҳам гўзалликни кашф этиб, унинг жозиба моҳиятини очиб берниши билан янада фазилатли кўринаиди у. Айни чоқда, Толстойнинг шу биргина асар баҳонасида бутун дунё ижтимоий ва эстетик жараёнларидаги маргуб ва номаргуб жиҳатларга, айниқса, адабиёт соҳасидаги носолом кайфият, оқум ва оғишларга қатъий муносабатини ҳам кузатамизики, бу, шубҳасиз, қўлига қалам тутганинг ижодкор учун ибрат, керак бўлса, таассусб намунасиидир.

Дарвоқе, буюк зотларнинг диди ва талаби ҳам фавқулодда юксак бўладики, бунга алоҳида исбот-далил шарт эмас. Толстойнинг ўзига замондош бўлган бაззи рус шоирлари, масалан, Н.Некрасов ҳамда А.Фет истеъоддига шубҳа билан бокқанини ана шу билан изоҳлаш зарур. Ваҳоланки, бутун рус ҳасратини ўзиники деб билган Некрасов, Тючевдан кам салоҳиятли бўлмаган Фет бундан юқоририк баҳога лойикдир.

Улуғ адабининг ўз даври зукко мунаққиди Мэтью Арнольд мақоласидан сўз очиб, адабий танқиднинг мақсади ва вазифалари ҳақида билдирган мулҳозазалари бизнинг буғунги адабий

санъатининг ҳақиқий қийматини аниқлашга, оламжоҳон бўлмагур китоблар орасидан бирон яхши асарни ажратиб олишига ёрдам эмас, аксинча, халақит беради. Бундай табакалаштиришнинг ўзи аксар ҳолларда янгишлигини, азбаройи бир маҳаллар амалга оширилгани ва ҳамма қабул қилгани учунгина сақланиб қолаётганини айтмасак ҳам, бошқа бир ишкан тарафи бор: биринчи нав ёзувчиларнинг асарлари орасида жуда бўлмагурлари ва, аксинча, охирги тоифага мансуб адиларнинг асарлари орасида қойилмаомлари ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Шундай экан, ёзувчиларнинг тоифаларга бўйинишини тўғри деб қабул қилган одам биринчи тоифа адиларнинг ҳамма ёзгани ажойиб-у, даражаси пастро-йинки ҳали танилмаган ижодкорларнинг ёзганлари эса буткул бемаза бўлади, деган ақида билан кўпдан-кўп фойдали, асл маърифий асарлардан бебахра қолади.

Илмталаб бўлган юқори табақага мансуб бирор ўсмир ёки халқдан чиқсан бирор кишининг бугунги кундаги энг муҳим саволига фақат ҳақиқий танқид жавоб бера олиши мумкин. Аммо ҳозир амалда бўлган – ўз олдига машҳур асарларни улуғлашни мақсад қилиб кўйган ва шу асарларни оқлаш учун мұжмал фалсафий-эстетик назарияларни ўйлаб топиш билан андармон, бўшрок ёки бошқа оқимга мансуб асарлар устидан кулишга йўналтирилган ва бизда илгари ҳам бор бўлиб, ҳозир айниқса авж олган, бир неча адид тасвирлаган типларга қараб бутун жамиятнинг тараққиёт йўналишини белгилашга уринадиган ҳамда адабий асарлар баҳонасида ўз иқтисодий ва

сиёсий қарашларини изҳор қилишни касб этиб олган танқид бунга жавоб бера олмайди.

Ёзилган барча асарлар орасидан қайслиарини ўқиса бўлади, деган ниҳоятда муҳим саволга фақат ҳақиқий танқид, Мэтью Арнольд айтганидек, аввалиги ва ҳозирги адиларнинг асарлари ичидан одамларга энг яхшиларни кўрсатиш ва тарғиб этишини ўз олдига мақсад қилиб кўйган танқидгина жавоб бера олиши мумкин.

Ана шундай холис, ҳеч бир фирмага мансуб бўлмаган, санъатни тушунадиган ва севадиган танқид майдонга келиш-келмаслиги, обрў-этибор қозониб, манфаатдор рекламадан ҳам нуфузлироқ бўлиш-бўлмаслигига қараб, назаримда, ўқимишли саналадиган Европа жамиятида маърифатнинг сўнгиги шульлари ҳалқ ичига этиб бормасдан сўниши, ёки аксинча, ўрта асрлардаги каби яна жилва қилиб, бугун маърифат зиёсидан бебахра ҳалқнинг аксарият қисми шуурини ёритиши ҳал бўлади.

Афкори омма орасида Поленцнинг ажойиб романи деярли номаъумлигича қолиб келаётгани ва бундай яхши асарлар матбаа ахлатлари денгизига ном-нишонсиз чўкиб кетаётгани ҳолда, маъноси ғарип, бетайн ва ҳатто тубан адабий асарлар ҳар мақомда мухокама қилинин, астойдил мақталаётгани ҳамда миллионлаб нусхада тарқаллаётгани менда ушбу фикрларни кўзгади; шундай имконият яна бўладими-йўқми, буни билмаганим сабаб, фурсатдан фойдаланиб, уларни қисқача баён қилишга жазм этдим.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
таржимаси


жараёнга ҳам бевосита тааллуқли, ниҳоятда зарур ва фойдалиdir. Устоз Асқад Мухтор XX аср поёнида ёзилган "Тундапликтар"ида шундай хавотирли фикрни кейд этади: "Ўтган рус ҳамда Farb адабиёти ва санъатида ҳамма асарлар бир турда анъанавий инсоний эди: Пушкин, Тургенеев, Бальзак, Флобер, Бах, Чайковский, Достоевский, Толстой, Рембранд, Репин, Жек Лондон, Гончаров, Марк Твен, Чехов... Эндишликда ўша буюк асосий Санъат парчапарча бўлиб бўйиниб кетди: авангардизм, футуризм, символизм, декадентлик, модернизм, сюрреализм, акмеизм, имажинизм, иррационализм, абсурдизм, ультраизм, фрейдизм, кубизм, экспрессионизм, абстракционизм... Кўйинг-чи, ҳамма "изм"лар бор, фақат гуманизм голиб чиқса бас... Шундай бораверса, у бутунлай тугаф кетса эҳтимол..."

Асқад домланинг бу фикрлари Лев Толстой XX аср бошида бежиз ташвишга тушмадани, унинг хуласалари эса айни башорат эканига яна бир далилдир. Истиқлол йилларида форигланиб, янгиланиш ўйлига кирган миллий адабиётимиз ва санъатимиз амалиётчилари ҳам, назариётчилари ҳам бундан зарур сабоқ чиқариб олмоги лозим.

Ана шу андишалар "Сўзбоши"ни кичик "сўзбоши" билан ҳукмингизга ҳавола этмоққа унадади.

Шухрат РИЗО

Мұхаммад АЗИМОВ



JABRDIYDA OBIDALAR

Хатто жазога тортилди. Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг чегарага яқын жойлашгани рўйкач килиниб ёпиб қўйилгани, имом Абу Исо Термизий мақбарасининг харобага айланашган бунинг яқъол исботидир. Энг ёмони, асрлар бўронига дош бериб келган кўп тарихий обидалар бузиб, йўқ қилиб юборилди. Ваҳоланки, мазкур ёдгорликлар кўриниши, қурилиш услуби, аҳамияти жиҳатидан бетакорро эди. Афсуски, бу йўқотишлар ўрнини энди ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайди.

Бундай жабрдийда обидалардан бири – Термиз минораси ҳозирги Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг шимоли-шарқ томонида бўлиб, Газнавийлар даврида, аникроғи, Султон Масъуд ибн Маҳмуд Газнавий замонида 1035 йил барпо этилган. Бу пурвиқор ишоот салобати билан ажralиб турган. Унинг деворларида, 3,5-4 метр оралиғида, уч қатор куфий хатлар туширилган нақшлари бўлган. Минора ёнида масжид қад тиклаган. 1879 йили эски Термизга келган Самара илмий экспедицияси аъзолари ҳисоботида бу минора хусусида “Қалъадан икки чакирим шарқ томонда катта гиштин минора бор... Масжид минораси”, деб ёзилган. 1884 йил бу ерга келган топограф Петров эса ҳисоботларида “Айниқса баланд

Кўхна заминимизнинг тарихий обидаларга бой Сурхон воҳасидаги ёдгорликларниң бир қисми тепаликлар ва улкан иморат қолдиқлари, бир қисми эса ҳашаматли, маҳбобатли иншоотлар сифатида сақланиб қолган. Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат, Кокилдор ота, Қирққиз обидалари; Саид Оталик мадрасаси, имом Абу Исо Термизий мақбараси, Сўфи Оллоёр масжиди ана шундай табаррунк қадамжолардир. Бу тарихий обидаларнинг аксарияти мустақиллик шарофати билан қайта тикланаб таъмирландиди, бугун уларнинг гўзаллиги, ҳашамати кишини ҳайратга солади, қалбда ифтихор уйғотади.

Афсуски, чор Русияси ва шўролар салтанати ҳукмронлиги даврида ота-бобларимиз асрлар давомида асрар-авайлаб келган бу обидалар динга этихром уйғутувчи, диний расм-руссумлар ижро этилувчи “зарарли жойлар” дея қоралаб келинди. Бундай жойларга борувчилар таъқиб остига олинди,

минора яхши сақланган. Унинг баландлиги 10 саржин келади, пишиқ гиштдан тикланган бўлиб, ўртасида зинапоялар билан юқорига чикувчи йўл ҳам бор" деб қайд этилган.

Бироқ эътиборсизлик натижасида минора тез бузила бошлаган. "Биз билан келган аравакаш минора тепасига чиқиб, пастга бир гишт ташлади, – дейди ўша даврда Эски Термизга келган рус профессори Б.Денике "Культура Востока" сарлавҳаси билан "Сборник музея Восточных культур" мажмусасида 1927 йил босилган мақоласида. – Ундан нега бундай қылганини сўраганимда, бу ерга келган ҳар бир зиёратчи шундай қиласди, деди. Шунда миноранинг тез ёмирилаётгани сабабини англадим".

Ушбу минора, айниқса, Термиз шахридаги Наримонов кўчасида жойлашган армия қисмининг 1919 йилги тўлдан ўқ отиш машҳлари чоғида қаттиқ зарарланган. Бир снаряд миноранинг тепа қисмидан бир метрдан кўпроғини ўтириб кетган. Бу ўқ отиш машқидан Амударё гуруҳидаги бошқа иншотларга ҳам кўп зарар етган. Шу тариқа минора бузилиб, гиштлари ташиб кетилган. XX асрнинг 30-йилларига етмәёк минг йил қад кериб турган ёдгорлик йўқ қилинган.

Таассуфлар бўлсинки, эски Термиз ва унга яқин жойлардаги тарихий биноларни бузиб, гиштини талон-тарож қилиш ўша даврларда одат тусига кирган. Масалан, 1904 йил Афғон мозорининг уч қаватли биноси бузилиб, гиштлари ташиб кетилади. Ваҳоланки, бундай кўп қаватли бино ва унинг ўзига хос меъморчилиги Марказий Осиёнинг бошқа бирор ерида учрамайди.

1906 йили Эски Термизга келиб, Султон Саодат ва Қирқиз ёдгорликлари қатори Афғон мозорини ҳам кўздан кечирган Г.Рожевский "Жанубий ва Ўрта Бухорога 1906 йилги сафар" деб номланган мақоласида "Унинг (Афғон мозори биносининг – М.А.) гиштлари ўз шакли ва сифати жиҳатидан ҳозиргилардан устун турди, шу боис улар рус аҳолисига талон-тарож ашёси бўлганини тасаввур қилиши осон. Бир жойда менга гишт ўюмини кўрсатишди, бу икки йил аввал ҳам Афғон мозорида қад ростлаб турган бинонинг қолдиги эди" деб ёзди.

Термиздаги Султон Саодат тарихий обидаси ёнида муҳташам хонақоҳ ва давро-

захона XIX аср охирида бу ерга келган рус рассом ва фотограф-сайёҳлари, жумладан, Н.Каразин, Б.Кастальскийлар олган фотосуратларда акс этган. Аммо бу гўзал тарихий обидалар ҳам Шеробод табиий кўргони устидаги Шеробод бегининг истеҳком-ҳовлиси, Дарбанддаги муҳташам работ сингари бузид юборилди. Масалан, Султон Саодат мажмусининг бир қисми бўлган ва қиёфаси фақат суратлардагина сақланиб қолган хонақоҳ ва дарвозахона шўролар салтанати даврида вайрон этилиб, гиштлари ташиб кетилди. Ўша вақтда тарихчи ва ташкилотчи, жонкуяр инсон Г.Парфёнов "Ўзкомстарис"нинг Термиз округи вакили эди. У бир йигилишдаги маърузасида тарихий ёдгорликларга бундай лоқайд муносабат оқибатлари ҳақида кўйиниб гапирган: "Термиз район "Агролес" и (Аграр-ўрмончилик идораси – М.А.) Султон Саодат ёдгорлигини бутун ҳолида ташкилотларга шартнома бўйича хомашё сифатида сотган. Бундай ўзбошимча хатти-ҳаракатни таъқиқлаш юзасидан гап-сўз бўлаётган бир вақтда ёдгорликнинг хонақоҳи ва дарвозахонасини бузиши бошланиб, гиштлари ташиб кетилган". (Стенографик ҳисобот. 27.06.1935 й. 13-бет).

Хуллас, шўролар салатанати даврида тарихий обидаларни ўрганиш, уларни тъзмирлаш борасида хўжакўрсинга айrim ишлар қилингани билан аслида қадимги ёдгорликларга кўп зарар етказилди. Тутанхамоннини сингари хаэзина, топпилдиклар чиқиб қолишидан умидвор бўлиб, қадимий қабрларни очиб кўришгача борилди. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бибиҳоним қабрлари очиб кўрилганни бунга далил. Худди шундай Ҳаким ат-Термизийнинг машҳур тош сағанаси элдан яширинча очиб кўрилган ва бу жараёнда кўндалангига синганки, укувсизлик билан сувалган дарз ўрни ҳозир ҳам яққол билиниб туради.

Биз сабиқ мустамлака ва мустабид тузумлар даврида жабр кўрган, завол топган меъморий обидалар ҳақида биргина Сурхон воҳаси мисолида фикр юритдик, холос. Ваҳоланки, Термиз мозораси, Султон Саодат мажмусаси каби бузилиб, йўқ бўлиб кетган маданий ёдгорликлар юртимизнинг ҳар бир вилоятида топилади. Бизнинг ўтмиш ва келажак олдидағи бурчимиз шуни тақозо этадики, бундай обидалар ҳеч бўлмаса макетлар шаклида қайта тикланиб, музейлардан жой олмоги лозим.

Пұлат ЗОХИДОВ, Дамин ЖУМАҚҰЛ

SEMIRAMIDA – SHOMURAMAT IZIDAN



Афсона замирида афсундек сир бўлади...

Қадимий дунё тарихини оз бўлса-да билган одам мезъорий "Етти мўъжиза" таъри fidan ҳам хабардор, албатта. Оссурия подшохи – малика Семирамида (милоддан аввалги VIII аср) барпо эттирган "осма боғлар" ана шу мўъжизалардандири. У ҳақда бизгача ҳам кўп ҳайратомуз гаплар айтилган.

"Осма боғлар" ҳақида "Кирил ва Мефодий" қомусида Геродотнинг Бобилга берган таърифига таянилган ҳолда куйидагича ёзилади: "Бутун Осиёни забт этган Оссурия маликаси Шомурамат (юончча талаффузда – Семирамида) барпо эттирган "осма боғлар"

Геродот давридаёқ башарият тарихига битилган эди. Боғ тўрт қаватли кенг-мўл миноралар узра жойлаштирилган. Миноралар саҳни тош плиталардан тикланган ва устига қамиш тўшалган, ундан сўнг асфальт ётқизилиб зичланган. Кейин пастки қаватларга сув тўказмайдиган қилиб гипс ва кўрошин билан қотирилган икки қатор фишт терилган. Ана шу қаватлар ораси баланд бўйли дараҳтларни ҳам бемалол парваришиласа бўладиган қилиб унумдор тупрок билан тўлдирилган. Қаватларга кўтарилиш учун кенг наровонлар ва уларга тулаш пушти ва оқ рангли мармар зиналар ясалган. Ҳар куни минглаб кўуллар паст-

Архитектура доктори мархум Пўлат Зоҳидов ҳақиқий миллатпарев олим эди. У киши ҳаётигининг сўнгги йилларида оғир дардга чалинганига қарамай фаол иммий изланишлардан тўхтамади. Шу даердаги тадқиқотларидан бир қисмини турли науцларда эълон этишига ҳам улгурди. Бироқ домладан якунига етмаган кўллаб кўлёэмалар ҳам қолганки, ўигиб тартибига солинса, кам-кўсту тўлдирилса, бир неча жилд китоб бўлгудек салмоги бор.

Пўлат Зоҳидовнинг ижод столида қолган "Семирамида – Шомурамат изидан" мақоласида дунёнинг етти мўъжизасидан бири – Оссуриянинг афсонавий "осма боғлар"и миллатимизнинг қадим тарихи билан боғлаб тадқиқ этилган. Таассуфки, кексалик ва хасталик боис муаллиф шундай эзгу ишни якунлай олмади.

Миллатимиз тарихининг яна бир шонли нуқтаси қаламга олинган ушбу мақолани укувчиларга ётказсак, домланинг руҳини шод этсак, деган умидда тугаллаб, у кишига ҳаммуаллиф бўлишига журъят қилдик.

дан тепага сув ташиган ва энг юқори қаватда тўпланган сув куйига эгатлар бўйлаб таралган. Кўшни Мидиядан келтирилган сўлим дараҳтлар сояси, тепадан пастга жилдираб оқаётган сув салқини ҳақиқий мўъжизанинг ўзи бўлган. Иншоотнинг асоси бетон устунлардан ташкил топган.

Бобил ва Осиёни забт этган Александр Македонский айни шу боғнинг пастки қаватидаги муҳташам залда вафот этган. Бобил харобага айланганидан сўнг (Македонский авлодлари улуг аждодидан кейин бу юртга қайтиб келмаган) сув тошқинлари кошонани емириб юборган, муттасил сув тегиб тургани учун тобида пишишилмаган, яхши қўйдиримаган гиштлар эриб кетган, айвонлар нураган, бино асосини тутиб турган бетон устунлар йиқилиб тушган".

Семирамида богини милоддан аввалги 605-562 йилларда яшаган Бобил ҳукмдори Навуходоносор Иккинчи севимли рафиқаси – Мидия маликаси Амитис талаби билан вайрон қўлган. Бунинг боиси шуки, Оссурия Бобил ва Мидиянинг азалий душмани бўлган. Бу икки давлат алал-оқибат кудандачилик асосида кучларини бирлаштириб Оссурияни буткул мағлуб этган.

Семирамида қайси миллатга мансуб, унинг асл ватани қай ўлка, нима мақсадда бу bogни барпо эттирган? Ушбу саволларга жавоб қидириб тарих саҳифаларини қанча кўп титкилассангиз, шунча кўп чалкаш маълумотларга дуч келасиз.

Археолог-олиммлар кўп йиллар давомида "осма боғлар"ни қадимий афсоналар қатидаги поэтик тўқума ҳисоблаб келган. Бинобарин, дунёда бир-биридан гўзал афсоналар бисёр. Лекин илмда мифларга эмас, аниқ манбаларга таянилади. Немис олими Роберт Колъдеев афсона деб баҳолаб келинган ана шу тарихни ҳақиқатта айлантириди. У 1898 йилда олиб борган қазишиша ишлари чогида бу беқиёс боғнинг ўрнини аниқлади. "Осма боғлар" Багдоддан 90 километр узоқлиқда барпо этилган экан. Семирамида ҳақидаги ҳайратомуз бу хабар олимлар ўртасида жуда кўп баҳсу мунозараларга сабаб бўлди. Баъзи соҳа мутахассислари ўта иссиқ иқлимли, сувдан йироқ Бобилда

бундай боф бўлиши мумкин эмас, дея эътироz билдиришди. Аммо боғнинг қолдиқлари унинг қадимда мавжуд бўлганини исботлаб турган эди.

Шу тариқа "осма боғлар"нинг тарихий ҳақиқат экани аниқланди-ю, бироқ унинг бунёдкори тўғрисидаги асарлар ҳамон афсонаю ривоятларга асосланмоқда.

Геродот "Тарих" асарида Семирамида – Шомураматнинг номини икки бор тилга олган. Бир ўринда унинг Оссурия подшоҳи бўлганини айтган бўлса, бошқа ўринда Бобилнинг "Семирамида" деган дарвозаси борлигини айтган (Геродот. История. Л., "Наука", 1972, стр. 69-185). "Тарих" отасининг Шомурамат ҳақида берган маълумоти – шу.

"Малика Семирамида ҳақида афсона" да бундай ёзилади: "Бу афсона бизга милоддан аввали I асрда яшаган юнон тарихчisi Сицилиялик Диадор орқали етиб келган. Семирамиданинг миф қобигига ўралган тарихий сиймоси милоддан аввали V асрда Артаксеркс Иккинчининг саройида табиблик қўлган Книдлик Ктесийдан бошланган. Ктесий ва Берос Бобилнинг "осма боғлар"идан хабар топган. Юнон олимлари бу афсонани яратишида Мидия манбаларига таянган.

Қадим-қадимда Суриянинг Асқалон деган шаҳри бор эди. Шаҳар бикинидаги чукур кўлда аёл бошли балиқ – маъбуда Деркето яшарди. Илоҳа Афродита нимагадир ундан дарғазаб бўлиб, бир йигит билан қовушишга мажбур этади. Ана шундан кейин Деркето қиз тугади. Бироқ у мажбурий никоҳдан нафрлатланиб йигитни ўлдиради. Қақалоқни ҳам нобуд қилиш ниятида кимсасиз тошлоққа ташлаб келиб, ўзи кўлга яшириниб олади. Қақалоқнинг жонига канттарлар ора киради: қанотлари билан иситади, тумшуғида сут беради, кизча бир оз катта бўлгач, унга пишлок ташиб кела бошлайди. Пишлоғини канттарлар чўқиб кетаётганини сезиб қолган чўпонлар улар ортидан пойлаб бориб ёқимтой бир қизчани топиб олади. Қизалоқни подшоҳ чўпонни Симмасга олиб келиб топширишиади. Симмас уни ўз қизидек тарбия қиласди. Сурияниклар қизалоқни Шомурамат деб аташади, бу сўз "кантарча" деган маънони билдиради. Асранди қиз кундан

кун улғайиб ҳусну таровати ортиб боради. У балогатта етиб, тенгсиз чирои билан барчани ҳайратга солади.

Оссурия подшохи Ниннинг бош маслаҳатчиси Оннес шу яқиндан ўтәтиб қызни күриб қолади күнгил күйиб, Симмасдан Шомураматнинг кўлини сўрайди. Турмушга чиққандан сўнг Шомурамат икки нафар ўғил фарзанд тугади. У гўзаллиги, мафтункорлиги, тадбиркорлиги, эпчиллиги, довюраклиги ва яна бир қанча фазилати билан Оннеснинг юрагини батамом ишғол қиласди. Оннес ёш хотинидан бир зум ҳам айрилгиси келмасди, шу боис уни Ниннинг ўзи бошқараётган жангта ҳам олиб боради. Оддий аскар кийимини кийиб олган Семирамида душман қальасидаги ҳарбий истеҳкомни эгаллаб олишда эрига ёрдам бериб, ғалаба қозонилганини тут кўтариб Нинг маълум қиласди. Бу аёлнинг жасоратига қойил қолган шох уни ўз ҳарамига олишини истаб қолади. Оннесга, агар Семирамидадан воз кечсанг, қизим Сосани никоҳингта топшираман, дейди. Бу таклифа кўнмаган Оннесга кўзини ўйиб олишини айтиб пўписа қиласди. Айрилиққа дош беролмаган Оннес ақлдан озиб ўз жонига қасд қиласди. Оссурия маликасига айланган Семирамида эса Нинга ўғил туғиб беради ва унинг энг яқин ҳаммаслаги, маслаҳатчиси бўлиб қиласди. Ҳатто Нин ўлими олдидан уни таҳт вориси этиб тайинлайди. Таҳтни кўлга кириптган малика Бобилини дунёдаги энг гўзал шаҳарга айлантиришни орзу қиласди ва бу ишга энг зўр меъморлар билан икки миллион кулни сафарбар этади. Унинг амри билан “осма боғлар”, машхур

Бела ибодатхонаси, пойтахт Экбатанодаги ҳашаматли шох саройи барпо этилади, Фрот дарёси устига кўпrik қурилади.

Сўнгра Семирамида бутун дунёни забт этишга азм қиласди. У Миср, Ливия, Эфиопияни босиб олади, Ҳиндистонга ҳам юриш қиласди, бироқ хиндларнинг кўп сонли кўшининида қаттиқ зарбага учраб, лашкарининг тўртдан уч қисмидан айрилиб, орта чекинишга мажбур бўлади. Иттифоқо коҳини унинг яқин кунларда вафот этишини башорат қиласди. Шу вақтда Семирамида ўғли Нин фитна тайёrlаётганидан ҳам хабар топади. Ўглига таҳтни ўз ихтиёри билан топшириб, кантарга айланади-да узоқ-узоқларга учиб кетади”.

Айтиб ўтилганидек, бу – Мидия манбаларига таянилган бир ривоят. Энди бошқа бир ривоятга эътибор қилинг. V асрда яшаган арман тарихчиси Мовсес Хоренаци “Тарих” асарида келтирган ривоятнинг мазмуни бундай: “Оссурия маликаси Семирамида (арманча – Шамирам) Урарту (арманча – Аракат) давлати подшоси Аранинг таърифини эшитиб, уни ғойибдан севиб қолади. Маликанинг яна бир мақсади, бу шох билан турмуш куриш орқали икки мамлакатни бирлаштириб, салтанати қудратини янада ошириш эди. Семирамида Урартуга элчи юбориб шоҳга, “Келиб менга ва мамлакатимга эгалик қил”, дега таклиф этади. Лекин Ара бу таклифни қабул қилимайди. Рад жавоби Семирамиданинг нафсониятига тегади ва Урартуга қарши қўшин тортади. Жангда осурияликлар ғолиб бўлса-да, Семирамида қалбан маглуб эди. Аранни тириклай кўлга олиш буюрилганига қарамай, у жангда ҳалок бўлади. Бундан қаттиқ изтиробга тушган Семирамида кўкдан унга қайта ҳаёт ато этишини сўраб, ўн кун муттасил ибодат қиласди ва дуоси ижобат бўлиб Ара қайта тирилади...”

Милодий II асрда Навкратисда яшаган юнон ёзувчиси Афинининг Семирамида шахси ҳақида ёзганлари олдингиларни бутунлай инкор қиласди: “Семирамида ёшлигига Оссурия шоҳларидан бирининг саройида оддий хизматкор бўлган. У ниҳоятда соҳибжамол ва ишвакорлиги боис шоҳнинг муҳаббатини қозонган. Тез орада шоҳ унга



ўйланган ва кўп ўтмасдан унинг алдовига учиб таҳти беш кун бошқаришга рухсат берган. Ҳокимиятга ўтирган Семирамида дарҳол катта зиёфат уюштириб сарой амандорлари ва лашкарбошиларни ўзига оғдириб олади, иккинчи куни ҳалқа мурожаат қилиб ўзини подшоҳ мақомида кўришларини сўрайди ва эрини зинданга ташлатади. Бу қатъиятли аёл шу йўсунда таҳти кўлга киритади ва умрингин охирига қадар ҳокимиятни хеч кимга бермайди, кўплаб зафарли юришлар қиласди.

"Семирамида шахси ҳақида бир-бирини инкор этувчи тарихий манбалар кўп", дея шубҳага берилади Диодор. Бироқ Семирамиданинг ўтмишда яшаб ўтгани ҳақиқат, фақат у ҳақда жуда кам маълумот сақланиб қолган. Машхур Шомураматдан бошқа ҳам кўплаб "Семирамида"лар бўлган. Улардан бири ҳақида Геродот "У бошқа бир Бобил маликаси (милоддан аввалги 750 йиллар) Нитокрисдан беш аср олдин яшаган", деб ёзган.

Баъзи манбаларда қайд этилишича, машхур "осма боғлар"ни Семирамида барпо эттиргмаган, ҳатто бу боғлар унинг даврида бўлмаган ҳам. Улар кейинроқ, Навуходоносор буйруғига биноан унинг севимли рафиқаси – Мидия маликаси Амитис истироҳати учун курилган. Чунки малика Бобилинни куруқ, чангли ҳавосига кўнига олмай қўйналган. Шаҳар ортидан шаҳарларни вайрон этиб келган бу подшоҳ Бобилда жуда катта қурилишлар қилган, пойтаҳт атрофии мустаҳкам деворлар билан ўратган ва ўзи учун ҳатто ўша даврларга хос бўлмаган тарзда ҳашаматли саройлар қурдирган" (<http://forums.realax.ru>).

Хуллас, бир-бирига зидма-зид қарашлар одамни ўйлантириб кўяди. Бизнингча, Афими талқини Ктесию Хоренаци талқинидан ҳам ошиб тушган. Оссурия ҳукмдори қанақа подшоҳи, кечагина чўриси бўлган аёлга ўйлаб-нетиб ўтирасдан таҳти топширса, сарой аёнларини лашкарбошилар ундан ҳам гўлми, беш кунлик ҳукмдорга ион-ихтиёрини берип қўйибди. Қадами етган жойни вайрон қилиб келаётган Навуходоносорининг дабдуруст бунёдкорга айланниб қолгани бундан ҳам ажабланарли.

Шу тариқа, қадим тарихчилар ривоятни ривоятга улаб бораверган. Натижада Оссурия-Бобил ёдгорликлари, форс мамлакатларида маданий обидалар, ҳатто Миср эҳромлари ва бошқа қадимий иншоотлар унинг номи билан боғланиб кетган. Семирамида шахси эса тобора асл инсоний қиёфасидан йироқлаши берган.

Унинг қандай вафот эттани ҳақиқадаги маълумот ҳам аниқ эмас. Баъзи манбаларда ўғли уюштирган фитна қурбони бўлган дейилса, бошқа бирида севимли оти йўқолиб қолганига чидай олмай ўзини гулханга отиб ҳалок эттани айтилади.

Хуллас, аждодлари қадим Оссурияга қўши ни яшаган ҳақиқлар бугунги кунда Шомураматни ўз миллатига мансуб қилиб кўрсатиш учун, оғиздан оғизга ўтиб юрган ривоятларга асосланган ҳолда, расмона тарих ясашга уринмоқда. Масалага бу йўсунда ёндашилса, "осма боғлар" бунёдкори туркийларнинг қадим аждодларидан бири бўлиб чиқиши ҳам хеч гап эмас.

Бу ўринда, аввало, Оссурияда ўша кезлар қандай ном билан аталиб, қайси тилда гаплашган аҳоли яшаганига эътибор қаратиш лозим. Тарихчилар эътирофича, Оссурия Шимолий Месопатамия (ҳозирги Ироқ худудида) жойлашган. Бу давлат тарихини олимлар уч даврага ажратади: Қадимига Оссурия подшоҳлиги (милоддан аввалги XX – XV асрлар); Ўрта Оссурия подшоҳлиги (милоддан аввалги XV – X асрлар); Янги Оссурия подшоҳлиги (милоддан аввалги 911 – 612 йиллар).

Бизни қизиқтираётган масала энг сўнгги подшоҳликнинг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади.

Оссурия подшоҳлигининг асосий аҳолиси шумерлар бўлган. Қозоқ шоири Ўлжас Сулаймон "Шумернома" асарида милоддан аввалги VIII асрда михнатлар билан битилган шумер ёзма манбаларида кўпгина турк сўзлари борлигини исбот қилиб, янги тадқиқотлар учун кенг уғлар очиб берди.

Одатда кўшни ҳақиқлар ўзаро тез "тил" топади, агар ўртада иктисидий, маданий, савдо-сотиқ алоқалари кучайса, дўстлик ришталари мустаҳкамланади, улар нутқида муштарак сўзлар, атамалар пайдо бўлади,

уроф-одат яқинлиги орқали баъзи иборалар тилдан-тилга ўтиб, ўзлашиб кетади.

Хўш, қадимги шумер тили билан туркӣ тил ўртасида қандай яқинлик бўлиши мумкин? Шумер ҳалқи Месопотамиянинг туб аҳолиси бўлиб, бу ҳудудларда неча минг йиллар давомида яшаб келган. Кейинчалик шумер тили истеъмолдан чиқиб, ўлик тиллар қаторига кирган.

Туркӣ ҳалқарнинг қадимги ёзма битиклари VI-VIII асрларга мансуб, ундан аввалига тайинлироқ тарихий ҳужжат ҳозиргача топилмаган. Олимларнинг яқдиллик билан эътироф этишича, туркӣ ҳалқарнинг асл ватани Олтой ўлкасиdir. Лекин ўлжас Сулаймон тадқиқоти бу тарихий "аниқлик"ни шубҳа остига қўйди: ахир, Шарқ билан Farb ўртасидаги жуда узоқ масоффада яшаган иккى ҳалқ тили орасида, яъни шумерлар билан турклар орасида қандай яқинлик, ўхшашлик бўлиши мумкин?

Мана, таққослаб кўринг:

Шумер сўзлари	Туркӣ сўзлар
Ада	Ota, ada, dada
Ама	Она, опа
Аб	Ab, ев, эв, уй
Еш	Ешик, эшик
Кир	Kир, ер, жер
Уш	Уч
У	Ўн
Узун	Узун (узоқ)
Үд	Ўт (олов), дуд
Кен	Кенг
Ме	Мен
Зе	Сен
Гаш	Куш

(Қаранг: Сулайменов Олжас. Аз и Я. Алмара Ата, "Жалын", 1989, стр.542-548)

Шу каби ўхшаш олтмишта сўз келтирилган. Бу ўхшашлик тасодифи ёки қонуният?

Аслида бу ўхшашликнинг эътирофи илгарироқ бошланган. Шумер тилини ўрганинг кўпчилик тилшунослар уни олтой тиллари (туркӣ, мўгул, тунгус-манжур, корейс тил-

лари) билан таққослаган ва шумер тили ҳамда олтой тиллари (асосан, туркӣ тиллар гурухи) орасида баъзи ўхшашликлар борлигини аниқлаган. Шумер ва туркӣ тиллар орасида ўзаро қариндошлик мавжудлиги ҳақидаги фикрни биринчи марта немис олими Ф.Хаммел ўртага ташлаган ва 350га яқин ўхшаш сўз топган. Бундай ўхшашликлар нафақат лексика соҳасида, балки сўз ясалиши ва келишик қўшимчалари тизимида ҳам кўзга ташланади. Америкалик машҳур шумеролог Крамернинг эътирофича, шумерлар бундан уч минг йил бурунлари ҳам ўзлари сигинадиган илоҳаларни "дингир" деб атаган (Сәмюэл Н.Крамер. История начинается в Шумере. М., "Наука", 1991, стр.92). Бу сўз туркӣча "тангри" демакдир.

Баъзи олимлар шумерларни антропологик жиҳатдан европоид ирқига мансуб деса-да, ҳалигача бирорта Европа миллати ўзларини шумерлар авлоди эканига оид тайинли гап айтганни йўқ. Лекин европалик олим Ф.Хаммелнинг фикрини машҳур археолог ва этнограф С.Толстов ҳам қувватлаб, шумер тили олтой тил гурухига мансуб туркӣ тилларга ўхшашлигини айтган. Қиблини қирқ ёриб ўрганишга одатланган билимдан тилшунослар бу борада ҳам теран изланишлар олиб бориши, яъни шумер ва турк тиллари ўртасида кузатилган муштарақлии сирларини таҳлил этишига шубҳа йўқ. Биз эса ўзимизни қизиқтирган муаммога доир таҳлил ва хуносаларни баён этсак.

Туркӣ ҳалқарнинг қадимги ўзак қисми шумерлар билан кўнни яшаган, деб фараз этсак, ўзаро яқин маданий алоқалар натижасида иккى ҳалқ муомаласида муштарақ сўзлар пайдо бўлгани аёнлашади.

Бу фикр тасдиғи учун Месопотамияга келиб қолган скифлар ўтмишига назар солмоқ даркор. Геродотнинг ёзишича, скифларнинг пайдо бўлиши ҳакида уч хил тахмин бор. Биринчиси, скифларнинг айтишича, улар Зевс ва дарё қизи Борисфенанинг ўғли Таргитойнинг авлодлари; иккинчиси, Геракл ва ярим аёл, ярим илон мавжудотнинг учинчи фарзанди Скифнинг авлодлари; учинчиси – "яна бир ривоят бор бўлиб (мен бошқаларидан кўра шуниси ишончли

деб биламан), у куйидагича: кўчманчи скиф қабилалари Осиёда истиқомат қилган. Массагетлар уларни ҳарбий куч билан сиқиб чиқарғандан сўнг Аракс дарёсидан ўтиб киммерийлар ерига келган (Хозирги (яъни Геродот даври – Д.Ж.) скифлар яшаётган жойлар қадимда киммерийлар ери бўлган)" (ўша манба, 188-190 бетлар).

Учинчи ривоятнинг ишончли экани шундаки, "массагетлар ҳам худди скифларга ўхшаб кийинади, турмуш шароити ҳам бир хил... эллинларнинг айтишига қараганда, скифларнинг урф-одатлари массагетларни кининг айнан ўзи... форслар скифларни сак деб атайди" (Геродот. 79-, 333-бет).

Скифларнинг келиб чиқишини бирмунча аниқлаштириб олдик. Энди массагетлар қувгин қилган скифлар нима учун бошқа бирор жойга эмас, айнан Оссурия сари йўлга чиққани, Оссурияга мидияликлар ҳужум қилган чоқда мидияликларга қақшатқич зарба бериб, Оссурия давлатининг муайян вақт тарих саҳнасида сақланиб қолишига ҳисса кўшганига тўхталсан.

Тахминимизча, скифлар Оссурия томонга юришининг боиси – уларни бу худудга боғлаб турувчи қардошлиқ ришталари қадимдан бўлган. Мантиқан олиб қараганда, бутун бошли бир элат мақсаду муддаосиз бегона жойларга улоқиб кетмайди. Боз устига, скифлар айни даврда истаган томонига юриши килиб кетаверадиган голиб ҳалқ ҳам эмас эди. Тарихдан шу нарса аёники, мағлублар доим ўзига сунҷ излайди. Скифлар таянадиган ягона маскан эса аҳолиси ўзларига ўхшаб гапирадиган Месопатамия бўлган.

Ўша замонларда Месопатамияда иккита катта миллатнинг тўқнашуви юз бериб, гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг қўли баланд келиб турган. Улардан бири – форс тилида сўзлашувчи форслар ва мидияликлар бўлса, бошқаси қадимги турк тилида сўзлашувчи скифлар ва шу тилга яқин тилида сўзлашувчи оссурияликлар эди. Форслар ва мидияликлар ўтасида тез-тез низо чиқиб турган бўлса-да, ташки душман, айниқса, оссурияликлар ёки скифлар томонидан хавф туғиса, улар дарҳол кучларини

бираштирган. Оссурияликлар ва скифлар ҳам шундай йўл тутган. Масалан, милоддан аввалги 653 йилда Мидия подшохи Киаксар бутун лашкарини йигиб Оссурияга қўшин тортиб борган. У оссурияликларни мағлуб этәзглан чоқда унинг мамлакати худудига курдатли скиф қўшини бостириб кирган. Скифлар киммерийларни Европадан кувиб чиқариб, улар изидан Осиёга келган ва энди Мидияга бостириб кирган эди. Бизнингча, бу тасодиф эмас...

Гарчанд, бу воқеа Шомурамат дунёдан ўтиб кетгандан кейин юз берган бўлса-да, оссурияликлар ва скифлар ўтасида қадимдан боғлиқлик борлигини тасдиқлайди.

Кейинги асрларда кўчманчи туркий халқлар Месопатамия, Кичик Осиё, Даشت Қипчоқ орқали Европа ичкарисига кириб боргани, ҳатто Юнонистоннинг Эллада ва Фассолоники ўлкаларигача қадами ётгани, Европадаги баъзи давлатларнинг ташкил топиши ва тақдирига таъсир кўрсатгани бежиз эмас.

Геродот "Скифлар Осиёда 28 йил ҳукмронлик қилди", деганда Осиё деб Оссурия, Мидия, Бобилдан иборат катта ўлкани назарда тутган. Улар мамлакатларга ўша даврда кўп вайронликлар келтирган экан. 40 йил Мидия подшохи бўлган Киаксар скиф бошликлари шарафига катта базм ўюштириб, маст-аласт меҳмонларни қириб ташлайди. Мақр-хийла билан шу тарзда кўчманчи келгиндилардан кутуладилар (Геродот, 45-бет). У ерларда қолган скиф аскарлари эса кейинчалик маҳаллий аҳолига араплашиб, сингиб кетган.

Оссуриядан топилган шумер миҳнатлари далолат беришича, туркий халқлар милоддан аввалги VII асрда нисбатан кучли улусга бирашган, узоқ ҳарбий юришларга қодир, сиёсий-маданий таъсирга эга ҳалқ сифатида тарихда муайян из қолдирган.

Аминимизки, археологлар тупроқ остида ётган Шумер маданийтини келаҳажда бунданда пухта ўрганиди, ўша чоқда қадимги давр тарихида тахминлар, тусмоллар эмас, асосли илмий ҳақиқатлар устунлик қиласди. Не ажабки, бизнинг тахминлар ҳақиқат чиқиб қолса...



ANOYI SAVOLLARGA KIROYI JAVOBALAR

Август фаҳшга муккасидан кетган нағжувон Гереннийни ҳайдаб юборишни амр этди. Геренний Август ҳузурига келиб, афв сўраб ялиниб-ёлворди: “Мен қайси юз билан уйцуга қайтаман? Отамга нима дейман?” “Август менга маъқул бўлмади, деб айт, тамом-вассалом” деди унга “маслаҳат” бериб Август.

* * *

Аристотелга, сени фалон одам орқаваротдан сўқиб юрибди, дея хабар етка-зиши. “Орқаваротдан қалтакласа ҳам майли”, деб жавоб қайтарди донишманд.

* * *

Жаврайвериб Аристотелнинг жонига теккан бир маҳмадона ундан ниҳоят “Сени ҷарчатиб қўймадимми?” деб сўради. “Асло, – деди файласуф, – мен асти қулоқ солганим ийк”.

* * *

1787 йили АҚШ конгресси мунтазам армия сонини қонун йўли билан ўн минг аскар қилиб чеклаб қўймоқчи бўлди.

– Ажойиб фикр, – деди Жорж Вашингтон. – Бирўла душман армиясини ҳам қонун йўли билан беш минг аскар қилиб чеклаб қўя қоламиз.

Шундан кейин мунтазам армия сонини чеклаши ҳақидаги қарор конгрессдан ўтмади.

* * *

Гладстонга осори атиқалар дўйконидаги XVII асрга мансуб бир амалдор портрети маъқул бўлди. Бироқ жуда қиммат экан деб картиинани сотиб олмади. Орадан кўп ўтмай шу портретни лондонлик бир бадавлат савдогарнинг меҳмонхонасида кўриб қолди.

– Бу портретга эътибор қилганингиздан мамнунман, – деди мезбон. – Бу киши менинг ажсолдларимдан, у қиролича Елизаветанинг вазири бўлган.

– Башарти у уч гинея арzon турганида менинг ажсолдом бўлишии аниқ эди, – деди Гладстон.

* * *

Қайси вақтда овқатланиши керак, деб савол берган одамга Диоген: “Агар бой бўлсанг, хоҳлаганингда, қашшоқ бўлсанг, топганингда”, деб жавоб берди.

* * *

Ҳамма ёмон кўрадиган бир ахмоқча иззат кўрсатгани ва мансаб бергани учун катта Дионисийдан ўтка-гина қўлдилар. “Одамлар ҳеч бўлмаса бир кишини мендан кўра ёмонроқ кўришини истадим-да”, деди уларга катта Дионисий.

* * *

1921 йилда Капица Кембрижга, Розерфорд лабораториясига боради. Розерфорд бўши ўрин йўқлиги сабаб, уни шига ололмаслигини айтади.

– Марҳамат қилиб айтсангиз, профессор, тадқиқотларингиш аниқлиги неча фоиз? – деб сўрайди шунда Капица.

– Тахминан ўн фоиз хатоликка ийл қўйилади.

– Демак, иши ўринларини тўлдиришида ҳам шунча фоиз хатоликка йўл қўйишингиз мумкин.

Розерфорд кулиб юборади-да, Капицани шига қабул қиласди.

* * *

Жозеф Кеннеди қиз набираси – Жон Кеннедининг қизини жуда яхши кўрар эди.

– Керолайн – жуда зеҳни ўткир қиз, сен унинг ёшида бунақа эмасдинг, – деб қолди у бир куни ўғлига.

– Ажабланарли жойи ийқ, – деди Жон, – ахир, менинг отам киму уники ким?

* * *

Бир аспирант Ландауга унинг китобини тутқазиб, “Лев Давидович, менга китобингизни зўр бир дастхат билан совга қилсангиз”, деб илтимос қилди.

Ландау китобиниг илк саҳифасига қўйидаги сўзларни ёзди: “Фалончи аспирантга зўр бир дастхат билан... Ландау”.

* * *

Бир рассомдан, сиз чизган расмлар жуда чиройли-ю, бироқ сиздан бўлган болалар жуда хунук, нега шундай, деб сўрашиди. Рассом бундай жавоб қилди: “Мен расмларни кундузи яратаман, болаларни эса кечаси...”

* * *

Фермопиль яқинидаги жсанг чоги кимдир “Варварлар ўқидан қуёш кўринмай қолди!” деб айюҳаннос солди. “Жуда соз, – деди унга жавобан Леонид, – демак, сояда жсанг қиласиз”.

* * *

Бир кун Людовик Ўн тўртинчи мулоzимларидан биридан қўйқис, испан тилини биласизми, деб сўраб қолди. У, йўқ, деб жавоб қайтарди.

– Афсус, – деди бош чайқаб қирол.

Мулоzим, қирол мени Испанияга элчи қилиб жўннатмоқчи, шекилли, деб ўйлади. Бир мунча вақт ўтгач у илтифот билан Людовикка испан тилини ўрганиб олганини маълум қилди.

– Жуда соз, – деди қирол маминун бўлиб, – ана энди “Дон Кихот”ни бемалол аслиятда ўқий оласиз.

* * *

Людовик Ўн тўртинчи машихур шоир Буалодан, “Хўши, шеърларим ҳақида нима дейсиз?” деб сўради. “Ҳукмдор, сизнинг қўлингиздан келмайдиган иш йўқ – сиз ёмон шеър ёзишини ихтиёр этгансиз ва буни қойилмақом қилиб уddyалагансиз”, деб жавоб қайтарди Буало.

* * *

Лилия Брик Маяковский наздида гўё худо эди.

– Лилия билан баҳслашманг. Лилия ҳар доим ҳақ, – деди у бир куни.

– Ҳамто жавон шифтда туради деб айтса ҳамми? – деб савол ташлади Асеев.

– Ҳа-да!

– Бироқ жавон полда туради-ку?

– Бў сизнинг нуқтаси назарингиж, холос. Пастки қаватдаги қўшинингиз бунга қандай қарайди, ҳеч сўраб кўрганимисиз?!

* * *

Моцарт олти ёшида клавира учун биринчи концертини ёзди. Отаси унинг қўйлидан ноталарни олди-да, ҳайратдан қичқириб юборди:

– Бу концерт шунчалик қийинки, уни ҳеч ким чала олмайди!

– Ҳечам-да, – деб эътироуз билдириди ўғил, – уни ҳамто ёш болаем чала олади.

Масалан, мен...

* * *

Пётр Биринчи Парижса борганида кардинал Ришелье қабрини зиёрат этиди ва унинг ҳайкалига боқиб туриб:

— Эй улуг зот, агар менга замондош бўлганингда, сенга салтанатимнинг ярми-ни тортиқ қилиб эвазига қолган ярмини қандай идора этишидан сабоқ беринингни ўтинган бўлар эдим! — деди жўшид.

— Бўлмаган гап! — дея сўз қистириди кимдир. — У қолган ярмини ҳам қўлга киритмай қўймасди.

* * *

Уйланайми ёки уйланмайми, деб сўраган йигитга Суқрот бундай жавоб қилди:
“Хоҳла — уйлан, хоҳла — уйланма, барибир афсус чекасан!”

* * *

1797 йилда Франция ҳукумати тенасида бўлган Директория аъзоларидан бири янги динга асос солмоқчи бўлди ва унга “теофилантропия” деган ном ҳам ўйлаб қўиди. “Янги пайғамбар” ўз режасидан сўз очганда, Талейран маслаҳат йўсинида бундай деди: “Исо Масиҳ янги динга асос солиши учун хочга тортилиб ўлган, сўнг қайта тирилган эди; менимча, сиз ҳам худди шундай қилиб кўришингиз керак”.

* * *

Фалес ҳаёт билан ўлим орасида фарқ ўйқ деб юради. “Унда нега ўлиб қўя колмайсан?” деб сўрашиди ундан. “Фарқи йўқлиги учун-да!” деб жавоб берди Фалес.

* * *

Филипп Иккинчи судда бир аёлнинг ишини маст ҳолда кўради. Аёл қўйқис “Устингдан арз қиласман!” деб бақириб қолди. “Кимга?” деб сўради Филипп ажабланиб. “Филиппга!” деб жавоб берди аёл. Сўнг қўшиб қўиди: “Маст бўлмаганига...”

* * *

— Эллададаги энг кучли одам — менинг ўғлим, — деди Фемистокл. — Чунки Эллада ҳалқи афиналиклар амрига, афиналиклар менинг амримга бўйсунади, мен хотинимнинг хоҳишини бажо келтираман, хотиним эса ўғлининг хоҳишини...

* * *

Нега атом бомбасини яратишга одамнинг қурби етди-ю, бироқ жиловлаб олишига кучи етмаяпти, деган саволга Эйнштейн бундай жавоб қилди:

— Бунинг сабаби жуда oddий, азизларим: сиёсат физикадан хийла қийин!

Мухиддин АБДУЛГАФФОР тайёрлади.

KİTOB UMR MOHIYATINI O'YLAshGA UNDAYDI

Viktor ALIMASOV mutolaa qiladi

Илгари қўлимга тушган китобни – “физика”ни ҳам, “лирика”ни ҳам ўқий-верардим. Китобпраст эдим. Йиллар ўтди, ўзим ҳам китоблар ёздим, китоб ёзганлар даврасида бўлдим, энди фикрим ўзгарди: “Китобни ёр танлагандек саралаш керак” (A. Morya). Мия латтапраст кампир қўлига тушган лаш-лушини ўйгадиган сандиқ эмас, унга энг муҳими, энг заруринигина жойлаш лозим.

Хўш, энг муҳими, энг зарури нима? Ана шу саволга ҳанузгача жавоб тополганим йўқ. Изладим, ҳамон изплаяпман.



ДОНИШМАНД БАҲСГА ЎРГАТАДИ

С е н е к а Луций Анней. Нравственные письма к Луцилию. Кемеровское книжное издательство, 1986.

Умрбокий фикрлар давр билмайди, улар инсон дилини, хаёлларни жунбушга солади, ҳаёт, умр моҳиятини ўйлашга чорлайди, амалларидан маъно излашга унрайди. Эрамиз бошида яшаган римлик донишманд ёнимда турғандек гоҳ ўй-хаёллари, гоҳ панд-насиҳатлари билан буд-борлиқдан ҳикмат изла деди. “Барча ёзганларим – айни ҳақиқат, бунга ўзинг ҳам амин бўл: вақтимизнинг бир қисмини зўрлик билан тортиб оладилар, бир қисмини ношудлик билан ўйирлатиб қўямиз, бир қисмини эса бекорчилик билан ўтказиб юборамиз. Ушбу йўкотишлар ичида энг уятлиси вақтни бепарвониқ оқибатида исроф этишимиздир.”

Вақт ҳодиса ва макон алмашувигина эмас, у – умр. Вақтнинг қадрига етмаган – умрнинг қадрига етмайди. Сенека вақтни, умрни олий неъмат деб билади. Уни йўқотиш, бехуда сарфлаш – гуноҳ, жиноят. Банданинг Яраттан қошидаги гуноҳи, жинояти. “Сен чиндан-да вақтни қадрлаган, кунни ардоклаган... бирор кишини менга кўрсат-чи! – деб ёзди Сенека. – Ҳамма бало шундаки, биз ўлим фақат олдинда деб биламиз, ваҳоланки, у ортимизда ҳам кўр тўкиб турибди. Зотан, умримиздан қанча йил яшаган бўлсак, барчаси ўлим

сармоясиdir. Мактубингда ёзганингдек иш тут, Луцилий: бирор соатни ҳам бехуда ўтказма! Бугунги кунни кўлдан чиқариб юбормасанг, эртанги кунга камроқ тобе бўласан..."

Вақт олий ҳакамдек тепандга, гирдингда айланади, унинг нигоҳидан, назоратидан қочиб кутулолмайсан. Йиллар ўтган сайин вужудингга титроқ киради, умрдан маъно, вақтдан ҳикмат қидирасан. Умр бунчалар қисқа!

Сенекани рух, қалб масалалари кўпроқ қизиқтиради. У таркидунчиллик, зоҳидликни ёқламайди, унингча, инсон ўзиdek кишилар даврасидагина осойиш топади, борликини англайди. Ким учун ва нима мақсадда яшаши, фидойилк кўрсатиши зарурлигини тушунади. Аммо инсон қалбан ташки муҳитга банди бўлиб қолмаслиги лозим. Ҳатто изтироб чекиб, заҳмат тортиб топганлари ҳам унинг руҳини, эркини ўзиға қарам этмаслиги даркор. "Үйимизга кирган киши буюмларимиздан эмас, ўзимиздан ҳайратга тушсин. Лой идишдан кумуш идишдек фойдаланган одам буюkdir, бирок кумуш идишдан лой идишдек фойдаланган ҳам буюклиқда ундан кам эмас. Ганжга қарам кишининг руҳи заифдир". Донишманд ганжга, бойликка, гўзал ва нафис буюмлар ичида яшашга қарши эмас. Ахир, инсон нима учун яратади, меҳнат қиласи – ён-атрофини обод, кулбасини кўркам қилиш учун эмасми? Агар инсон бу ислаҳдан ҳам маҳрум этилса, унда нима қиласи? Биргина вайрон! Бузуқлик унинг касби корига айланади. Валек, яратиш, изланиш ва борлиқдан маъно ахтариб яшашга мойил озод рух моддиятга тобе бўлмасин. Мана, донишманд илгари сурәтган фоя: "Кулба нимадан курилган – қамишданми ёки денгиз ортидан келтирилган мармардан – фарқи йўқ; билинки, инсон тилла том остида қандай яшаса, қамиш том остида ҳам шундай яшайди. Кўз-кўз этиш, манманлик учун яратилган сарватдан ҳазар қилинг. Эсингида бўлсин: руҳдан бошқа ҳеч нима фахрланишга арзимайди, буюқ қалб учун ҳар ненини аҳамияти камдир".

Рух реал борлиқдан қониқмайди, у юксаклик, улуғлик, умрбоқийликни излайди. Сенекага қулоқ тутсак, ушбу юксаклик, улуғлик, умрбоқийлик – Худодир. "Одамлар билан сени Худо кўриб тургандек мумомала қил, Худо билан одамлар сени тинглаётгандек гаплаш". Киши ҳар доим, ҳар қадамда назорат остида – ё Яратган кузатади уни, ё яратилганлар. Ушбу "нигоҳ"ни унугтган ё такаббурлика берилади, ё гоғил қиласи.

Мен Сенека асарлари ўзбек тилига ўтирилишини истардим. У нафақат фикрлашу ёзишига, айни чоқда, қандай қилиб руҳни юксалтириш, қалбни озод ва хур сақлашга ҳам ўргратади. Биз маънавият ҳакида кўп ёзмиз, лекин бу борада қуруқ маҳмаданаликдан кўра зикр этилган асарлардан наф кўпроқ.

ФАЛСАФА – ХОСЛАР ИЛМИ ЭМАС

Карл Поппер. Все люди – философы.
Москва, издательство "ЛКИ", 2007.

ХХ асрнинг иккинчи ярмини "Карл Поппер фалсафаси даври" деб аташ мумкин. Ақл, идрок ва билимни улуглаб келган Европа фалсафаси Иккинчи жаҳон урушидан кейин скептицизм ва критицизмга берилмаслиги мумкин эмас эди. Жаҳон фалсафасини бетакор номлари, изланиши ва гоялари билан безаган немис ҳалқи ичидан гитлерчилар етишиб чиқиб, инсоният бошига чексиз кулфатлар соглани ақл, идрок ва билимнинг ижобий воқелик эканига шубҳа уйғотди. Агар ақл, идрок ва билим назорат остида бўлмаса, доим текшириб, танқид қилиб, тўлдириб турилмаса, улар ижобий



воқееликдан салбий ҳодисага айланиши табиий. Шунинг учун назоратдан, танқиддан ташқарида турадиган ақл, идрок ва илм бўлмаслиги даркор.

Поппер фалсафани маҳсус билим ва тажрибага эга кишиларгина тушунади, шу боис фалсафа алоҳида билим соҳасидир, деган қадимдан келаётган фикрга қарши чиқади. Бу борада у Платон, Аристотель, Гегелни танқид қиласди. У Гегель фалсафаси, айнича, диалектикасини "ҳаёлий уйдирмалар", "охири йўқ, чалкаш кўча", "Гегелнинг ҳаёлий, ночор тўқималари" деб баҳолади. Ҳайратланарли ҳол шундаки, ўзини ақлу тафаккур чўққисига етган деб ҳисобловчи "профессионал файласуфлар" ёки "файласуф – элита" инсоннинг ақлу идрокига шубҳа билдириб, фалсафани тор доирадаги шахслар англайдиган соҳага айлантиришида ҳамон давом этмоқда. Улар фалсафа факультетида ёдлаб олган "объект" ва "субъект" категорияларини минг йўсинг, минг талқинда ифодалаб, тавтологияни авж олдираёттир. Фалсафани хослар соҳасига айлантиришга интилиш "профессионал файласуфлар" ёки "файласуф – элита"ни назоратдан, уларнинг айтганларини эса танқиддан ташқаридағи ҳодисага айлантиради.

Мана, нима учун бизда танқид кам, эркин фикр алмашиб оқсанб келаётир! "Профессионал файласуфлар" имиз интеллектуал муроқбага ундовчи деб мақтаган асарларни кўлга олинг, аксарияти бошдан охиригача санохонликдан изборат. Менда буларнинг ҳеч қайсиси қизиқиш уйотгани йўқ, икки бетини зўрга ўқийсиз – интеллектуал баҳс қани?! Дарров уйку босади одамни.

Поппер "Баъзилар кўпроқ, бошқалар эса камроқ даражада, аммо барча кишилар файласуфdir", деб ёзди. Фалсафани улуғвор қылганлар "профессионанал" ёки "академик" файласуфлар эмас, буюк изланишларга қодир ақл соҳибларидир. Тўгри, бундай кишилар "профессионал файласуфлар" орасида ҳам учрайди. Масалан, И.Кант, К.Поппернинг ўзи. Лекин улар фалсафа тарихида ниҳоятда камчиликдир.

Фалсафа ҳақни – ҳақиқатни излайди. Ушбу вазифадан тойганлар эса ё маддохлик қилишга, ёки гегелона фариб, бадҳазм сўз ўйинларига, тавтологияга берилишга мажбур. Ҳақиқат излашга ҳамма ҳам журъат этавермайди, демак, ҳамма ҳам файласуфлик мақомига кўтарила олмайди. Бироқ ақлу идроки жойида бўлган ҳар бир киши фалсафий фикрлашга, ҳақиқат излашга лаёкатли. Шу имкониятдан ўринли фойдаланган ақлгина ҳақиқий файласуф даражасига кўтарилади. Поппер "ҳамма – файласуф" деганда барча кишилар асл файласуф бўлиши имконига эга эканини назарда тутган.

Поппернинг танқидий рационализми, бир томондан, инсоннинг ақлу идрокига ишониш, иккинчи томондан, билим – чексиз, унга мудом изланишни, қайта синовдан ўтказишни, тўлдириб боришини тақозо этадиган жараён сифатида қараш лозим, деган назария асосига курилган. Ақлу идрок, билим мутлакликка даъвогар бўлолмайди; мутлак ҳақиқат деб қабул қилинган фикр, модель охир-оқибат догмага, тоталитар гояга айланади. Аристотель фалсафаси мутлак ҳақиқат деб қабул этилгани сабабли у сколастикага олиб келди. Фалсафа то янги давргача Аристотель сколастикасидан бошқа нуқтаи назарни билмаган, дин, черков уни догмага айлантирган. "Майда ақл эгалари" (Беркли) майда мавзуларда ёzáди, ҳақиқий файласуф эса "борлиқ ҳақида, бизнинг ундаги ўрнимиз, билиш қобилиятимиз ва имкониятларимиз ҳақида танқидий мулоҳаза юритади". Танқидий мулоҳаза йўқ жойда киши билиб ёки билмай эркидан, ҳурффириклидан воз кечади, шу тариқа унинг ўзи ва ҳатто фалсафа ҳам такаббур кимсаларга хизмат қиласди.

Тил интеллектнинг сўз ўйинларини эмас, балки рационал фикрни, мулоҳотни ифода этмоғи керак. Ҳар бир фикр, таъриф содда, тушунарли, ақлни чалғитмайдиган бўлиши шарт. Поппер асарлари тавтологияядан йироклиги, фикрлар содда ва равон ифода этилгани учун ҳам барча ўкувчиларга бирдай тушунарлидир.

ТҮДА – ЎРТАМИЁНАЛИК

Хосе Ортега-и-Гассет. Дегуманизация искусства. Москва, издательство "Радуга", 1991.

Бетакрор тафаккур сохиби, руҳ ва қалб озодлиги учун интеллектуал кураш олиб борган испан файласуфи Ортега-и-Гассет асарларини ўқимай-билмай XX асрни ҳам, унда юз берган сиёсий, илмий ва бадиий ўзгаришларни ҳам англаш мушкул. Файласуф Поппер билан деярли бир даврда, ўзгаришлар, фожиалар, ўзини англашга бўлган интилишлар, буд-борликни "янгича идрок этиш" даврида яшади. Уларнинг иккаласи ҳам тоталитаризмни тафаккур душманни деб билган. Поппер гносеологияга, Ортега-и-Гассет ижтимоий борлиқка, унда кечайтган ақлу идрокка зид, инсон шаъни, эрки, хукуқларини толтаган воқеаларга диққатини қаратган. Поппернинг "Очиқ жамият ва унинг душманлари" асари билан Ортега-и-Гассетнинг "Тұда исёни" асари мазмунан бир-бирига яқиндир.

Инсон – билишга, англашга интиладиган мавжудот. Ушбу майл уни борликни ўз ақпи, салоҳияти, хис-түйғуларига мувофиқ таҳлил қилишга ўргатади. Бирон бир илм соҳаси борлиқни тўлиқ қамраб ололмайди, инсонни безовта қилиб келаётган азалий – борлиқ қандай тузилган, мен ва менга ўхшаганлар ким, уларнинг бу дунёга келишида қандай маъно яширин, нега кишилар ўзини баҳтиёр ёки баҳтисиз сезади, дунёнинг бошиадоги борми, деган саволларга тўлиқ жавоб беролмайди. Ҳар бир киши ўз фалсафасига (ана, фалсафадаги хурфикрлик, руҳ, қалб эркинлиги!) мувофиқ бу саволларга жавоб излайди. Фалсафанинг "азалий тафаккур" соҳасига мансублиги ҳам шунда. "Ҳамма – файласуф" (Поппер) деган гоянинг негизи ҳам шу.

"Тұда исёни" сиёсий фалсафанинг шоҳ асарларидандир. Нобель мукофоти лауреати Элиас Каннетининг машҳур "Омма ва ҳокимият" асари бевосита унинг таъсирида яратилган.

XX асрнинг биринчи яримда сиёсий-ижтимоий ҳаётда мисли кўрилмаган воқеа рўй берди – тұданинг жамият устидан мутлақ ҳокимлиги ўрнатылди. Европа барча халқлар, миллиатлар ва маданиятларга таалуқли оғир тангликтини бошдан кечира бошлади. Ушбу воқеликнинг номи "тұда исёни"дир. Ҳамма жойни тұда әгаллади; шаҳарлар, кўп қаватли уйлар, майдонлар лиқ тұла одам, меҳмонхоналар мудом тирбанд, театрлар томошабинларни, қаҳвахоналар хўрандаларни сифдиролмайди, транспортта чиқиш амримаҳол бўлиб қолди. "Бугун тұда цивилизацияни забт этмоқда".

Тұда – сифат эмас, миқдор. У қизиқиши, манфаатларининг умумийлиги, дунёга назари, уни тушуниши билан бир-бирига айнан ўхшаш одамлар йигиндисидир. Унда идеал, индивидуаллик, бир-биридан фарқланиш, ўз "мен"ини намоён этиш ийк. Тұда бетакрорликка, буюк ва олижаноб нарсалар яратиша интилмайди, у якранг-ўхшаш чехралар жамланмасидир. Истеъмолчилек – унинг ҳаёт тарзи; мавжуд тамаддун ютуқларидан баҳраманд бўлиб яшашгина уни қизиқтиради. "...Инсоният кескин тарзда икки қисмга бўлинди: бири – ўзидан кўп нарса талаб этади, шу тарпиңа ҳаётини ҳам мураккаблаштиради, лекин бурчини адо қилиб яшайди; иккинчisi, ўзидан ҳеч нима талаб этмайди, ўзгармаслик унинг ҳаёт тарзи ва ўзини етукликка етакловчиларни англамайди. Бу тоифа ҳаёт оқимига монанд яшайверади".

Ортега-и-Гассет фикрига кўра, тұда аввал бир чеккада, хилват қишлоқларда, кўзга ташланавермайдиган пана-пасқамларда мавжуд эди, бугун у бутун ижтимоий маконни



эзгаплаб олмокда. Энг ҳайратланарлisisи, тўда демократияни "ўта демократия"га ("сверх-демократия") айлантирмоқда. Энди у тенг хуқуқлилик, қонун, демократия байроби остида сиёсий институтларга, давлатга таъсири ўтказмоқда. "Ҳозирги даврнинг характерли хусусияти шундаки, тўдага хос ўртамиёналик, ўзининг ўртамиёналигини билган ҳолда, ҳамма жойда шуни ўтказишига, ҳаммага ўртамиёналик хуқуқини сингдиришга интилмоқда... Тўда ўзига ўхшамайдиган неки бор, йўлидан супуриб ташламоқда, у ҳар қандай индивидуалликни топтамоқда, барча олижаноб, буюв ва ноёб қадриятларни маҳв этмоқда. Бошқаларга ўхшамайдиган, бошқалардан ўзгача фикрлайдиган киши учун яксон бўлиш хавфи юзага келди... Биз тўданинг ваҳшиёна тазикини остида яшамоқдамиз".

Файлусуфнинг нимага ишора қилаёттанини англаш қийин эмас. XIX асрда Европада бошланган инқилоблар тўдани куч сифатида тарих саҳнасига олиб чиқди; тўданинг истаги, ғализ қарашлари, ҳаёт тарзи жамиятга, айниқса, аристократияга, интеллекти билан тўдадан фарқ қилувчи маънавий бойликлар яратиб келган қатламга зўрлаб сингдирила бошлади. Файлусуф 1917 йилги рус инқилоби йўқсил, чаласавод, маънавий бойлик яратиш қобилиятига эга бўлмаган, ҳар бир муаммони куч, тўғпонча, зиндан ва қатл билан ҳал этадиган кишиларни давлат тепасига олиб чиққанини ҳам назардан қочирмайди. Ортега-и-Гассет Европани "қора кўланка" – фашизм вабоси чулгаб олажагини ҳам сезган. У китобини 1930 йили ёзib тугатган, кўп ўтмай тарих унинг хавотири ўринли эканини тасдиқлади. Версалнинг забт этилиши – аристократиянинг қулаши, Қиши саройининг эзгапланиши – аристократиянинг тўда томонидан маҳв қилинишидир. Аристократия ҳеч қачон "жамият" бўлмоққа даъвогар эмас эди, ваҳоланки, тўда – бутун жамиятдир. "Бу-гунги аскар ўзини лашкарбоши фахмлайди, гўёки инсоният бераҳм, факат номгагина эга бир тўда... Унинг нияти улуғ ишларни амалга ошириш, инсониятни олға силжитиш эмас, балки ўзининг гализ ва дагал даъволарини оламга ошкор этишдир". Тўданинг сон жиҳатдан кўплиги – куч, шу боисдан уни енгish қийин. Энг нодон, энг бефаҳм, энг ғализ ақл тўдага бириркани боис у энг юксак, энг қудратли кучга айланди; унга қарши чиқсан, эътиroz билдирган бошқа ақл шу заҳоти маҳв этилади. Мана, тўда шакллантирадиган foя, турмуш тарзи ва эътиқоднинг фожиаси! Мазкур ҳаёт тарзидан ўзгаси ҳам мавжудлигини тўда тасавур қила олмайди..."

Ихтиёр менда бўлганида, Ортега-и-Гассет асарларини ўқимаган, билмаган тадқиқотчini илим масканига яқинлаштирулмаган бўлардим. Киши шуни аниқ билиши керак – у ўзининг инсоний ва фуқаровий бурчини адо этиш учун яшайди, бу бурчни бажариш фидойиликни, жасоратни, ҳатто қурбонликни талаб этади, буни унуган одамни чинакам ижод қилиб, буюк янгиликлар яратиб яшамоққа қодир инсон деб аташ хато. У янгиликни, бетакрорликни, буюкликни топташни ҳаёт тарзига айлантирган тўданинг бир аъзоси, холос.

БОШҚАРИШ – ҚАТЬЯЙТДИР

Гвиччардини Франческо. Заметки о делах политических и гражданских. Москва, издательство "РИПОЛ классик", 2009.

Ўғониши даври вакили – италиялик мутафаккир Ф. Гвиччардини кўп фикрлари билан Н. Макиавеллини ҳам ҳайратга соглган, сиёсий-ижтимоий фанларда турли талқинлар, баҳслар ўйготиб келаётган машҳур "Қайдлар" асарини мерос қолдириган.

"Кишиларда садоқат ва эзгулик кам", деб ёзади у. Шунинг учун ҳам улар бу фазилатларни қадрламайди. Чунки одам ҳаётига боғлиқ кўп ҳодисаларни тақдир ҳал этади. Инсон бирон бир ишни қилишига



ҳарқанча интилмасин, "уни тақдир ҳам қўллаб-кувватламоги лозим". Тўғри, мутафаккир инсоннинг ижтимоий борлиқга, шарт-шароитга мослашиши ҳам муҳим омил эканини қайд этган. Бироқ барибир инсон ҳәётида, амалларида тақдир, қисмат муҳим ўрин тутишини таъкидлаган.

Шуҳратга иштиёқсиз одам жуда кам. Ҳар ким ўз соҳасида ёки, ҳечкурса, хаёлида ўзини улуглашга мойил. "Буюк ишларни шуҳратпаста кишилар амалга оширади". Шуҳратпастликнинг ўзи эмас, унга ҳалоллик билан эришган киши қадру эҳтиромга лойиқдир. Ўзини кўз-кўз қўлишга, бошқалардан устун кўйишга қаратилган шуҳратпастлик эса нафрат уйғотади.

"Бошқалар билишини истамаган ниятингни доимо рад қил ва, аксинча, бошқаларга сингдирмоқчи бўлган фикрингни уларга уқтири; майли, кўп далиллар сўзларингта қарши бўлсин, ҳатто уларни инкор этсин. Аммо сен қаттият ила рад этсанг ёки тасдиқласанг, ҳар қандай сухбатдоши чалгитишинг мумкин". Ф.Гвиччардини сиёсатни, бошқариш сирларини яхши билган, ҳукмдорлар – Медиҷилар ҳамда Козимо фаолиятини кузатган. Уларнинг сўз билан амали бошқа-бошқалигини, бир-бирига номувофиқ эканини англаган. XX асрда Гитлер ва Сталин ана шундай сиёсий усулга зўр бергани, оқибатда, кўплаб халқлар бошига кулфат соглани маълум.

Агар одамлар соғдил ва оқил бўлғанларида, деб мулоҳаза юритади Ф.Гвиччардини, ҳукмдорлар "адолатга мувофиқ ҳалим бўларди, аксарият кишилар соғдил ҳам, оқил ҳам эмас, шунинг учун бошқарув қаттиқўлдир... Н.Макиавелли ҳам шундай фикрлаган, кишиларда иллат, кусур кўп; худбинлик майли кучли деб ҳисоблаган.

Бугунги жаҳон сайлов тизими ва технологиясида айни жиҳатларни ҳисобга олиш кўзда тутилмаган, маҳсус қонунлар ва аҳборот воситалари орқали давлат ҳокимиятини назорат этиш мумкин. Лекин Ф.Гвиччардини бу муаммолар ҳақида тузук мулоҳаза юритмайди, унинг баъзи қайдларида ҳатто сиёсий фалсафанинг маҳобати, шиддати сезилмайди. Чамаси, мутафаккир яшаган даврнинг сиёсий шароити бунга имкон бермаган.



XXI asr: gumanitar tamoyillar

ХХ асрда инсоният дунё миқесидаги иккита катализм – Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушларини бошдан көчирди. Бу урушлар глобаллашувнинг янгича шакл ва мазмун касб этишига сабаб бўлди.

Биринчи жаҳон урушдан кейин жаҳон харитасида мутлақо янгича ҳолат юзага келди. Бу дунёдаги қудратли давлатлардан бири – СССР вуужудга келиши билан бөглиқ эди. Шу тариқа дунён икки кутбга – социалистик ҳамда капиталистик лагерларга бўлинди. Бу эса глобаллашувнинг алоҳида тамойилларни шакллантириди.

Биринчи жаҳон уруши оқибатида кўн асрлик тарихга эга Усмонли турк империяси заифлашди, Австро-Венгрия ўрнида янги давлатлар ташкил топди, шунингдек, чор Русияси таркибидан Польша, Финландия, Латвия, Литва, Эстония каби суверен давлатлар ахралиб чиқди. Натижада жаҳон миқесидаги янгица тузилемалар зарурати туғилди.

Биринчи жаҳон урушдан сўнг ташкил топган Миллатлар Лигаси глобаллашув шароитида тинчникин сақлаш ва куропсланишини амалга оширишда таъсирчан воситага айланга олмади ва 1946 йили тарқатиб юборилди.

Иккинчи жаҳон уруши Биринчи жаҳон урушдан кейин пайдо бўлган тамойилларнинг янада кескинлашувга замин яратди. Аввало, жаҳон миқесидаги кутбланиш янада кучайди, яъни СССРнинг кўмагида Европа, Осиё, Америка ва Африкада социалистик тараққиёт йўлини таңлаган қатор янги давлатлар пайдо бўлди. Бу эса охир-оқибатда Варшава шартномаси ҳамда НАТО каби ҳалқаро ҳарбий тузилемаларнинг вуужуда келиши учун асос бўлди. Германия, Италия, Япония каби тажовузкор империалистик давлатлар парчаланиб, кўллаб мазлум ҳалқлар мустақилликка эришди. Айниқса, ХХ аср ўтталарида Буюк Британия, Франция, АҚШ каби давлатларнинг мустамлакалари ўрнида янги мамлакатлар пайдо бўлиши глобаллашув масалаларининг ҳал этилишига доир ҳалқаро ташкилотларга эҳтиёжни янада кучайтириди. Натижада 1945 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилди. Бу глобаллашув, давлатлараро муносабатлар, ҳалқаро ҳамкорлик соҳасидаги йирик сиёсий воқея бўлди.

Таъқидлаш жоизки, БМТ низомида ҳалқаро миқёсда тинчлик ва хавфзисликни қўллаб-куватлаш мақсадида давлатларнинг биргаликда-

ги ҳаракати, ҳалқларнинг тенг ҳуқуқлиги ва ўз таъқидини ўзи бўлгилashi, барча ҳалқларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти йўлида кенг ҳалқаро ҳамкорлик, одамларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш, шартномалардан ва бошقا ҳалқаро ҳужжатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни хурмат килиш каби муҳим қоидалар ўз аксими топган.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида таъқидлаганидек, „Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча давлатлар, минтақалар, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама килиши ва ҳал этишининг ажойиб ташкилотидир. БМТ – ҳалқларнинг тинч ва тотувуликда яшишининг буюк рамзи, у инсоният мальявий тараққиётининг ёрқин белгисига айланди“.

ХХ асрнинг 80-90 йилларида юз берган улкан ўзгаришлар туфайли дунё харитаси яна бир бор янгиланди. Совет Иттифоқи, Югославия каби мустабид империялар парчаланиб, уларнинг ўрнида йигирмадан зиёд янги мустакил давлатлар пайдо бўлди. Энг асосийси – социалистик лагерь барҳам топди. Оқибатда иккича қараша-қарши тузум ўртасидаги зиддиятлар, „совуқ уруш“ давридаги кўплаб принцип ва қоидаларни тубдан қайта кўриб чиқишига эҳтиёж туғилди.

Таъқидлаш жоизки, бугунги кунда жаҳон геосиёсатида тобора устувор бўлиб бораётан глобаллашув тамойилларининг намоён бўлишида АҚШнинг хиссаси ўзига хосидир. Бу давлатнинг НАТОда катта таъсирга эга экани боис террорчилик ва ҳалқаро экстремизмга қарши курашда унинг роли катта бўлмоқда. Шу билан бирга, Европа хавфзислик ва ҳамкорлик ташкилоти фаолиятида Фарбий Европа давлатларининг нафақат Шарқий Европа, Кавказ, Марказий Осиё каби минтақаларда, балки бутун дунёда ўз манфаатларига мувофиқ равишда геосиёсат юритишига глобаллашув жараёнларига таъсир кўрсатишга интилаётгани яққол кузатилмоқда.

Хозирги глобаллашув шароитидаги геосиёсатда ўз ўрнини белгилашга интилаётган етакчи давлатлардан бири Россиядир. Аввалилари жаҳон геосиёсатига кучли таъсир сиёсатига келган Совет Иттифоқининг вориси ҳисобланган Россия жаҳондаги етакчи давлатлар қаторида муносаб ўрнини эгаллашга, глобаллашув тамойилларнинг

ҳар томонлама манфаатли бўлиши учун ўз таъсирини кўрсатишига астойдид интилоқида. Бу борада аввал собиқ Совет Иттифоқи таркибида бўлган, ҳозирда эса суверен давлатларга айланган Республикаларнинг Мустақил давлатлар Ҳамдустлиги фаолиятида Россия асосий етакчилардан бирни экани ҳам унга кўл келтири. Россиянинг Қозогистон, Қирғизистон, Беларусь каби республикалар билан Тўртлар шартномаси ҳамда Иккىёлпама шартнома (Беларусь билан) имзолагани жаҳондаги интеграция жараёнлари бўйича ўз сиёсатини юритишига ҳаракат килаётганидан далолат беради.

Глобаллашув шароитидаги геосиёсатда етакчи ўринга эга давлатлардан яна бирни Хитойдир. Ушбу давлат нафакат социалистик тузумнинг амалдаги энг курдатли вакили, ахолиси энг кўп юрт, балки иқтисодий жиҳатдан тобора ривожланиб бораётган илгор мамлакат сифатиди ҳам халқаро интеграция жараёнларига бекиёт таъсир кўрсатмоқда. Умуман олганда, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, хусусан, Хитой, Япония, Жанубий Корея билан ҳамкорлик дунёдаги кўплаб давлатлар учун ўзига хос аҳамият касб эттаётгани глобаллашув тамойилларининг ривожланишига муайян таъсир кўрсатаётгани шубҳасиз.

Ер юзидағи мамлакатлар, ижтимоий-иктисодий жиҳатдан, ривожланган, ривожланётган ва копоқ давлатларга ажратилиди. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия, Германия, Япония, Хитой каби давлатлар глобал муаммоларнинг ижобий ҳал этилишини кўзлаган ҳолда миллий манфаатларини ҳам қўзда тутиши мукаррар, чунки глобал муаммолар уларга ҳам дахлдордир.

Ўзбекистон глобал сиёсатнинг ривожланиш истиқболларини таъминлаш, ҳар томонлама саварали халқаро алоқаларни кучайтириш бўйича фоятда кулай геостратегик маъкебга эга эканини таъкидлаш лозим. Юртимиз қадим-қадимдан Европа ҳамда Яқин Шарқи Жануби-Шарқий Осиё билан, Тинч океани минтақаси билан боғловчи ўзига хос чорраҳа вазифасини ўтаб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги ижтимоий-иктисодий жиҳатдан энг тараққий этган давлат бўлиши билан бирга ниҳоятда бой, рангбаранг табиий, иқтисодий, илмий-интеллектуал, маърифий-маданий салоҳиятга ҳам эгадир.

Хозирги геосиёсий тизимлар учун жаҳондаги глобаллашув жараёнларининг янада ривожланиши, глобал сиёсат тамойилларининг устувор даражага кўтарилишида Ўзбекистоннинг аҳамияти фоятда юксак. Дунёдаги 170 дан зиёд давлат мамлакатимизни тан олгани, 130 га яқин давлат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилгани бејиз эмас, албатта. Ўзбекистон Республикаси Россия, АҚШ, Хитой, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия каби ривожланган давлатлар билан кўп

томонлама халқаро алоқаларни йўлга кўйиш бараборида БМТ, ЮНЕСКО, ЕХХК, МДХ, ШХТ, НАТО каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳам амалий чора-тадбирларни амалга оширишада.

Табиийки, турли йўналишлар бўйича халқаро муносабатларни янада кучайтириш, давлатларро ва миллатларро муносабатларни янгича шароитларда ривожлантириш Ўзбекистон учун ҳам, дунёдаги бошқа давлатлар учун ҳам ҳар томонлама манфаатлидир.

Таъқидлаб ўтилганидек, XXI аср халқаро муносабатларнинг глобаллашув асридир. Бинобарин, жаҳон ва замон миқёсида, бизнингча, гиперглобал, макроМобал ҳамда микроМобал мунаммалар ечими бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишларини белгилаш халқаро сиёсатнинг етакчи тамойилларини янада аниқлаштириш учун шарт-шароитлар яратади.

Бугунги кунда геосиёсат учта асосий мақсадга – бутун жаҳон миқёсида хавфсизлик, барқарорлик ва событилик таъминланишига қаратилмоқда. Бинобарин, глобал геосиёсатнинг алҳокий асосга эга бўлиши, яъни инсон манфаатларига хизмат қилиши устувор тамойилларидир. Глобал геосиёсатни “давлатларни бошқариш санъати, давлатлар ҳокимиятларини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган ижтимоий фаолият” дешифрилаб, унинг мөҳиятини амалга ошириладиган кўйидаги функциялар орқали белгилаш мумкин:

- халқаро муносабатларда турлича кўринишдаги зиддият ва тўқишувларининг олдини олиш ҳамда бартараф этиш учун оқилона музокаралар, келишувлар йўлидан борилади;

- халқаро ижтимоий-иктисодий жараёнлар асосли омилларга таянилган ҳолда бошқарилади;

- кишилик жамиятининг турли қатлам ва гурухлари ўзаро ҳамкихатлик, бирдамлик ҳамда яхлитлик сари интеграциялашиб боради;

- мавжуд ижтимоий тузумлар яхлитлиги ҳамда ижтимоий тартиблар барқарорлиги тегишли демократик мезонлар асосида таъминланади;

- давлатлар ва миллатлараро муносабатларда шахслар ижтимоийлашувининг ўзига хос мухити яратилади.

Замонавий тамаддунга хос ижобий қадриятлар қаторида ҳукукий демократик жамият барпо этиш жараённи билан боғлиқ қадриятлар тобора устувор бўлиб бормоқда. Бинобарин, глобал геосиёсатда ҳам демократия қадриятлари, шахснинг ҳукук ва эркинликларини таъминлаш, эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш каби гуманистар тамойиллар асосий ўрин эгаллаётгани табиий ҳолдир.

Сардор ЁҚУБОВ,

Давлат ва жамият курилиши академияси тадқиқотчуси

Tahdidlardan asrovchi kuch

Сўнгти йилларда мамлакатимизда миллпий хавфсизликнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, экологик каби соҳалари алоҳида тадқиқ этилмоқда. Миллпий хавфсизлик тизимининг энг кам ўрганилган ва баҳсли мавзуларидан бири сиёсий хавфсизликдир.

Сиёсий хавфсизлик доимий ривожланишдаги ҳамда мураккаб таркиби тузилишига эга ҳодиса бўлиб, унга мутахассислар томонидан турлича таърифлар берилган. Мавжуд таърифларнинг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, сиёсий хавфсизлик – шахс, жамият ва давлат сиёсий манфаатларининг ички ва ташки хатарлардан хомояланни ҳолатидир.

Юртимида бу масала миллпий хавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсати доирасида амалга оширилмоқда. Шундай экан, сиёсий хавфсизликни миллпий хавфсизлик таркибидаги алоҳида тизим сифатида ўрганиш мумкин. Чунки бугунги кунда ҳар хил ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятини алоҳида тизим сифатида баҳолашга уставор аҳамият қартилмоқда (қаранг: *Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучди фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир*). Президент Ислом Каримовининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшима мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 ўйи 28 январь, 19-сон).

Бизнингчча, ҳозигри вақтда миллпий сиёсий хавфсизлик борасидаги асосий вазифалардан бири сиёсий хавфсизлик тизими ва механизмининг назарий моделини ишлаб чиқишидан иборатидir.

Сиёсий хавфсизлик соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган мутахассисларнинг фикр-мулҳазаларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, сиёсий хавфсизликни таъминлаш тизими – сиёсий хавфсизликни таъминлашга ўйналтирилган ўзаро боғлиқ таркибий қисмлар мажмусидир. Мазкур қисмларнинг биргаликдаги амалий фаолияти эса сиёсий хавфсизликни таъминлаш механизмини ташкил этади.

Сиёсий хавфсизлик тизимининг таркибий қисмларини аниқлашда тизимли ёндашув методига таяниш самарали натижга беради. Тизимли ёндашув – объектни тизим сифатида ўрганишга асосланган методология, илмий англаш, ижтимоий амалиётдаги ўйналиш (Халқаро муносабатлар (*Геосиёсат*, дипломатия, хавфсизлик). Т., “Академия”, 2006, 93-бет), шунингдек, муммонли вазиятни (тизим кўринишидаги) ўрганишнинг маҳсус методидир.

Миллпий сиёсий хавфсизликни миллпий хавфсизлик доирасига кирувчи алоҳида кичик тизим сифатида белгилаган ҳолда, унинг асосий таркибий қисмлари ёки ташкил этувчилари сифатида куйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси сиёсий хавфсизлик тизимининг норматив-хукуқий асослари (қонунлар, конунности хуҷжатлари – Ўзбекистоннинг Мустақиллик декларацияси (1990 й.), Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992 й.), “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги (1991 й.), “Ўзбекистон Республикаси Миллпий хавфсизлик кенгаши тўғрисида”ги (1995 й.), “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги (2000 й.) қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994 й.) ва бошقا тегишли миллпий қонунчилик хуҷожатлари.

2. Ўзбекистон Республикаси сиёсий хавфсизлик тизимининг назарий-методологик асослари (қарашлар, концепциялар – Президент Ислом Каримов асарларида миллпий сиёсий хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан билдирилган концептуал фикр-мулҳозалар, Ўзбекистон Республикасининг Миллпий хавфсизлик концепцияси (1997 й.), Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси (1998 й.).

3. Ўзбекистон Республикаси сиёсий хавфсизлиги объектлари – жамиятнинг ҳимоя қилинни лозим бўлган бутун сиёсий тизими – давлат ва бошقا ижтимоий-сиёсий институтларнинг сиёсий манфаатлари, фуқаролар, ижтимоий гурӯҳлар ва бошқа субъектларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинлеклари.

4. Ўзбекистон Республикаси сиёсий хавфсизлиги субъектлари – сиёсий соҳанинг ҳимояси учун жалб этилган, яъни сиёсий хавфсизликни таъминлашда қатнашадиган давлат ҳокимияти органлари (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти), жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошкарши органлари ҳамда фуқаролар.

5. Ўзбекистон Республикаси сиёсий хавфсизлиги субъектлари фаолиятида фойдаланиладиган воситалар (сиёсий хавфсизлик кўрсаткичлари ва унинг ҳолатини баҳолаш мезонлари ҳамда усуслари).

Ана шу назарий андоза доирасида сиёсий хавфсизлик тизими таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлик даражасини аниқлаш ҳамда сиёсий хавфсизлик тизимининг умумий алгоритмини очиб бериш мумкин.

Қайд этиш жоизки, сиёсий хавфсизликни таъминлаш механизмида сиёсий хавфсизликнинг асо-

сий субъектларидан бирни бўлган давлат ҳокимияти органлари алоҳида ўрин эгаллади. Президент Ислом Каримов бу масала юзасидан куйидагиларни таъкидлаган эди: "Давлат миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги асосий масъулигитин ўз зими масига олади" (Ислом Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., "Ўзбекистон", 1999, 544-бет).

Бинобарин, ҳар қандай жамиятнинг сиёсий хавфсизлигини таъминлашда давлат кенг имкониятларга эта бўлган сиёсий институт хисобланади.

Хозирги вақтда Ўзбекистонда миллий сиёсий хавфсизликни таъминлаш борасида бир қатор давлат органлари фаолият олиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг олий конун чиқарувчи органи – Олий Мажлиси худудий яхлитликни, конституциявий тузум ҳамда давлат суверенитетини ҳимоя қилища ҳокимият органларининг ваколатларини белгилаш, уларнинг хисоботларини тинглаш ва хавфсизликни таъминлаш учун зарур бўлган тегишил норматив-хукукий хужжатларни қабул қилиб уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Суд ҳокимияти тизими доирасида эса сиёсий хавфсизликка дахдор тадбирлар амалга оширилишининг конунийлиги ва асослиги, шунингдек, фуқаролар сиёсий хукуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолатлари таъминланади.

Ижро ҳокимияти органлари (вазирлик ва идоралар, кўмита ва агентликлар, маҳаллий ҳокимият органлари) эса сиёсий хавфсизлик соҳасидаги мавжуд қонунчиликни, Ўзбекистон Президентини фармонлари ва Вазирлар Мажкамаси қарорларини

бевосита амалга оширади. Бу борадаги фаолиятни эса сиёсий ва умуман миллий хавфсизликни таъминлашнинг энг юқори механизми хисобланган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридан Миллий хавфсизлик кенгаши (1995 йил 1 майда тузиленган) мувофиқлаштириб боради. Мазкур кенгаши мамлакатимизда миллий хавфсизликни таъминлаш масалаларини ўрганиш, муҳокама қилиш ва зарур чора-тадбирлар кўриш билан шугулланадиган маслаҳат органи бўлиб, асосан миллий хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади, миллий хавфсизлик концепциясини амалга ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштиради, хавфсизлик ва барқарорликка саббий таъсир этадиган жараёнларнинг оғдини олиш ва бартараф этиш юзасидан тегишил чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

Шунингдек, сиёсий хавфсизликни таъминлаш жараённада давлат органлари билан бир қаторда жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ҳам бевосита иштирок этади.

Умуман олганда, сиёсий хавфсизликни таъминлаш механизмининг самарали фаолияти натижасида миллий хавфсизлик таъминланишига эришилади. Яъни, сиёсий хавфсизлик таъминланган шароитда давлат суверенитети ва худудий яхлитлиги, минтақавий ва халқаро барқарорлик мустаҳкамланади.

Рустам САФАРОВ,
Давлат ва жамият курилиши академияси
тадқиқотчуси

Internet va atom

Бугунги кунда дунёда инсоннинг хоҳиш ва эҳтиёкларини қондириш шиддатли пойтага айланбид бормоқдаки, унинг ҳеч адоги кўринмайди. Ахборот соҳаси ҳам бундан мустасно эмас, албаттада.

Қадимда, маҳсус почта бекатлари бўлиб, чопарлар отда топшириқ, бўйруқ ва ахборотни белгиланган манзилга етказган. Қисқа хабарлар учун кўлланилган кабутарлар почтаси ҳақида ҳам ўқиганимиз.

Бундан атиги 40-50 йил олдинги ўтмишни эслайдиган бўлсан, "Чақмок" телеграммасини юбориши ёки бошقا шаҳарга кўнгироқ қилиш учун одамлар шаҳар марказига бориши, "Почта, телефон, телеграф" деган ёзув битилган катта кўримсиз биноларда навбат кутиши ёки коммутатор орқали улаб беришлари учун алоҳида кабинага ўтиши таълаб этилар эди...

Ушбу мисоллар беихтиёр савол ўйготади: почта, телеграф, телефон, радио, телевидение, телекс, факс, уяли алоқа ва интернетдан сўнг яна қандай техник ихтиро инсониятни кеплажакда ҳайрон қолдириши мумкин? Илгарилари бирор маълумотни етказиш учун қанча кўп вақт талаб этилган бўлса, бугун телефоннинг SMS хизмати ёки интернет-чат орқали буни кўз очиб юмгунча амалга ошириш мумкин.

Шундай экан, Интернетнинг ҳаётимизда қандай аҳамият касб этмоқда?

Эҳтимол, баъзилар уни вақтичоғлик, бадиий ёки анимацион фильмлар кўриш, "Одноклассники" каби сайтларда дўст оптириши, тунги чатларда гаплашиш, объахо маълумотни билис, пицца буюртишиш воситаси сифатида тасаввур қиласар...

Моҳияткан интернетнинг бу имкониятлари – унинг асосий вазифасига кўшимча, холос.

Интернет – авваламбор, оммавий ахборот воситасининг янги тури, анъанавий ахборот воситаларининг ўзига хос қоришмаси: босма матбуот, радио ва телевиденинг устувор жиҳатларини жамлган ҳолда юзага келган замонавий ахборот ва коммуникация воситаси.

Онлайн журналистикаси босма матбуотдан олган устуворликлар қаторида ўнлаб кўшимча гиперлинк ва фикр қолдириш имкониятлари билан бойитилган мазмундорликка эга. Агар газета бир кечакундузда узоги билан икки марта чол этилиши мумкин бўлса, Интернет музайян ахборотни янгилаш борасида чекланмаган имконият ва матн учун кенг майдонга эга.

Электрон ОАВдан эса интернет ўзига мультимедиа имкониятларини – овоз, графика ва видеомълумотни бир зумда узатиш имкониятини олган. Жонли репортажлар пайтидаги яққол устунлик ҳам интернет томонида. Шундай қилиб, интернет журналистикаси керакли ахборотни топиш ва тарқатиш борасида қатор қулийликларга эга бўлиб, унинг аудиторияси оддий томошабин ёки талабадан тортиб олимларни, ҳатто, давлат ва ҳукумат раҳбарларигача бўлган кенг жамоатчиликни қамраб олади.

Интернетнинг яна бир мухим устунлиги шундаки, бошқа ОАВга нисбатан унда ҳозир русмга кирган "икки томонлама алоқа" имконияти мавжуд. Ҳар бир фойдаланувчи интернетда чол этилган материалга муносабат билдириши, таассуротини айтиши, кўшимча қилиши ёки ахборотни таҳрир этиши мумкин.

Биз одатда ахборотларнинг оқими кучайиб бораёттан ҳозирги шароитда интернет аслида нима мақсадда яратилгани ҳақида кўп ҳам бош қотирмаймиз.

"1957 йилда Совет Иттифоки Ернинг сунъий йўлдошини орбитага чиқарганидан сўнг АҚШ Мудофаа вазирлиги хавотирга тушиб. Негаки, мамлакатнинг ахборотни саклаш борасида ишончли тизимзига эга бўлиши зарурати юзага келган эди. АҚШнинг Илгор мудофаа тадқиқот лойиҳалари агентлиги (DARPA) бунинг учун компютерлараро тармоқ яратишни таклиф этди. Ушбу тармоқ устида ишаш мамлакатдаги тўртта энг ийрик университетта топширилади. Булар – Лос-Анжелесдаги Калифорния университети, Стендфорд тадқиқот маркази, Юта штати университети ва Калифорния штатининг Санта-Барбара шаҳридаги университет зди. Янги компьютер тармоги ARPANET (Илгор мудофаа тадқиқот лойиҳалари агентлиги тармоги) деб номланган бўлиб, 1969 йилда мазкур лойиҳа доирасида тармоқ санаб ўтилган тўртта илмий муассасани бирлаштиради. Лойиҳанинг барча харажатлари АҚШ мудофаа вазирлиги томонидан монилиялаштирилган" (www.wikipedia.org).

Интернетнинг юзага келиши турли тадқиқот марказлари ишини мувофиқлаштириш, ўзаро боғланиш

ва ахборот алмашиш учун мукаммал ишлайдиган ишончли бир тизим яратиш зарурати билан боғлиқ зди. Ана шу тармоқнинг бир "бўйини" ишдан чиққан вақтда – масалан, аниқ нишонга қаратилган ядро ҳужуми оқибатида – бошқа қисмлар ишни бемалол давом этиравериши керак зди. TCP/IP умумий протоколи бу борада IBM, Mackintosh ва бошқа турли компьютер тизимларини бирлаштира олади.

Шу тариқа, ахборотни саклаш ва алоқа боғлашнинг ҳарбий воситаси сифатида юзага келган интернет 1972 йилга келиб, олий татлим тизимида ҳам кенг кўлланна бошлади – АҚШнинг 50 та университети таъдиқот маркази янги тармоқга уланб, илмий ахборот алмашиниудан унумли фойдаланишга киришди. 1983 йилдан эса Интернет кенг ижтимоий мулокот воситасига айланниб, борган сари кенгайт бормоқда.

Икки қурдатли давлат ўртасидаги "куролланиш пойтаси" оқибатида юзага келган ва ядрорий ҳужумдан ҳимоя воситаси бўлиши кутилган интернетнинг ўзи XXI асрга келиб ҳар қандай атом бомбасидан ҳам хатарли кучга айланди. Бугунги кунда интернет манфаатлар урушидаги ахборот қуроли сифатида ҳам кенг кўлланмоқда.

Интернет инсон ва жамият ҳаётида ҳеч қандай сир қолдирмаяти. Ҳар қандай маълумот санокни дақиқаларда ошкор бўлиши ҳозирги вақтда реал ходисага айланмоқда.

Эндилиқда интернет алоқасига эга инсон кўп нарсани кўчага чиқмасдан турив билиб олмоқда. Интернет барча чегараларни маҳв этиб, ахборот ва билимга эгалик борасида ҳаммани тенг қилиб кўймоқда.

Интернетнинг фойда-зарарини атомга қиёслаш мумкин. Инсон учун энг зарур эҳтиёжлардан бирига айланган арzon электр энергияси манбаи сифатида улкан фойда көлтираётган атомдан агар инсониятни йўқ қилиш мақсадида фойдаланилса, сира ўнглаб бўлмас оқибатларга олиб келиши мүкаррар.

Интернет ҳам аслида шундай бир энергия, яъни интеллектуал энергия манбаси. Факат ундан оқилонча фойдаланишини ўрганиш керак.

Интернет ўзига хос "ахлатхона", бетизгин ахборот майдони, дезинформация, ёлғон ва провокация манбага аланни бораёттани, одоб-ахлоқ қоидаларини назар-писанд этмайтани уни заифлаштиради, бошқа устунлик ва қулийликларини иккинчи даражага тушириб қўяди. Лекин интернет – мутлоқ зулмат дегани эмас. Дунёнинг етакчи мамлакатлари ҳамзихатлицида интернетнинг келгуси иш тартибида доир ҳукукӣ асослар ва нормаларни ишлаб чиқмоғи лозим. Бу борада маънавий зарар етказиш, одоб-ахлоқ меъёрларини бузиш ва ахборот коммуникациясига тегишли бошқа тартиблизилклар учун жавобарглик чораларини ҳам белгилаб олиш мумхим аҳамият касб этади. Шундагина интернетнинг салбий жиҳатлари камайиб, фойдаси ортади.

Интернет дунёнинг энг ноёб кутубхоналарига, етакчи университет ва тадқиқот марказларининг иммий лабораторияларига, масофавий таълим, электрон тикорат ҳамда бошқа қимматли воситаларга эшик очиб беришини инобатга олсан, изланувчан инсон учун унинг ҳақиқий ёрдамчи экани яқоғи на-мойн бўлади. Ўз нуқтаи назарига эга, дунёкараши кенг, билимли инсонга у қимматли вақти ва моддий харажатларини тежаб, амалий натижаларга тез ва осон эришишга имконият юратади. Замонавий маърифатли интернет фойдаланувчиси айнан шундай қиёфага эга бўлиши даркор.

Хозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқизоризидан оммавий ахборот воситалари ҳам четда қолганни йўқ. Қизиги шундаки, интернет журналистикаси бу борада энг кам зиён кўрди. Аксинча, бошқа ОАВларга қараганда имкониятлари анча кенгайди.

Масалан, Россиядаги интернетдаги реклама бозорининг умумий қиймати 2009 йилда 598,4 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб,bu 2007 йилга нисбатан 55 фоиз кўпдир. "2008 йилда бошланган инқизоризга қарамасдан, интернет реклама бозори жадал суръатлар билан ўсишда давом этмоқда" (*Российский рынок интернет рекламы продолжает расти. Газета «Капитал». 5 марта 2009.*)

Европа банклари ҳам инқизор сабабли матбуот, радио ва ташкии реклама харажатларини камайтирган ҳолда, интернетга эътибор қаратмоқда. "Реклама берувчилар 2009 йилда айнан интернетни кўпроқ маъгул кўрмоқда. Чунки у нисбатан азрен бўлиб, кўпроқ самара беради" (*Forbes. Декабрь, 2008*).

Бизнинг мамлакатимизда ҳам Интернет нашрлари фаол ривожланмоқда. Бу борада ахборот-коммуникация технологиялари ривожига давлат даражасида кўрсатилётган эътибор муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Таъкидлаш жоизки, ахборот тарқатишнинг энг тезкор усули бўлмиш интернет журналистикаси ривожи учун ҳам кенг имкониятлар юратилмоқда, – деба таъкидлайди Президентимиз матбуот ва ОАВ ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида. – Мамлакатимизда фаолият юритаётган юздан зиёда интернет нашрлари, олий ўқув юртларида ташкил этилган ва мазкур соҳада ишлайдиган журналистлар сафини кенгайтиришига ҳисса кўшаётган ихтиосослаштирилган курслар бунга яқоғ далиллур" ("Халқ сўзи", 2009, 28 июнь).

"UzInfocom" журналининг маълумотига кўра, мамлакатимизда қабул қилинган "Инқизоризга карши чоралар дастури" доирасида 2009 йил биринчи кварталининг ўзида мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида 377,6 миллиард сўм миқдоридаги маҳсулот ишлаб чиқарилган ва хизмат кўрсатилган. Бу 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 40,1 фоизга кўпдир. Шу йўналишдаги спорт бўйича кутилган кўрсаткичлар 144,7 фоиз ортиги билан бажарилгани ҳам эътиборга сазовордир.

Шундай экан, интернет бугунги кунда юртимизда фаол ривожланиб бормоқда, деб айтишига асослар бор. Интернет нашрлари нафақат тезкор, балки сердаромад ҳамдир. XXI аср виртуал дунё учун ҳам улкан ўзгаришлар олиб келиши мүкаррар. Муҳими, атоқли адабимиз Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, унинг кучини "ўтин ёриш"га ишлатмасак бўлгани...

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ,

сёйсий фанлар номзоди,

Жамшидбек НАМОЗОВ,

ЎзМУ талабаси

Bunyodkor kuch

Маълумки, ёшлар юртимиз аҳолисининг салмоқли қисмини ташкил қилиди. Уларнинг ижтимоий таркиби ҳам хилма-хил ва ўзига хос. Айниқса, иқтисодиётни ислоҳ қилиш, жамиятни янгилаш, замонавий технологияларни ўзлаштириш ва жорий этиш борасида ёшлар энг фаол қатламдир.

Мустақиллик даврида давлатнинг ёшлар бўйича миллий сиёслари шаклланди, улар сиёслат субъектига айланди. Шу асосда диёримизда ёш авлондини етук ва баркамол бўлиб вояга етиши, давлат ва жамият ривожига муносиб ҳисса кўшиши учун барча имкониятлар юратилмоқда. Уларга фаол субъект сифатида

сёйсий жараёнларнинг муҳим иштироқчиси ва бунёдкор куч сифатида қаралмоқда. Ҳақ-хукукларини яхши биладиган, ўз кучи ва имкониятига таянадиган, ён-атрофиди, мамлакатимизда, дунёда содир бўллаётган воқеа-ходисаларга онгли равишда мустақил муносабат билдира оладиган, шахсий манбаатларини жамият ва ҳалқ манбаатлари билан уйғун тасаввур этадиган, миллий ҳамда умумбашарий қадриятлар руҳида камол толған ёшларни исплоштольдара фаол қатнашишга қодирдир. Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг кўйидаги фикрларини эслаш мақсадга мувофиқ: "Бугунги кун

да бир оддий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимиизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанди кунимиз, эрикн ва фаронон ҳәётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳаммамиятидан қандай ўрин әгаллаши ҳам, буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлий вояга етишига боғлиқидир (*Ислом Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. 9-жилд. Т. „Ўзбекистон”, 2001, 187-бет.*)

Замон шиддат-ла ўзгариб бораётган паллада ўшларнинг бандлик муммосига нафақат иқтисодий, балки сиёсий-ижтимоий нуқтаи назардан қараш, уларни мавжуд жараёнлар талабига кўра иш билан таъминлаш масаласини таҳлил этиш ва доимий раввиша ўрганиб бориш заруратга айланмоқда.

Ўшларнинг фаоллиги мамлакатимизда кечётган сиёсий жараёнлар самарасини таъминлашда мухим аҳамият касб этади. Бу борада уларнинг бандлиги билан боғлиқ мумоммаларни таҳлил қилишининг долзарблиги куйидаги жиҳатлар билан изоҳланади:

– Мамлакатимиз дунё миқиёсида аҳолиси энг ёш давлатлардан хисобланади. 18 ёшгача бўлган ўшлар умумий аҳолининг 40, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизини ташкил этиши бу фикрни тасдиқлаб турибди. Ўшлар аҳолининг шундай катта қисмини ташкил қиласидаги мамлакатимизда юқсак тараққиёт ўйлидаги ишларни амалга ошириш, табииики, кўпроқ ўшлар зиммасига тушади. Бугунги кунда юртимизда демократик ўзгаришларнинг бориши, бошланган ислоҳотларнинг тақдиди ўшларнинг маънавий-мағфуравий дунёкараси ва салоҳияти, маданий-техник даражасига боғлиқ эканини хисобга оладиган бўлсан, масаланинг нақадар долзарблиги янада яққол аён бўлади.

– Сиёсий институтлар, давлат ва нодавлат ташкilotлари, жамоатчилик, оила, маҳалла, ҳар бир фуқаро олдига ҳар томонлама соглом ва баркамол, улуг ақдодларига муносиб, интеллектуал салоҳияти юксак авлодни вояга етказишидек масъулиятли вазифа кўйиллаёттанини барчамиз яхши биламиз.

– Ҳозирги мағкуравий курашлар кучайган даврда ўшларнинг миллӣ гоямизга ҳамоҳанг аниқ қасидага қаратилган бунёдкор фаолият билан банд бўлиши фойт муҳимидр.

Бундай ёндашув ўшларнинг турли зарарли таъсирлар, экстремистик гурухлар күткусига берилшигининг олдини олиш, уларни сиёсий жараёнларга фаол жалб этиш, ўшлар билан бевосита ишлаш, мулокотда бўлишини тақзоҳ этади. Чунки турли зарарли гоявий оқимларга адасиб кириб колаётган айрим ўшлар ҳақиқий соглом сиёсий жараёнлардан четда турганлар орасида кўпроқ учрамоқда. „Ҳозирги вақтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ножӯя ҳатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар аввали мағкуравий бўшлик сабабли содир бўлмоқда. Нега деганда, ҳали ҳаётӣ таҳрибага эга бўлмаган, оқ-корани таниб улгурмаган ўшлар ҳар турли таъсирларга берилувчан“ бўлади (*Ислом Каримов. Миллӣ истиклол мағфураси ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончидир. Т. „Ўзбекистон”, 2000, 9-бет.*). Хулоса қилиб атйганда, ўшларнинг мамлакатимизда кечётган демократик ўзгаришлар жараёнидаги иштирокини янада фаолластириш талаб этилади. Ҳаёт таҳрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ўшларнинг эзгу гоялар, олижаноб амалий ишлар билан машгул бўлиши тараққиётнинг мухим омили, бекорчилик эса ҳар қандай иллатнинг ўқ илдизиидир.

Гуландом УМАРОВА,

*Давлат ва жамият қурилиши академияси
аспирантни*

Qadriyatlar dialektikasi

Маълумки, жамият ҳаёти учун зарур бўлган устувор маънавий-ахлоқий нормалар конунлар билан мустаҳкамланади, уларга итоат этишига барча маҳбур. Аммо, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ҳаммасини ҳам қонун билан мустаҳкамлашнинг иложи йўқ. Чунки уларнинг кўпчилиги асрлар давомида кон-қонимизда сингиб кетган. Бинобарин, бунга зарурат ҳам йўқ.

Одатда, айрим маънавий-ахлоқий нормалар умуминсоний аҳамиятга молик бўлса, бошқалари миллӣ ва диний хусусиятларга эга бўлади. Бундан қатъи назар, уларнинг барчасига ҳурмат-эътибор

жамият маънавий тараққиётининг мухим мезонидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳалоплик, инсоф-диёнат, омонатга хиёнат қиласлик киб маънавий-ахлоқий қадриятлар, айниқса, мухим аҳамият касб этади. Бироқ, таассуфки, бу қоидалар бот-бот бузилиб туради. Бу эса, ҳеч шубҳасиз, мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир этмай қолмайди. Жаҳондаги нуфузли эксперт ва таҳлигичларнинг дунё миқёсида 2008 йил бошланган ва ҳануз давом этाटтган молиявий-иқтисодий инқироз замерида бошқа кўпгина сабаблар билан бирга маънавий-ахлоқий сабаблар

ҳам борлиги ҳақидағи фикрлари шундан далолат беради. Ҳақиқатан ҳам, бәзі ҳолларда ишлаб чиқарувчилар, йирик мулқорлар, савдоғарлар ёки бизнесменлар ўртасида ўзаро ишончнинг йўқолиши кўпгина муаммалорни келтириб чиқаришига гувоҳ бўлганимиз. Негаки, ҳамкорларнинг ўзаро ишончи бозор иктисодиётини шароитида мухим маънавиятни ахлоқий қадриятлардан биро бўлиб хизмат қиласди.

Гумониравш ва ишончсизлик кайфияти бозор муносабатларини обрўсизлантириб, иктисодиёт са-марадорлигининг пасайиб кетиши, ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчиларнинг иктисодий тизимига бўлган ишончи сусайишига сабаб бўлади. Натижада иктисодий ривожланишининг барқарорлигига путур етади, коррупция кучаяди, бой берилган маҳсулот ва хизматларга боғлиқ ҳолда кўшимча харажатлар кўлади. Бунинг оқибатида бозордаги нарх-наво кескин ошиг кетади.

Ахлоқий қадриятлар орасида иктиимой адолат алоҳида ўрин туради. У асосан жамиятдаги моддий неъмат ва даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаша бораисида яққол кўзга ташланади. Адолат субъектив тушунча бўлиб, уни идрок этиш, кўп жиҳатдан, инсоннинг жамиятда эгаллаб турган ўрни ва мавкеяга боғлиқ.

Аксарият олимлар адолат тушунчасини иктисодий категория сифатида тан олмайди, уни асосин масалалар қаторига киритмайди. Ваҳоланки, иктиимой

адолатсизлик жиҳдий иктисодий оқибатларни кептириб чиқариб, кишиларнинг ҳётта, инсон ва жамиятга бўлган муносабатига салбий таъсир этиши мумкин.

Иктиимой адолат иктисодиёта барқарор са-марадорликка эришиш, оилани тебратадиган ишчи кучини тақор ишлаб чиқариш, болаларни ўқитиши ва тарбиялаш, аҳоли соглигини сақлаш, кекса авлодни етарли миқдордаги қарилек нафақаси билан таъминлаш каби долзарб масалаларга боғлиқ бўлади. Албатта, аҳолининг бой ва камбағал қатламлари ўртасидаги тафовут ҳаддан зиёд катта бўлиши иктиимой адолат бузилиши ва аҳоли ўртасида норозилик кучайшига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб кучли иктиимой сиёсат юритишига қатта эътибор берилмоқда. Таракқиётнинг ўзбек модели асосини ташкил этган машҳур беш тайомилнинг бири "кучли иктиимой сиёсат юритиш" деб номлангани ҳам ана шу эзгу маъсаддинам амалий ифодасидир. Айни шу асосда республикамизда иктиимой адолат принциплари тўлиқ амал киляпти. Бу эса, ўз навбатида, юртимиздаги тинчлик-барқарорлик, ўзаро ишонч ва меҳр-оқибат мухитининг мустаҳкам таъинчи бўлиб хизмат қўлмоқда.

Азиза СУЛТОНОВА,

Тошкент давлат Молия институти
китоб ўқитувчisi

Tarix, shaxs va tarixiy ong

Тарихни буюк саркардалар, ҳукмдорлар, бир сўз билан айтганда, ноёб истеъодд, фазилатта эга шахслар яратади, деган фикр инсоният тафаккурининг Плутарх, Гегель, М.Хайдегер, Ф.Ницше, Хосе Орtega-и-Гассет, Э.Каннети каби буюк намоёндадарни томонидан асосласб берилган. Аммо бу фикрни буюк шахсларни ҳалқ ёки миллатга қарши қўйиш тарзида тушунмаслик керак. Номлари зикр этилган файласуфлар оммага, унинг тарихдаги ролига ишончсизлик билан қараган бўлса-да, буюк шахсларнинг тарихи саҳнасига чиқишида ҳалқ ва миллатнинг ролини ҳеч қачон рад этмаган. Шу жиҳатдан, шахс, ҳалқ ва миллат тушунчаларига ўзаро уйғун, бир-бирини тўлдирадиган субъектлар сифатида қараш ўринлидир. Демак, тарихий хотира ва тарихий онг ўз-ўзидан шаклланниб қолмайди, у тарихий шахсларнинг саъй-ҳаракати, жасорати, фидойилиги орқали ҳам шаклланади. Бордию бундай шахслар бўлмас, тарих ҳақидағи фикру талқинлар бесамар бир тап бўлиб қолади. "Тарих, – деб ёзди таниклики инглиз файласуфи А.Тойнби, – аниқ саъй-ҳаракат,

фидойиликлар ифодасидир, ҳалқ, миллат айни шундай амаллари билан тарихга киради" (Тойнби А. Моя естречи. М., "ACT", 2004, стр. 17).

Рус файласуфи, маданий-тадрижий тараққиёт тарафдори Г.Плеханов "Тарихда шахснинг роли" асарида Вико, Монтескье, Гердер, Сен-Бёв каби Гарб мутафаккиларининг иктиимой-сиёсий қарашларини таҳтил қилиб, XVIII асрда Европада рўй берган инқилобий ўзгаришларни баҳолар экан, "тарихни муйайн даражадаги олийхонан ва маърифатли инсонлар аъмоли дейиш мумкин бўлмай қолди", деб таъкидлайди (Плеханов Г. Избр. философ. соч. Т.2. М., "Политиздат", 1956, стр. 315). Айни чоқда ушбу файласуф ҳар қандай шахс жамиятда ўз ўрнини топган тақдирдагина иктидорини намоён қилиши мумкинлигини, бунинг учун, биринчидан, унинг иктидори даврнинг талаб ва эҳтиёжларига бошқаларницидан кўпроқ мос келиши; иккинчидан, иктиимой-сиёсий вазият, тузум шахснинг истеъодду дар интилишларига гов бўлмаслиги лозимлигини утириб ўтади.

Тарихий хотира ва онгнинг шаклланишида милли қаҳрамонлар, халқни ўз ортидан эргаштира олган, ижтимоий мухитни, ҳукмрон қараш ва аънаналарни ўзгартирган ёки улгарга мутлак бошқача, янгича ёндашиш гоясини илгари сурган шахсларнинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти мухим роль ўйнайди. Бундай шахслар миллатнинг туб манфаатларини ўз қиёфасида ёрқин мужассам стади, ҳаётини хавф-хатарга кўйиб, борлики, ижтимоий муносабатларни ўзгартирша ҳаракат қиласди. Миллат манфаати ва равнақига хизмат қилиш уларни тараққийларвар ҳамда фидойи зотларга, миллий қаҳрамонларга айлантиради. Баъзан бундай инсонлар ўта оғир шароитларда жасорат топиб, ҳукмрон тузумга, зўравонлик ва адоптасизликка очикдан-очиқ қарши чиқади. Бу ўринда жадид боборлимининг маърифатпарварлиг ўйлидаги фидойи-лилларини эслаш мумкин. Улар шўроларнинг ёлғон мағкурасига қарши чиқиб, шу тузумнинг курбонига айланди. Лекин уларнинг ибратти ҳаёти, сермаусул ижоди, Ватан мустакиллиги ўйлидаги курашлари беизкетмади.

Буюк шахсларнинг ёшларда тарихий хотира ва онгни шакллантиришида намуна бўладиган фазилатлари асоссан кўйидаги хусусиятларда акс этади.

Биринчидан, буюк шахсларда борлиқни, тарихий-маданий ҳаётини, ижтимоий муносабатларни ўзгартиршига иштиёқ кучли бўлади. Улар замондошлари илғамаган, ҳатто билишини истамаган гоя ва қарашларни, уларни ҳаётнинг ўзи талаб этётганини англаб, буюк миссия – испоҳотчилик миссияси билан майдонга чиқади.

Иккинчидан, буюк шахслар халқни бирлаштириб, ортидан эргаштириш қобилиятига эга бўлган, ишчанлиги, талабчанлиги ва фидойилиги билан

бошқаларни ҳам ҳаракатга келтирадиган йўл-бошчилардир. Улар вазиятини, кишиларнинг кайфијатини тўғри англайди, баъзан кўнгилчан, гоҳида эса қаттиқўл ва талаҷбон бўлади.

Учинчидан, буюк шахслар нафақат жамият, балки инсонлар маънавий-рухий оламининг, эътиқоди ва трансцендентал тасаввуринин испоҳотчиси бўлиб майдонга чиқади. Мусо ва Исо пайғамбар, Мухаммад алаҳиссалом ана шундай буюк зотлардир. Уларнинг маънавий жасорати туфайли инсоният энг гўзал, оликаноб ва инсонпарвар гояларга эргашиб, уларни тараққиёт мезони, ҳақиқий идеал деб бигди.

Инсоннинг мудом олга интилиб, эзз гоялар руҳида яшиши учун маънавий-ахлоқий идеал зарур. Бундай идеал намунаси эса маънавий жасорат соҳиби бўлган буюк шахсларнинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятидир. “Бу ёргу оламда, – деб ёзди Президентимиз Ислом Каримов, – энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиласмасдан, энг буюк жасорат бу – маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янгишмаган бўламиз” (Ислом Каримов. Юксак меънавият – ёнгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008, 159-бет).

Тўртинчидан, буюк шахслар ўз соҳасини муқаммал билади. Шу билан бирга, улар кенг фалсафий мушоҳада юритиш, ўз атрофида соглом мухит яратишга мойил бўлади. Доимишмандлик уларнинг бетакор фазилатидир. Айни шу фазилат туфайли улар башариятнинг тафаккур тараққиётига бекиёс ҳисса кўшади.

Баҳром ЖУМАЕВ,

ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти
тадқиқотчиси

Yunushoji portreti

Тошкентнинг Себзор даҳасидаги Катта Бузрук маҳалласида яшайдиган Нодирхонҳожи оиласида 1818 йили ўғил туғилади, унга Юнус баб исберишади. Нодирхонҳожи ердан ризқ ундиришга ҳавасманд инсон бўлиб, 1836-52 йилларда ҳажсафарига боради ва хориждан зироатчилик ва бодгорчиликка доир китоблар олиб келади.

Унинг ўғли Юнусхожи Тошкент, Ясси ва Бухоро мадрасаларида таълим олади. Үқищдан кейин, отасининг ишларини давом эттириб, Чинобод, Чоштепа, Оқтепа мавзеларида катта боғлар яратади. Далабог ховли сифатидаги уйлар, салобатли кўргон ва карвонсаройлар курдиради. XIX аср ўрталарига келиб шу атрофларда кичик қишлоқлар пайдо бўла бошлайди.

Даҳа маркази тусига кириб бораётган эски Юну-сабод, Отчопар, Оқтепа қариндош-ургуларининг оиласида ҳисобига кенгайиб боради. Оқтепа ариғи кенгайтирилиб, қишлоқ ерлари сув билан таъминланади. Масжид курилиб, унинг олдидда катта ҳовуз барпо қилинади. 1836 йилдан Юнусхожининг ташаббуси билан бу ерларда Наврӯз байрами нишонлана бошлайди. Ҳар йили Наврӯзда ҳалим тайёрлаш учун гўшт, ёғ ва будой Юнусхожи ҳисобидан берилган.

1851 йилда 33 ўшли Юнусхожи шахардан кишилекка кўчиб ўтади. Қишлоқдаги кам таъминланган дэххон хонадонларида 12 та никоҳ, 7 та суннат тўйи ўтказилади. Кўп болали оиласларга ҳар йили ёз ва қиши чилласида озиқ-овқат, кийим-кечақдан ёрдам берилади.

Юнусхожи қишлоқ хўжалиги ишларини яхши билган, айниқса, сабзи ва шолғом етиширища жуда миришкор бўлган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик фанлари доктори М.Мирзаевнинг ҳикоя қилишича, Тошкент вилоятида узумнинг рўзбари, сайд гуломий (кора тоифий) навларининг тарқалишида Юнусхожининг хиссаси катта бўлган. Бу узумларнинг кўчат новдапари Фаргона, Астраханъ ва Кавказ томонлардан олиб келинган. Академик Шредер ёшлигига кўп вақтини Юнусхожининг болгарида ўтказган, деган гаплар ҳам бор.

Чор қўшинлари Тошкентни босиб олгач, генерал-губернатор Кауфман янги қонун-қоидаларни жорий қилди ва тижорат ишларида руслар ҳам иштирок эта бошлади. Юнусхожининг тадбиркорлиги туфайли руслар билан савдо-сотки ривожланди. Шу йилларда Юнусхожи ўғли Сайдни олиб, Оренбург ва Астраханга тикорат сафарига боради. Қайтиб келинганидан сўнг Сайд ўз маблагига Чимкент йўлининг (хозирги Юнусбод масжиди) ўнг томонида Солихон деган дўсти билан бирга шинамигина чойхона курдиради. Юнусхожи эса катта кўчанинг нариги томонида карвонсарой курилишини бошлаб юборади. Кейинчалик карвонсарой атрофида бозор, нонвойхона, қассобхона ва дўконлар курилади, бу ерлар ободлонлаштирилиб, гузарга айланади.

Юнусхожи 1897 йилнинг куз ойида ҳаж сафарига боради. У Маккага 1898 йилнинг баҳорида етиб келиб, ҳожилик удумларини бажо келтиради ва сафардан қайтиш арафасида оғир дардга чалиниб, дунёдан кўз юмади. 1899 йилнинг бошида икки киши келиб, Юнусхожининг вафот этгани ҳақида хабар беради, бунинг тасдиғи сифатида унинг маҳсиювуши, ҳамёни ва дасхатини кўрсатади.

1899 йил Наврӯз байрамида чойхонада мархұмлар есланади. Шунда Солихон маҳалла аҳлига мурожаат қиласди: “Эй ҳалойик, мўмин мусулмонлар! Қачонгача гузаримизни Азимтепа, Карвонсарой, Жумамасжид деб атаймиз? Шу кундан эътиборан

мархум Юнусхожининг хотираси учун бу ерларни Юнусбод десак нима дейсизлар?” Сўнг ёши улуг Холдор бува “Тўппа-тўрги, бу жойни обод қилишда Юнусхожининг хизмати улуғ!” деб, маҳалла аҳли номидан ба тақлифни қўллаб-куватлайди. Шу тарика газар 1899-1900 йиллардан бошлаб Юнусбод деб номланиб кетади. 1910 йилда бу ном билан атала-диган ҳудуд кенгайиб, Отчопар, Оқтепа, Чоштепа ва Ҳасанбод қишлоғи чегарасигача етади.

Сайд Карим ака катта буваси Юнусхожининг ташқи қиёфаси тўргисида бундай дедилар: “Ёшлигимда катта бувамни кўрган одамлар, мени у кишига ўхшатар эди. Катта бувамга ўхшаб мен ўрта бўйиман. Афус, бувамнинг суратлари қолмаган”. Бир куни Сайд Карим ака танилии рассом Азиза Маматовадан Юнусхожининг портретини чизиб берисини илтимос қиласди. Юнусхожи ҳақидаги маълумотлардан таъсиранган рассом маскур портретни яратади (*Портрет журналини 55-саҳифасидан жой олган*).

Бу портрет 40x50 ҳажмаджид кичик асар бўлиб, левкастга ишланган. Левкас – орголит картондир. Унинг юзасига қизгиш тусдаги куюқ бўёдан тайёрланган имприматура сурилган. Имприматура жуда текис бўлиши керак. Голланд, Нидерланд ва немис рассомлари, айнан шундай имприматурага расм чизишган.

Азиза Маматова ишлаган портретдан мўйсафид бир одам жиддий бокиб турибди – кўзлари зийрак, кирра бурун, оппоқ муйлов ва соқолли.

Бу портрет 2008 йил қишида яратилди. Тошкент шахрининг 2200 йиллик юбилейни муносабати билан ташкил этилган комиссия ушбу асарни бошқа рассомларнинг асарлари қатори Ўзбекистон миллий галереясида ташкил қилинган кўргазмага тавсия этиди ва у юбилей кўргазмасида намойиш қилинди.

Улугбек МАМАТОВ,

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институту тадқиқотчisi

Ushalmagan orzular

Совет ҳокимияти Туркистанда ўз хукмронлигини мустаҳкамлаб олгач, ўлка ҳалқларининг илгор вакиллари, жумладан, маърифатпарвар жадидларга нисбатан таъқиб ва тазизини кучайтирги. Жадидлар дастлабки вақтда, совет ҳокимияти Туркистанда узоқ яшаб қола олмайди, деган фикрда бўлган. Аммо, таасуфки, бу ҳокимият тобора мустаҳкамлана боради. Большевиклар Туркистан мухториятига барҳам беради. Унинг ортидан Осипов исбёни ҳам бостирилди ва 1919 йилга келиб

ҳокимият тўлиқ советлар кўлига ўтади. Энди уларга қарши очиқдан-очиқ кураш олиб бориш кутилган на-тижани бермаслиги аниқ эди. Бундан ташқари, совет ҳокимиятининг шиорлари жадидларнинг озодлик, тенглик, адолат каби гоялардан иборат дастурий мақсадларига мос келар эди. Бу ҳол жадидларни давр билан ҳисоблашишга, совет ҳокимияти билан яқинлашишга, курашнинг яширин йўлига ўтишга мажбур ётади. 1919 йилдан миллий зиёлилар коммунистик партия сафига кира бошлайди. Бу эса

хукмрон партия сафида маҳаллий ҳалқ вакиллари сочининг бир оз бўлса-да, кўпайшига олиб келди.

Таникли жадидлар Рустамбек Юсупов, Сайдулла Қори Шомухаммедов ва Шаҳобиддин Аҳмедовлар ташабуси билан Тошкентнинг Кўкча даҳасида "Гап" гуруҳи ташкил этилган. Ўқитувчилар, савдогарлар ва талабалардан иборат бўлган бу гуруҳ омма орасида миллӣғояни тарғиб этиши ва шу билан совет ҳокимиятига қарши олиб борилаётган миллӣ озодлик курашига кўмаклашиши мақсад қилган.

"Гап" гуруҳига дастлаб қуидагилар аъзо бўлиб кирган: Сайд Фоурний (гуруҳ раҳбари, ўқитувчи, савдогар), Тангириул ҳожи Максудов (ҳаракат етакчиларидан, савдогар ва мударрис), Сайдулла қори Шомухаммедов (жадидчилик ҳаракати раҳнамоларидан, ўқитувчи ва савдогар), Хайрулло қори Шомухаммедов (ўқитувчи ва савдогар), Илҳом Исломов (гуруҳ раҳбарларидан, ўқитувчи). Садриддин Аҳмедов (гуруҳнинг фаол аъзоларидан), Шукур Фоурний (ўқитувчи ва савдогар), Мусаввир Одилов (ўқитувчи, большевиклар партиясининг аъзоси), Сирохиддин Махмудов (комфирка аъзоси, ўқитувчи), Субутай Долимбеков (ўқитувчи), Обид Каримий (ўқитувчи ҳамда Олий педагогика институти талабаси). ("Мерос" ҳалқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғараси фонди материялларидан. Среднеазиатский кишлак в годы большого террора (Составители: Шамсутдинов Р. Т., Юсупов Э.Ю., Хошимов С., Дўстматов Э.П.). Андикан, 2007, стр. 58).

Кейинроқ ҳаракат қатнашчилари сафига Жамил Хидоятов, Пўлат Ҳожибоев сингари ўқитувчилар қўшилган.

Гуруҳ ўзининг ҳаракат дастурини кўпроқ мактаб ўқитувчилари орқали кенг омма ва ёшпарга етказишига ҳаракат қилган. Шу боис гуруҳга миллӣ ўқитувчилари тортишга катта аҳамият берилган.

"Гап" гуруҳи советлар замонида чор Русияси давидрагидек мустамлакачилик давом этаётганидан норози бўлиб, "Илгари ўлкани битта губернаторидор идора қилган бўлса, энди кўп сонли губернаторлар идора қилмоқда, илгари фуқаролар губернатор билан судлаша олган бўлса, энди бундай имконият йўқ, илгари ҳар ким ўз ерига ўзи эзалик қилган бўлса, энди, акинча, барча ерлар европаликлар кўлига ўтиб кетди, шу боис Ўзбекистонда мустақил давлат тувиш зарур" (Ўбайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20-30 йилларда мустақил туумга қарши миллӣ муҳолифат ҳаракати маҳаллий зиёлилар фоалиятни мисолида. Т.Ф.Н. илмий дарражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2004, 16-бет) деган гоя асосида иш қўрган.

Гуруҳ раҳбари Сайд Фоурнийнинг 1930 йил декабрида ОГПУ терговида берган жавоби ҳам бу фикри тасдиқлайди. "Мен ва маслақдошларимнинг қараашлари совет тузумига қарши бўлиши

мумкин. Мен совет тузумининг мавжуд бўлишига бер қанча сабабларга кўра қаршиман. Масалан, ҳукуматнинг савдогарларга нисбатан қаттиқ режим сиёсатини ўрнатишига, хусусий ва майда савдо аҳлини таъкиб қилишига, хусусий мулкни, ернинг тортиб олиниши ва бошқа мулкчилик шаклларининг йўқотилишига қаршиман. Миллӣ зиёлиларимизга нисбатан ўтказаётган ҳар қандай таъкибларини, уларни миллатчиликда ҳаракоратумиз айблашларини ёқтирмайман" (Среднеазиатский кишлак в годы большого террора. Стр. 59-60), дейди у.

Сайд Фоурний фикрини давом эттириб, "Мен Ўзбекистоннинг мустақил миллӣ демократик давлат бўлишини хоҳлайман" дейди. "Ўзбекистонда мустақил ўзбек давлатчилигини қарор топтириш керак, бунинг учун совет ҳокимияти ағдарилиши лозим. Совет давлатини ағдариш учун, бизнинг фикримизча, ҳамма биргаликда курашиши зарур. Бунинг учун ичкарида тарбисизлекларни кучайтириш керак. Истиқлолчилик ҳаракатининг кучайиши совет давлатининг кулашини тезлаштиради. Бунинг учун ҳалқни обёқга тургазии лозим.

Биз ҳалқнинг норозилиги ортиб бориши, истиқлол учун олиб борилган курашлар натижасида совет тузумини кулатиб, мустақил миллӣ Ўзбекистон давлатини тувишни ўйлагандик".

Сайд Фоурний инглизларга ҳам муносабатини билдириб бундай дейди: "Ўзбекистон мустақил қилиб, миллӣ демократик давлатимизни тузолмаган тақдирда, биз инглизлар мустамлакаси бўлишига рози эдик. Англияг юшилишнинг қуидаги устувор томонлари бор. Биринчидан, Англиянинг Осиёдаги мулкларининг юқинлиги, иккичидан, мулкдорлиги, бойлиги ва маданиятилиги, учинчидан, мустамлакага айлантирган ерларидан туб ахолиси озлиги. Шунингдек, биз муҳокама қилдик, инглизларнинг ўзлари келмайди, аксинча, уларнинг капитали кириб келади. Инглиз капитали ёрдами билан биз саноатимизни ривожлантириб, мамлакат иктиносидини кўтариб олгандан сўнг инглизларни кувиб чикариб, мустақил давлатимизни тузамиз".

Гуруҳ етакчиларидан Садриддин Аҳмедов, Сайдулла ва Хайрулло Шомухаммедовлар, Шукур Фоурний, Мусаввир Одилов, Илҳом Исломов, Субутай Долимбеков, Тангириул ҳожи Максудов ҳам шундай фикрда бўлган.

"Гап" гуруҳи аъзолари совет ҳокимиятининг паҳта яккаҳоқимлигини ўрнатиши сиёсатини ҳам қоралаган. Улар ўлқада паҳта этиширишдан кўра дон ва бошоқли экинлар экшини фойдали ҳисоблаган.

Гуруҳ аъзолари, шунингдек, совет ҳокимиятининг колективлаштириш, колхоз хўжаликларини ташкил этишига ҳам қарши бўлган. Сайд Фоурний, Сайдулла қори Шомухаммедов бундай дейди: "Аввалига ҳаммани колхозга бирлаштироқда, ер ва бошқа асбоб-анжомлар колхоз ихтиёрига ўтмоқда, кейин

ё́ммаган кишиларни кўчага улоқтирмоқда. Натижада камбагал бечора ер ва бошқа мулкидан маҳрум бўлмоқда".

"Гап" гуруҳи жадидларнинг етакчилари Мунаввар кори Абдурашидхонов, Салимхон Тиллахонов билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ҳам йўлга қўйган. Бироқ ушбу гуруҳ фаолияти қанчалик яширин бўлмасин, уни ОГПУ ўз назоратидан

қўчирмаган. 1929 йил "Гап"чилар фаолиятига чек кўйилган, аъзолари қамоқча олининг, 1930 йил январда суд ҳукми билан турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган.

Соибжон ҲОШИМОВ,
Андижон давлат университетининг
докторанти

Sho'ro davridagi "quloq" posyolkalari

Ўзбекистонда ўттан асрнинг 30-йилларида қишини ўзгаришларни ёппасига колективлаштириш ниқоби остида қишлоқларда ҳам оммавий қатагон авж олган вақта "кулок" қилиб сурғун этилган дехқон оиласида "Ички ишлар халқ комиссарлиги" сифатида қайта ташкил этилган, ГУЛАГ бошқарув тузилмасида ҳам ўзгаришлар юз беради. Шу даврдан эътиборан "махсус кўчирилганлар" (спецпересленцы) деб номланган. 1934 йилда ОГПУ НКВД (Ички ишлар халқ комиссарлиги) тармоқларида антисовет-кўпорувчилик ишларини олиб бораётгани таъвидланган. Директиви қарорда бундай "унсур"ларни ҳукм этувчи "учлик"лар таркибини, шунингдек, отув жазосига ҳукм қилинадиган ва сурғун қилинадиганлар микдорини беш кун ичida белгилаб, ВКП(б) МКра тақдим этиш топширилган.

1936-1937 йилларда меҳнат посёлкалари ташкилий-хўжалик жижатдан дэярли шакллантириб бўлинган ва маълум бир тизимга солинган эди.

Бу даврда Ўзбекистонда қулоқ хўжаликлири сурғун қилинган посёлкалар сони 15 та бўлиб, посёлка комендантуралари рақами ва номланиши №1 "Хазорбог" (Денов районида), №2 "Боёвут" (Ховос районида), №3 Стрелково (Янгиюл районида) қабилида бўлган. Кейинги йиллардаги меҳнат посёлкалари сони қисқариб борган, уларнинг номи ва рақами ҳам ўзгарган.

1937 йилда Ўзбекистондаги мавжуд меҳнат посёлкаларида 3538 та "кулок" оиласи (13924 киши) бўлган. Кўчкиндиларнинг 7054 нафари меҳнатта яроқли бўлиб, улар 134 меҳнат бригадасида ишланган. Туғилиш ва ўлиш сонига боғлиқ тарзда посёлкаларнинг ахоли сони ўзгариб турган. Айни чоқда кўчкиндиларнинг меҳнат посёлкаларидан қочиш холлари ҳам бу кўрасатичига таъсир этган.

Маълумки, 1937-1938 йилларда мустабид тузум оммавий қатагонларни барча жабхаларда кучайтирган. Бу ҳолат қулоқ қилиниб, маҳсус посёл-

каларга сурғун қилингандар тақдирда ҳам машъум из қолдиради.

1937 йил 2 июнда ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг "Антисовет унсурлар тўғрисида" директиви қарори қабул қилинади. Бу директиви кўрсатмада итифоқнинг барча шаҳар ва қишлоқларда сурғундан қочиб келган собиқ кулоқ ва жиноятчилар ўнашиб олгани, улар саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида антисовет-кўпорувчилик ишларини олиб бораётгани таъвидланган. Директиви қарорда бундай "унсур"ларни ҳукм этувчи "учлик"лар таркибини, шунингдек, отув жазосига ҳукм қилинадиган ва сурғун қилинадиганлар микдорини беш кун ичida белгилаб, ВКП(б) МКра тақдим этиш топширилган.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1937 йил 11 июнда йигилишида Ўзбекистон ССР бўйича "учлик" таркиби Загвоздин (ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари), Икромов (ЎзКП(б) МК котиби), Болтабеев (ЎзССР ХКС раиси)дан иборат таркибда тузилган.

1937 йил 30 июнда ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 2 июнда қарори асосида СССР НКВДси-нинг 00447-сонли "Собиқ кулоқлар, жиноятчилар ва шаҳар антисовет унсурларни қатагон қилиш бўйича операция тўғрисида"ги оператив бўйруги чиқади.

Бўйруқда мазкур "антисовет унсурлар"ни шағатасизлик билан тор-мор этиш учун НКВД органларига 1937 йилнинг 5 августидан эътиборан қатагон операциясини бошлаш ва уни тўрт ой ичida якунлаш вазифаси қулатилиади.

Шу тариқа, Ўзбекистонда ҳам оммавий қатагон авж олади. 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича "кулоқлар"дан 5924 киши, "жиноятчилар"дан 1679 киши, бошқа "советларга қарши унсурлар"дан 3097 киши, жами 10700 киши қамоқча олинган. Улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2-тоифа бўйича 8-10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

Қатагон қўлингандарнинг маълум бир қисмни меҳнат посёлкаларида сургун азобини тортаёттган собык "кулоп"лар – меҳнат кўчкиндилари ташкил этган. Ёнласига колективлаштириши йилларида жазолганган собык "кулоп"лар "катта террор" даврида яна қайтадан қатагон комига тортилади. НКВД органлари 1934 йилдан бошлаб меҳнат посёлкаларида агентура ишларини изчили ўйлга кўйтган эди. Аксар ҳолларда мазкур агентура маълумотлари меҳнат кўчкиндиларини қатагон қилишга етарли асос бўлиб хизмат қилган.

ЎзССР НКВДси қошидаги "учлик" ҳар бир йилинида ўртача 310-315 киши устидан ҳукм чиқарган. Кўпинча "учлик" жойлардаги НКВД секторларидан олингангача айблов хулосаларига асосланиш шошма-шошарлик билан ҳукм чиқарган. Бу ўринда биргина Андижон секторида тергов жараёнида процессул қонунни кўлон бузиш ҳолатлари юз бергани ҳакидаги мисолни келтириб ўтиш кифоя. НКВД Андижон сектори ходимлари – секторнинг сабж бошлиги А.А.Стасин, унинг ўринбосари А.В.Кулиничев, 4-бўлим бошлиги Макаревичлар 1938 йилда жинон ишларни соҳталаштириб, тергов ҳужжатларини тасдиқлаб, кўплаб маҳбуслар устидан ноқонуний ҳукм лойихалари таъйларагани учун Ўрта Осиё Ҳарбий округи Ҳарбий трибунални томонидан олий жазога ҳукм қилинган.

Кўпгина меҳнат кўчкиндилари ўтмишда "босмачилик" ҳаракатида қатнашганлиқда, диндоруҳоний бўлғаниклида, совет тузумига қарши аксил инқилобий ташвиқот олиб борганиклида айланган. Чунончи, "учлик"нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йигилишида НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган 2716-сонли жиноят иши бўйича 5 нафар меҳнат кўчкиндиси устидан ҳукм чиқарланган. Бу "айблар"и учун ҳибсга олинганлардан Мирзаев Омонкул, Отаёров Қозок, Давлатов Сайднинг молмулки мусодара қилиниб, отув жазосига, Холиқов Аннауқа, Холиқов Омонкул эса 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Меҳнат кўчкиндиларининг доимий равиша махнат посёлкаларида тутиб турилиши, табиияти, уларнинг ҳукуқ ва эркинликларини чеклар эди. Шу боис уларнинг меҳнат посёлкаларидан қочиб кетиши одатий ҳолга айланган. Зоро, посёлкадан қочиб кетиши қамоқ ёки лагердан қочишига нисбатан енгилроқ эди.

Айтиш мумкинки, қочиб кетган махнат кўчкиндилари бўйича пухта қидирав ишлар олиб борилмаган. Бу ҳол меҳнат посёлкаларидаги ишга яроқли аҳолининг йил сайин камайиб боришига таъсир кўрсатмай қолмаган. Энг ачиниалиси эса, меҳнат посёлкаларидан қочиб кетганлар "катта террор" даврида қатагоннинг асосий объектларидан бирига айланган. Архив ҳужжатлари тўпламида Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон, Қирғизистон, Тоқикистон ва Ўзбекистондаги "кулоқлар сургуни"дан қочиб келган ва колхозларга кириб олган юзлаб собык

кулоқларнинг қатагонга тортилган ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилган.

1935-1936 йилларда сургундаги қулоқлардан бальзипарининг турмушни изга тушиб, улар ўз ҳўжалигини қайта тиклаб олган эди. Бу "унсур"ларнинг яшаш шароитлари ва моддий ахволи яхшиланниб бориши, яъни "бойиб" бориши СССР НКВД ГУЛАГ Меҳнат посёлкалари бўлими ходимларини ташвишига соглан, албатта. Бу бўлум бошлиги М. Конрадовнинг 1938 йилнинг сентябрнда Н.Ежовга ўйлаган мавзузонасида айрим меҳнат кўчкиндилари ҳўжалик шароитига кура кулоқлик даражасига ўсиб етганни, улардан аксарияти 2-3 тадан сигир, от ва бузоқларга эга экани айтилиб, айрим вилоятларда меҳнат кўчкиндиларининг шахсий чорва ҳайвонлари меҳнат посёлкаларининг умумий чорвасидан ҳам кўпроқ экани қайд қилинган эди.

Бундай "бойиб" кетиш ҳоллари Меҳнат посёлкалари бўлими ходимларининг сиёсий хатоси сифатида баҳолланган. Бу эса ўз навбатида НКВД органлари ичидан ҳам "халқ душманлари"ни топишига асос бўлган. 1937-1938 йиллардаги оммавий қатагон НКВДнинг кўзга кўринган бир қанча раҳбарларни ҳам ўз комига тортади.

Бироқ аксарият меҳнат кўчкиндилари ночор ахволда кун кўрар, кулогига қадар қарзга ботиб қолганди. Шу боисдан ҳожимият ва НКВД идоралари меҳнат кўчкиндиларининг қарзларини бекор қилиш, ссудалар тўлови муддатини узайтириш ҳақидаги тақлифлар билан ююри органларга мурожаат этиб турган. Айрим ҳолларда бу тақлифлар ижобий ҳал қилинган ҳам. Масалан, СССР ХКСнинг 1937 йил 21 апрелдаги СО-1219-сонли қарори билан меҳнат кўчкиндилари ссудалар бўйича қарздорликдан озод қилинган.

1939 йилда қатагон кўлами кескин пасаяди. Шу йили "кулоқлар сургуни" бўйича қатагон қилинганлар миқдори ўтган йилларга нисбатан 9 марта қисқаради. 1939 йилнинг 1 январь ҳолатига Иттифоқ бўйича 987918 нафар меҳнат кўчкиндиси рўйхатда бўлиб, бу йилда судланганлар 2644 ишишини (0,27 фоиз) ташкил қилди. Ўзбекистонда эса бу даврда 14312 нафар меҳнат кўчкиндиси бўлиб, шу йили судланганлар 17 ишишини (0,11 фоиз) ташкил эти.

Хуласа қилиб айтиганда, оммавий қатагон йилларида маҳсус посёлкаларга сургун қилинган "кулоп"лар яна қайтадан қатагон комига тортилади. Совет ҳукумати республика учун белгилаб берган қатагон мөъёларининг маълум қисми меҳнат кўчкиндилари хисобидан бажарилади. Жазо мусасаларни "юқори"нинг топширигини бажариш учун ҳар қандай разиллиқдан қайтмаган. Ҳибсга олинганларнинг "айбини бўйнига кўйиш" учун уларни кийинкә солиш, руҳий таъсир кўрсатишни каби гайриқонуний воситалар кенг кўлланганни мустабид тузум ҳукуқ идоралари томонидан ҳам тан олинган.

**Мурзобжон АБДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари номзоди**

Qahramonlikning ijtimoiy-falsafiy talqini

Давр қаҳрамонларни яратганидек, қаҳрамонлар ҳам даврни яратади. Мазкур диалектик болгиларинунутлигиган жойда ё давр таъсири, иктиомий дeterminizmни, ё қаҳрамонлар, шахсларни улуғлашторек тор ёндашув пайдо бўлади. Плутарх, Т.Карлейль, Гегель, Ницше, Хосе Орtega-и-Гассет асарларида қаҳрамонлар улуғланган, уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли тарих яратилиди, деган foялар илгари сурилган. Масалан, швецияният файласуф Т.Карлейль, "Инсоният тарихи – буюк шахслар, қаҳрамонлар тарихидир", деб ёзган (Карлейль Т. Герои, почитание героев и героическое в истории. М., "Эксмо", 2007, стр. 7-8). Ф.Ницше эса халқни, оммани "буюк шахслар кўланкаси", деб таърифлаган (Ницше Ф. Сочинения в двух томах. Т.2. М., "Мысль", 1990, стр. 280).

XX асрда дунё бўйлаб демократик ҳаракатларининг кенг ўйлиши юкоридаги қаҳашларнинг тор, бир ёқалами эканини кўрсатди, тарихнинг ҳақиқий субъекти – халқидир, деган фикр бугун аксиома сифатида қабул қилинади. Аммо бу хулоса қаҳрамонлик алоҳиди бир воқелик эканини инкор қилмайди.

Қаҳрамонлик субъектлари – шахс, гурух, халқидир. Шахс қандай қаҳрамонона хатти-ҳаракатни амалга ошираси, гурух, халқ ҳам шундай қаҳрамонинка қодир. Ҳатто улуг шахслар килолмаган, куч-кудрати етмаган буюк иктиомий юмушларни гурух ва халқ ўз зимиасига олиши мумкин. Лекин қаҳрамонлик моҳиятига кўра иктиомий-ахлоқий ҳодисадир. Айнан шуннинг учун у кўпинча фалсафий-ахлоқий нуқтаи на-зардан тадқик этилади.

Қаҳрамонлик негизида иктиомий борлиқни ўзgartирishi, уни янада олижаноб ва инсонларвир қилиш мақсади ётади. Инсон табиатан ўз борлигидан, социумдаги ўрнидан қониқмайдиган мавжудотдир. У атрофдаги оламин ўзгартириш орқалигини ҳаётдан маъно топади. Қаҳрамонлик эса инсонни бутун куч-кудрати, ақл-заковати ва мазнавий салоҳиятини сафарбар этишига ундейди. "Инсон ўзидан ўзиши керак бўлган зот", деб ёзган эди бу ҳақда Ф.Ницше. Дарҳақиқат, ўзидан, борлигидан ўзишига интилмай инсон бирор буюк қашфиёт яратолмайди, қаҳрамонлик кўрсатолмайди. Демак, қаҳрамонлик – инсонни ўзидан, борлигидан ўзишига ундовчи ходиса.

Қаҳрамонликнинг объекти – бошча бир инсон, жамият, башариятдир. Инсоннинг ўзидан ўзиши мазкур обьектларга, уларнинг манфаатларига қаратилган бўлади. Қаҳрамонликнинг иктиомий ҳодисалиги унга ахлоқий воқелик, олижаноб фазилат, фидойилик, жа-

сорат, мардлик деб қарашга ундейди. Қаҳрамонлар жамият ёки инсоният ҳақида қайгури, уларнинг манфаатларига фидойилик билан хизмат қиласди.

Қаҳрамонлик кўпинча тасодифий ҳодиса бўлиб кўринса-да, унинг негизида инсон қалбида, ахлоқида, ҳаёт тарзида шакллантирилган фазилатлар ётади. Масалан, ўз яқинларини чин дилдан севгат кишигина уларни ноҳақтиқдан, зўравонлик ва хуружлардан мардларча ҳимоя қиласди. Ҳатто ракибнинг ёвзликнинг катта кучга эга экани ҳам уни кўрқитмайди, аксинча, у зўравонликни бартарап этиш учун бор кувватини ислаҳ солади. Нажмиддин Кубронинг мўғул босқинчилариға қарши чиқиши негизида унинг юртошларига ва ватанига бўлган меҳр-муҳаббати ётади. Тўмарис, Широк, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, сарбадорлар ва жадиди боболаримиз ҳаётни, фаолияти ва кураши ҳам ноҳақликни, зўравонликни бартараф этишига қаратилган, халқига, ватанига бўлган меҳр-муҳаббати ифодаси эди.

Қаҳрамонлик янгилик яратиш борасида чекилган изтироблар, котиб қолган назария ва қонун-коидаларга қарши кураш натижаси ҳам бўлиши мумкин. Беруний ақлу тафаккурга чуқур ишонгани учун юртма-юрт дарбадар кезиб, илм-фангга умрини сарфлаган. Ибн Синонинг илмий жасорати ҳанузгача ақлу тафаккур ахлини ҳайратга солади. Венгрияният физик Никола Тесла Эдисон назариясидан нотўтири таъриф мавжуд эканини исботлаш учун ўз танасидан 5 миллион волтлик электр энергиясини ўтказади ва тирик қолади. У кўлидан ўтаяётган ток билан лампочкани ёқади. Булар илм-фангга, яратган янгилигига чуқур ишонч, ҳақиқат излаш ўйлидаги жасоратдир (Қаранг: Пешкова В. Феномен генения. Ростов на-Дону, "Феникс", 2006, стр. 11).

Файласуф, шоир, бастакор, шифокор, курувчи ва дехқоннинг фидокорона меҳнати ҳам рақибга қарши чиқсан жангчининг мардлигидан кам қаҳрамонлик эмас, ҳар қандай соҳа ва фаoliyat тuriда қаҳрамонлик кўрсатиш имкони мавжуд. 1994 йили ҳукуматимиз томонидан "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони таъсис эътилди ва шу кунгача ушбу олий унвонга етмишига яхин ватандoshimiz лойиқ кўрилди. Улар орасида оддий ишчи-хизматчию мактаб ўқитувчисидан тортиб эл-орт танинган ижодкорлар, жамоат араббларигача бор.

Қаҳрамонликнинг халқ, эл-орт томонидан эътироф этилган кўриниши узоқ вақт ёдда сакланади. Алломиши, Гўрўғли, Кунтугумиш, Авазбек, Фарҳод

ва Ширин каби халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари фақат хаёл маҳсулни эмас, улар негизида маълум бир ҳәтийт воеалар, эзгу ва олижаноб фазилатлар ётади. Бу қаҳрамонлар химоя қылған адолат, иш, дүстлик, ватанпаварлик гоялари халқимизнинг орзуумидларига, келажак ҳақидаги йўларига ҳамоҳанг бўлгани боис уларнинг номи ҳам, қаҳрамонларлари ҳам ҳамон халқ ёдида яшаб келади.

Инсон меҳнати, фидойилиги, жасоратини муносиб баҳолаша ва тақдирлаша эл-юрт манфаатларига хизмат қилувчи шахслар сонини кўпайтиради, уларни янги жасоратларга, фидойилик билан меҳнат

қилиб, бетакрор, буюк қашфиётлар яратиб яшашга унайдайди. Демак, қаҳрамонлик қалби беором изланишларга, ўйи бетакрор янгиликлар яратишга, ҳәтийт ва фаолияти эл, юрт, ватан манфаатларига баҳшида шахслар фазилатидир. Қаҳрамон эса бошқаларга, айниқса, ёшпарга қандай фазилатлар ва иктиомий мақсадлар билан яшаш кераклигини кўрсатиб, ҳаёт йўлуни ёритиб турадиган маёқидир.

Римма ЗАМИЛОВА,

ЎЭР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти
тадқиқотчisi

Ezgulik va ibrat kitobi

Зардуштийлик шахс ва унинг маънавий дунёсини иктиомий ҳаёт ҳамда жамият тараққиёти эҳтиёжлари билан узвий боғлаган кўхна диний, фалсафий-ахлоқий дунёқараш тизимишдир. Бу таълимотнинг асослари "Авесто" китобида байён этилган. Унинг гоялари умуминсоний құмматтаға эга бўлгани боис замонлар оша яшаб келмоқда. Айниқса, бу китобда инсоннинг руҳий ва жисмоний камолоти эзгуликни кўпроқ ёйиб, ёвузликин бартараф этишга қаратилган ҳаракат сифатида ҳаётнинг бош мақсади эканига ургу берилган.

Зардуштийлик эътиқоди бўйича умри давомида яратувчиликка интилиб, эзгу амаллар қилиб яшайдиган инсон комил ҳисобланган. Унинг абадийлиги ҳам пок ҳаётий эҳтиёж ва орзулар тантанаси сифатида талқин этилган.

Эзгу интилишларнинг юксак қадрланиши, ахлоқий камолот сари босқичма-босқич кўтарилиб бориши, ҳаёт қонуниятларига йўғун тарздаги дошишмандлик, буарнинг акси бўлған ёғлончиклар ва ёмонликка нисбатан нафрят зардуштийлик таълимотининг асосий гоялари бўлган. Бу таълимотда оптимистик руҳ устун, унга кўра яхшилик ёмонлик устидан, нур зулмат устидан, гўзаллик хунуклик устидан мукаррар галаба қозонади. Охиратда ҳам ахлоқян пок одамлар разил ва ғунофиқларни ёнгиб, абадий фароғатга эришади.

Лекин ёмонлик инсон қалби ёпишиб олади ва гоҳида ташқарига чиқиб ёргули билан олишиб туради. Яхшиликнинг галабаси инсон ўзини англаб етганда содир бўлади. Бундай комил инсон Ахриманни батамом йўқ қилиб ташлайди. "Томорқасидан ҳар

куни икки марта сув оқиб ўтадиган, подаси, айвонли ҳовлиси, сохибкамол хотини, фарзанди бўлган, ўз меҳнати билан оиласини боқиб юрадиган, ерни яхши парвариши қиласидиган, мопла яхши қарайдиган одамбегуноҳидир", дейипади "Авесто"да.

Кўриниб турибдикি, Зардуштнинг иктиомий идеали бевосита тинч ҳаёт, мўл-кўлчилик, фарзандлар баҳти, соглия ва узок умр билан боғлик.

Шу маънода юртошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Авесто"дан ҳозирги замон учун ҳиратли бўлган сабокларни олиш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ўясни сифатида талқин этиши бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлик, нечоғлиқ мустаҳжик ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир.

"Авесто"да борлиқнинг яхлитлиги, бир бутунлиги, инсон ҳаётни ва табиат билан уйунлиги масаласи одамларнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилганга кўп нарсани англатади. Бу холат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантирища атроф-муҳит қадим замонлардан бўён қандай таъсир ўтказиб келганига яна бир бор эътиборни жалб қиласиди" (Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., "Маънавият" нашриёти, 2008, 32-бет).

Ҳеч шубҳасиз, бундай эзгу гоялар бугунги мураккаб глобаллашув замонида ҳам ёшпаримиз маънавиятни юксалтирища бекиёс аҳамият касб этади.

Наргиза МАДАМИНОВА,

Тошкент давлат педагогика
университети ўқитувчиси



SUMMARY

Uzbekistan tries to use the power of the regional and international organizations to maintain peace, stability and the strategic balance in Central Asia and prevent from its turning into a place of interests' collision and conflicts. An interview with the Director of the Regional Policy Foundation and candidate of political sciences Ulughbek Muhammadiyev is about NGOs and think tanks which carry on their activities all over the world. Think tanks are sometimes called a fifth power. Strengthening the role of experts working for these think tanks and civil society institutions will help Uzbekistan respond challenges it faces today in a proper way and time.

Scientist Sultonmurod Olim in his article "When Mind and Labor are Safe..." tells how everyone should be an entrepreneur in his work, daily activities and the style of life. The development of entrepreneurship means to earn livings by the people and avoid consequences of dependency and reach prosperity relying on one's own abilities and enhance manufacturing on the basis of material incentive. Nowadays the elders call for sowing each span of the ground and planting an orchard, using private plots in an effective way and thus providing for the flourish of the motherland and the well-being.

I n her article "The Parliament System: Approaches, Views and Experiences" Matluba Musayeva tells about how political parties nominate candidates and thus the state administration is divided not only into two branches but give opportunities to the skilled people and public figures to become members of parliament and improve the national legislation. At the same time this procedure paves the way for increasing activities of both the people and the political parties. Introducing the two-chamber parliament

in Uzbekistan is the embodiment of building a legal and democratic state aimed at freeing all spheres of life.

A

hammadjon Meliboyev wrote many short stories with a simple and smooth language on the basis of his own experiences. Readers can easily understand philosophical meanings in his "Hearty Feelings". No-one has the right to forget his past. Everyone who has such virtues as modesty, nobility, and open-heartedness deserves respect.

H

"Hazar Dreams" is a book of life of Georgiy Pryahin. There is more reality of life than fiction in it, it is written as a fiction and it is read easily but there is a live wire behind each word. There are many pages written with tears in eyes and there are many pages read with tears in eyes. Nabijon Boqiy has translated this work and consigns it to your attention.

I

In the article "In the wake of Semiramida – Shomuramat" Doctor of Architecture, the late Polat Zohidov tried to prove that one the seven wonders of the world - the legendary Hanging Gardens of Semiramida had been connected to our ancient national history and it was built by Turkic princess Shomumurat.

Th

The Article "How Should Literary Criticism be?" by the great Leo Tolstoy is a preface to the novel "The Peasant" by Georg von Polenz. At those times first signs of globalization had appeared in politics, economics and science and literature and arts looked for new riverbeds like the whole human civilization. When decadent feelings prevailed among people as if everything was clear, outspoken and further nothing more than repetition and imitation could be invented Leo Tolstoy had felt a need to turn on a light for art of the 20th century and illuminate it. The preface had been written with a desire for this light and mankind love.

АКА-УКА МУСАВВИРЛАР ИЖОДИДАН



Алишер ОТАБОЕВ. "Төгөдә баҳор"



Алишер ОТАБОЕВ. "Ширмөнбүлөк. Ҳовали"



Азамат ОТАБОЕВ. "Сүйкөк"



Азамат ОТАБОЕВ. "Мәхмөнлар ийләгә чыкды"

449

61600

Нашр күрсаткичи: 869/870
баҳоси келишилган нархда

ТАФАККУР

ТАФАККУР 2/2011

